

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Гулистон давлат университети

Л.К.Қаршибаева, Ў.С. Эрбўтаева, Д.Хўжабекова

**Табиатшуносликни ўқитишда ўлкашунослик тамойили
ўқув-услубий қўлланма**



Л.К.Қаршибаева, Ў.С. Эрбўтаева, Д.Хўжабекова «Табиатшуносликни ўқитишда ўлкашунослик тамойили» ўқув-услубий қўлланма. Гулистон. 2016. 59 бет.

Ўқув-услубий қўлланма бошланғич таълим йўналишида таълим олаётган талабалар, бошланғич синф ўқитувчилари ҳамда педагогика йўналишидаги коллеж талабалари учун мўлжалланган бўлиб, унда ўлкашунослик фани, унинг мақсади ва вазифалари, ўрганиш объекти ва предмети, бошқа фанлар билан алоқалари, унинг турлари, ўлкашуносликнинг бошланғич таълим бакалаврлар тайёрлашдаги ўрни, ўлканинг табиий шароити, ривожланиш тарихи, ўлкашуносликка оид асосий терминлар ва тушунчалар, ўлкашуносликнинг асосий манбалари: археологик, этнографик, топонимик манбалар, архив хужжатлари ва музей экспонатлари ҳақида фикр юритилган.

Ўқув-услубий қўлланма ЎМКнинг 30.08.2015 йилда ўтказилган 1-йиғилиши баённомаси билан тасдиқланиб, нашрга тавсия қилинган.

**Такризчилар: г.ф.д. К.Хидиралиев;
г.ф.н. А.Йўлдошев.**

Кириш

Ўлкашунослик - Ватанизмининг маълум бир қисми (вилоят, туман ёки аҳоли пунктлари) маҳаллий аҳоли иштирокида ҳар томонлама комплекс ҳолда ўрганишдир. Маълум ўлканинг (республикани) табиий шароитлари, аҳолиси, ҳўжалиги, маданияти, санъати, алоқа йўллари ва алоқа воситалари ўлкашуносликнинг объектлари ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, ўлкашуносликни мустақил фан деб бўлмайди. Чунки у жуда кўп фанлар география, тарих, этнография, биология, геология ва бошқаларга тааллуқли масалалар билан шуғулланади.

Ўлкашунослигининг асосий мақсади география дарсларида таниш материаллар асосида олган билимларни мустаҳкамлашдан иборатдир. Ўлкашунослик ўз олдига икки мақсадни қўйиб ўрганилади. Бири ўз ўлкасининг ўтмишини археологик, этнографик, топономик, қўлёзма асарлар ва архив ҳужжатлари асосида ўрганиш ва уларни бир тизимга солиш, иккинчиси шу тўпланган материаллар асосида ўрта мактаб дарсларида фойдаланиш. Бу эса дарсларини мазмунли ва тушунарли бўлишини таъминлайди.

Бугунги ўз-ўзини англаб, мустақиллигимиз кун сайин мустаҳкамлашиб бораётган шароитда она юртимизнинг ҳар бир фарзанди учун Ватанизм тарихини севиш, ўрганиш, дилига жон этишдан ҳам муқаддасроқ бурч бўлмаса керак. Тарихга назар ташласак, ўз ўлкасини севмаган ва унинг тупроғини ардоқламаган биронта зотни учрата олмаймиз. Шунинг учун ҳам Ватаннинг ҳар бир фарзанди ўз Ватанини севиши, унинг тарихини ўрганиши, табиатини, уни асраб авайлаши керак. Бу ишларни бажаришда ўлкашунослик фани шу жумладан мактаб ўлкашунослигини ўрни алоҳидадир. Мактаб ўлкашунослик фани ўқитилар экан, тўпланган археологик, этнографик, топономик ва архив ҳужжатлари маълумотларини ўқувчиларга ўргатиш аҳамиятлидир.

Мактаб ўлкашунослиги таълим тарбияни турмуш, ишлаб чиқариш, янги жамият қуриш тажрибаси билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганади. Ўқитиш жараёнида ўлка материалларидан ўринли фойдаланиш ўқувчиларнинг ўз ўлкасини тарихини билиб олишга, чуқур билим олишга, мустақил ижод қилишга бўлган қизиқишини орттиради ва келгуси ҳаёт йўлини танлаб олишга ёрдам беради. Мактаб ўлкашунослиги фанлар ўртасидаги алоқани

мустаҳкамлайди ҳамда ўқитувчи зиммасига катта масъулият юклайди. У дастур асосида ўз аъзоларининг билим даражаси ҳамда ижодий қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда (иложи борича мутахассисларнинг маслаҳатлари ва кўрсатмалари асосида) тадқиқот ўтказиш ишининг режаси ва иш ҳажми ҳамда услубини ишлаб чиқади. Ўлкашуносликнинг бутун муваффақиятини шу ишга раҳбарлик қилаётган ўқитувчининг билимига ва ташкил қила олишига боғлиқ. Агар ўқитувчи ўз ўлкасини яхши билса, бу ҳақдаги оғзаки ва ёзма манбаларни мунтазам ўрганиш билан бирга ўқувчиларнинг ота оналари, кексалар, ўлкашунослик ташкилотининг ходимлари билан суҳбатлар олиб бориб, педагогик маҳоратини ишга солса, ўқувчиларнинг фаоллиги ортиб боради, ўтилган материалларни тўлиқ ўзлаштириш билан бирга уни ҳаётга ҳам татбиқ қила бошлайди. Натижада ўқувчиларнинг пухта билим олиш билан бирга ўз ўлкасига бўлган меҳр-муҳаббати ортади ва тарихий тасаввури ҳамда тарихий тушунчаси шаклланиб боради.

Бўлажак педагог бакалаврлари ўзларининг ишлаб чиқариш фаолиятида, жумладан, мактаб, коллеж ва лицейларда ўқувчиларга дарс бериш жараёнида, турли илмий тадқиқот ишларини ташкил этишларида, улардан халқ хўжалигининг турли соҳаларида самарали фойдаланишда ушбу фан бўйича олган назарий ва амалий билимларига таянадилар. Айниқса, мактабда табиатшунослик дарсларини ушбу фандан олган назарий ва амалий билимларини қўллаган ҳолда ўтиши ўқувчиларни фанга бўлган қизиқишларини орттириши табиийдир.

Талабаларнинг “Ўлкашунослик” ўқув фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларида фойдаланиш, бу жараёнда янги инфор­мацион – педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, турли мавзудаги хариталар электрон материаллар ва кўргазмали ку­роллардан фойдаланилади.

I БОБ. Табиатшуносликни ўқитишнинг дидактик тамойиллари

1.1. Табиатшуносликни ўқитиш тамойилларининг мазмуни

Ҳозирги замон педагогикасида ўқитувчининг фаолияти ҳамда ўқувчилар билиш фаолиятининг характери аниқ дидактик тамойиллар билан белгиланади. Табиатшуносликни ўқитиш фани қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилади.

Ўқитишда мунтазамлик ва изчилик тамойили. Мактаб табиатшунослик курси табиатшунослик фанининг турли соҳаларининг қисқартирилган баёни эмас, балки унинг методик танланган, мунтазамлаштирилган унсурларидир. Материалнинг бундай берилиши шу билан изоҳланадики, бунда кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари табиат тўғрисидаги фан асосларини фақат атроф оламнинг жисм ва ҳодисаларини акс эттирувчи ҳамда улар ўртасидаги боғланишларни очиб берувчи дастлаб оддий табиий объектлар, кейин эса мураккаброғи билан изчил таништириб бориш

жараёнида эгаллаб олишлари мумкин. Бу билан табиатшуносликни ўқитишда мунтазамлилик тамойили амалга оширилади. Ўқитишнинг мунтазамлиги, яъни системалиги билимни баён қилишда муайян тизимга амал қилишдан ташқари амалиёт билан боғланишнинг хилма-хил шакллари амалга оширилишини назарда тутати. Жумладан: 1) назарий табиатшунослик билимларини кузатиш ва билиб олишга қаратилган қизиқарли ўйинларни (бу бошланғич синфлардаги ўқитиш учун характерлидир); 2) атрофдаги ҳаёт ва қурилиш амалиётини (табиатга ва ишлаб чиқариш корхоналарига саёҳатлар); 3) меҳнат таълим ва ижтимоий фойдали меҳнатни; 4) мактаб олди майдонидаги иш ва унумли меҳнат билан боғланишни назарда тутати.

Табиатшунослик курсларининг изчилиги ўқувчилар учун уларнинг ёш хусусиятлари, тайёргарлиги ва ривожланиши, шунингдек, мазмунда ворисликка риоя қилиш заруратига қараб ўқув материалининг тушунарли бўлиши билан белгиланади. Чунончи: 1) мактаб табиатшунослик курси жонсиз табиатдаги ўсимлик ва ҳайвонлар ҳаётидаги, одамлар меҳнатидаги мавсумий ўзгаришларни; 2) жонажон ўлка табиатини, одам организми ва унинг саломатлигини; 3) Ватанимиз табиатини, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни акс эттирувчи материални изчилик билан ўрганишни талаб қилади. Бу мавзулар биология, география, экология, одам анатомияси, санитария ва гигиена бўйича оддий маълумотларни беради. 6-11-синфларда биология фани ўрганилишидан олдин 4-синфда табиатшунослик фани ўтилади, у 1-4-синфларда атроф оламнинг жисм ҳодисалари билан таништиришга таянади. 5-6-синфлардаги ботаника ва 7-8-синфлардаги зоология дастурлари жонсиз табиат тўғрисидаги бошланғич билимлар асосида тузилади.

Ўқув материалининг илмий ва тушунарли бўлиш тамойили. Узоқ вақтлар бошланғич синфларда табиатшуносликни мустақил ўқув предмети сифатида ўқитишга етарли даражада эътибор берилмади. У гоҳо табиёт деб номланиб келинди, гоҳо предметли дарслар ва изоҳли ўқиш билан алмаштирилди. XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб табиатшунослик мустақил предмет сифатида ўқитилмоқда. Ҳозирги вақтда мактаб табиатшунослик курсининг мазмуни замонавий фан тараққиёти даражасига мувофиқ келади. Табиатшунослик дастури ўлкашунослик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тузилган, бошланғич синфлардаги табиатшунослик таълимининг мазмуни эса ботаника, зоология, экология, одам анатомияси ва физиологияси, география фанларнинг ҳозирги тараққиётига мувофиқ келади.

Табиатшунослик ўқитишда илмийлик тамойили ҳозирги замон фанида қатъий қарор топган тамойилларини ўқувчиларга ўзлаштириш учун таклиф этилишини тазарда тутати. Табиатшунослик бўйича илмий билимларини эгаллаб таъминлаш учун кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларнинг идрок қила олиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда энг муҳим илмий маълумотларни танлаб олиш керак. Ўқувчиларнинг идрок қила олиш имкониятлари жисмоний куч ва ақлий кучланиш талаб қилувчи ўқув мавзулари ва амалий масалаларни изчилик билан мураккаблашиб бориш жараёнида кенгайиб боради. Қийинчилик характерини тўғри аниқлаш ўқувчиларнинг идрок қилиш имкониятларини кенгайиб боришига, ўқув материални изчиллик билан мураккаблашиб

боришига ёрдам берувчи энг тўғри методик вариантни танлаб олишга имкон беради. Бу ўқувчиларнинг ақлий тараққиётини аста-секин кўтарилишига ва илмий билимларни чуқурроқ ўзлаштириб олинишига имкон беради.

Ўқув материалининг илмийлиги тушунарли бўлиши керак, бунга уни ўқувчиларнинг ақлий ва руҳий ривожланишига, шунингдек, уларнинг тайёргалигига мослаштириш билан эришилади. Табиатшунослик материаллари мазмунининг тушунарлилиги кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларида ўқишга қизиқиш уйғотади, ақлга озуқа беради, мантикий фикрлаш, таққослаш ва хулосалар чиқариш, амалий масалаларни ечишга ундайди.

Назарияни амалиёт билан боғлаш. Назарияни амалиёт билан боғлаш тамойили ҳам ўқитишда самарали ҳисобланади. Назарияни амалиёт билан боғлаш ўқувчиларни амалий масалаларни ҳал қилишда назариянинг аҳамиятини тушунишга олиб келади, бу уларнинг ўзлаштириш сифатини оширади. Бу тамойил меҳнат таълими ва ўқувчиларни амалий фаолиятга тайёрлаш вазифаларини ҳал қилишда алоҳида аҳамият касб этади.

Ўқитишда назария билан амалиётнинг боғланиш характерини ўқув предметининг мазмуни тақозо қилади. Табиатшуносликда назарий билимлар ўқувчиларни табиатнинг у ёки бу ҳодисалари билан амалий таништириш жараёнида пухтароқ ўзлаштириб олинади. Бунда амалиёт ўқувчиларни назарияни ўзлаштиришга қизиқтириш учун ундан олдинроқ келиши мумкин. Чунончи, табиатда баҳор мавзусини (3-синф) ни ўрганиш бўйича амалий ишлар экиш (илдиз меваларнинг ҳосилига экинлар зичлигининг таъсирини аниқлаш учун уруғлар экиш), кейин эса мавзуни ўрганишда амалий иш натижаларини таҳлил қилиш маъқул.

Назариянинг амалиёт билан боғланишини амалга оширишга жамоа ҳўжалиги кўртхонасида ипак кўрти устидан кузатишлар, шунингдек, ғўза, поллиз экинлари, ғалла экинлари, сезги органлари, юрак ва қон мавзулари (3-синф) бўйича амалий ишларнинг ўтказилиши ёрдам бериши мумкин. Ўқувчиларнинг тирик табиат бурчагидаги (ўсимликларни экиш ва кўпайтириш) ишларини, шунингдек, ўсимликларнинг сувга, иссиқликка, ёруғликка эҳтиёжини, манзарали гул ўсимликларининг ўсиши ва ривожланишига органик ва минерал ўғитларнинг таъсирини ўрганишни, ҳосилдорлигини ошириш бўйича тажрибалар ўтказишни меҳнат дарслари билан боғлаб олиб бориш назарий билимларини амалиёт билан алоқасини яхшилаш имконини беради.

Табиатшунослик дарсларида назариянинг амалиёт билан боғланишини амалга ошириб боришда ўқувчиларнинг амалий фаолияти уларнинг назарий билимларни ўзлаштириб олишга бўлган интилишларини бўшаштирмаслиги лозим. Амалий ишлар учун шундай объект ва тажрибаларни танлаш керакки, бунда улар назарий тамойилларни тасдиқласин ва билимларни чуқурлаштириш учун хизмат қилсин.

Табиатшуносликни ўқитишда назарияни амалиёт билан боғланиши, унинг барча босқичларида амалга оширилиши назарий билимларнинг чуқурлашиши, шунингдек, амалий фаолиятга тайёрлашга ёрдам бериши керак. Ўрганиладиган назарий билимларнинг мазмунига қараб, дарс ва дарсдан ташқари

машғулотларнинг ҳар хил шакллари, масалан, лаборатория ишлари, саёҳатлар, амалий машғулотлар, ижтимоий-фойдали меҳнатдан фойдаланиш мумкин.

Табиатшуносликни ўқитишда ўқувчиларнинг онглиги ва ижодий фаоллиги тамойили. Ўқувчиларнинг онглилиги ва ижодий фаолиги тамойили; 1) ўқувчиларнинг ўқишга онгли ва ижодий муносабатда бўлишларини; 2) ўрганилаётган материални тушуниб олишлари ва тушунганларини ифодалай олишларини; 3) ўқишнинг ижодий характерда бўлишини; 4) билимларни амалиётда онгли қўллашни ва уларни ишончга айланишини ўз ичига олади. Онглилик тамойилини амалга оширишда бош рол ўқитувчига тааллуқлидир, у ўқувчи олдида турган вазифаларни аниқ қилиб ифодалаши ва уларни яхши бажаришга қизиқиш уйғотиши керак.

Ўқитишда онглиликни намоён бўлишининг олий шакли ўқувчиларнинг ижодий фаоллигидир, у гербарий, макет, модел, муляж тайёрлаш, ўтказилган кузатишларни тасифлаш ва ўқитувчи таклиф қилган мавзу бўйича бажарилган ишлар асосида кичик ахборот тайёрлаш билан боғлиқ бўлади.

Ўқитишнинг кўргазмалилик тамойили. Кўргазмалилик тамойилидан фойдаланиш асосий вазифаси ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини фаоллаштиришдир. Бу тамойил атроф оламни бевосита қабул қилиб олиш асосидаги ўқитишни назарда тутди. Кўргазмалик тамойилига риоя қилиш табиатни ўрганишнинг дастлабки босқичларида жуда муҳимдир, чунки кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари кўрганларида ҳосил қилган хисусий таассуротлари асосида тўғри тушунча ва хулосалар ҳосил бўлишига ёрдам берувчи билимлар олиш керак.

Табиатшунослик бўйича дастурнинг организмлар ҳаётини табиий шароитларда ўрганишга, тирик табиат бурчагида, матаболди майдончаларида тажрибалар, кузатишлар ўтказиш имкон берувчи методларнинг қўлланишини, яъни ўқувчиларнинг бевосита кўз билан кўриб, атроф оламнинг жисм ҳамда ҳодисалари билан, шунингдек, уларнинг тасвирлар билан танишиши деб тушуниладиган кўргазмали тамойилидан фойдаланишни назарда тутиши тасодифий эмас.

Табиатшуносликни ўқитишдаги кўргазмалиликни машғулотлар жараёнида фақат табиий жисмлар (тирик табиат бурчагидаги, зоопаркдаги ўсимликлар, ҳайвонлар гербарийлар, коллекциялар), фойдаланадиган ёки тажриба кўринишдаги ҳодисаларни эслатувчи предметли кўргазмаликка ва табиат жисмлар ёки ҳодисаларнинг сурат, жадвал, доскадаги расм, модел, муляж, диапозитив, кинофильм, харита, схема ва бошқалардан фойдаланиладиган тасвирий кўргазмалиликка ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Предметли ва тасвирий кўргазмалиликни амалга ошириш асосида ўқитиш, айниқса, болалар тарбиясининг эртанги босқичларида, тафаккурнинг, кузатувчанликнинг фаолаштиришга ёрдам беради, ўрганилаётган масалаларга ўқувчилар қизиқишини оширади. Уларни оддий тадқиқотлар олиб боришга ўргатади, билимларни фаол қабул қилишга ёрдамлашиб, ўзлаштириб олиш жараёнини осонлаштиради, билимларнинг мустаҳкамлигини таъминлайди.

Табиат жисмлари ва ҳодисалари юзасидан олиб борилган кузатишлар материални тушуниб олишга ва ўзлаштирилганларни мустаҳкамлашга,

ўқитувчи раҳбарлигида табиат ҳодисалари ўртасидаги чуқур боғланишларни аниқлашга, жисмлар тўғрисидаги фикрлар билан кўришганларини таққослашга имкон беради. Сўз билан қабул қилиш, сўз билан тасаввур этиш ўртасида пухта боғланишларнинг вужудга келиши ўқувчиларнинг табиат жисмлари ва ҳодисалари тўғрисида ўқувчи ҳиқоя қилиб берганларнинг ва улар тўғрисида дарсликлар ёзилганларнинг аҳамиятини тушуниб олишларига имкон беради.

Билимларни пухта ўзлаштириш тамойили. Табиатшуносликни ўқитишда билимларни пухта ўзлаштириш тамойилига эришиш лозим. Бу тамойил олинган билимларни, шакллантирилган ўқув ҳамда кўникмаларини ўқувчилар хотирасида узоқ сақланишини назарда тутди. Ўқувчилар билимининг пухта бўлиши ўқитувчининг кўрсатиб ўтилган тамойиллардан ўқувчиларнинг тараққиёт савияси ҳамда қизиқишига қанчалик мувофиқ тарзда фойдаланишига боғлиқ. Билимларни пухта бўлишига эришиш учун, аввало, ўқув йили бошланишида илгари ўтилган материални янги билимларнинг ўзлаштирилиши онгли бўлиши учун тиклаш зарур. Биринчи навбатда, дастурнинг янги материал билан кўпроқ боғлиқ бўлган бўлимларини такрорлаш лозим. Бунда янги билимларни ўзлаштиришнинг биринчи босқичида ўқитувчи ўқувчилар янги материални асосли равишда тушунишлари ва ўзлаштириб олишлари учун унинг барча ҳажмини эмас, балки асосий мазмунини бериши керак. Чунончи, Ватанимиз табиатининг хилма-хиллиги (4-синф) мавзусини ўрганишда ўқувчилар аввал ўлкадаги табиий шароитнинг турли-туманлиги, кейин ҳар бир зона билан танишадилар. Бу янги фанлар киритиб бориш имкониятини беради, улар ёрдамида ҳар бир зонага хос бўлган характерли хусусиятлар, жумладан, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси аниқлаб, ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини фаоллаштирувчи қўшимча маълумотлар бериб борилади. Пухта билимларга эришишда уларни ўқувчиларнинг фаол фикр юритишлари асосида мунтазамлаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Ўқувчилар янги билимларни, илгари ўрганилган материал билан боғлаб, чуқурроқ ўзлаштирадилар.

Ўқитишнинг индивидуаллаштириш тамойили. Ўрта таълим тизимини ислоҳ қилиш шароитида болаларнинг индивидуал хусусиятларини ўрганиш тобора катта аҳамият касб этиб бормоқда. Ҳар бир мактаб ўқувчиси муайян ахборот ва индивидуал хусусиятларга эга, бу хусусиятлар уларнинг билимларни ўзлаштириш жараёнларига таъсир кўрсатади. Бироқ ўқитиш жараёнида болалар гуруҳида билимларни ўзлаштириш даражаси бир хил бўлиши мумкин. Бинобарин, болалар тараққиётига тўғри келадиган умумийликни аниқлаш мумкин.

У ривожланиш даражаси, билим захираси, фикрлаш характери, фаолият ва ҳулқ-атвор, баҳоналарининг ўхшашлиги бўлиши мумкин. Аммо умумийлик билан бир қаторда ҳар бир ўқувчи ўзининг индивидуал хусусиятлар; 1) диққатнинг ривожланиши; 2) дарсдаги ҳулқ-атворнинг характери; 3) предметга муросабати; 4) кўргазмали ва оғзаки материалнинг қабул қилишининг тезлиги ва аниқлиги; 5) ўқув материални тушуниб олиши ва фикрлаш характери; 6) табиат тўғрисидаги билимларнинг сифати, оғзаки ҳамда ёзма нутқларининг ривожланиш даражаси ўзига хосдир.

Ўқитувчи синфда иш олиб бора туриб, ҳар бир ўқувчи билан якка тарзда ишлаш, ижодий ҳисларини ривожлантириш, салбийларини бартараф этиш, синфни жамоа ишига тортиш мақсадида ҳар бир боланинг шахсий қобилиятини ўрганиш ва ҳисобга олиш зарурлигини унутмаслиги керак.

Ўқитувчининг ўз ўқувчиларини яхши билиши уларга индивидуал ёндашишнинг асоси ҳисобланади, бунинг учун у доим ўқувчиларни кузатиб, ҳар хил фаолият жараёнида ўрганиб боради. Ўқувчиларнинг қандай ўзлаштираётганлигидан қайтий назар, уларнинг ҳаммасига индивидуал ёндашиш керак. Дарсни ўзлаштиришга қийналаётганларга ўз вақтида қўшимча ёрдам кўрсатиш зарур. Ўқитувчининг ҳар бир топшириқни (гербарий ва коллекциялар тайёрлаш, тирик табиат бурчаги ва ўқув-тажриба майдончасидаги ишлар, табиат объектларини кузатиш) ўқувчининг индивидуал хусусиятларини, шу топшириқни уддалай олишини, ўрганилаётган объектга нисбатан қизиқишини ҳисобга олган ҳолда ёрдам бериши керак. Ўқувчиларга индивидуал ёндашишга асосланган ўқитиш жараёни ўқув материалининг муваффақиятли ўзлаштирилишини, боланинг ақлий ривожланишини таъминлайди, ахлоқий меъёрларни сингдиради.

1.2. Табиатшуносликни ўқитишда ўлкашунослик тамойилининг моҳияти

Ўлкашунослик ўз туғилган ва яшайдиган жойи ҳақидаги билимлар мажмуаси бўлиб, жуда узоқ даврлар мобайнида вужудга келган. Ибтидоий одамлар ҳам ўз яшаш жойлари табиатини жуда яхши билишган, улар ўзларининг энг содда билимларини тошларга чизиб кетишган. Бундай расмларнинг анчагина қисми ҳозиргача сақланиб қолган.

Инсоният жамиятининг ривожланиши билан ўлка тўғрисидаги маълумотлар ҳам тўплана бошлади. Натижада ёзма ёдгорликлар ва манбаалар вужудга кела бошлади. Антик даврда ва ўрта асрларда турли хил ўлкаларни табиати, хўжалиги, тарихи ва маданиятига бағишланган асарлар вужудга келди. Ўлкамиз ҳақидаги маълумотлар Ал-Хоразмийнинг «Китоб – Сурат – ал - Арз» асарида келтирилган.

Буюк ватандошимиз Абу Райҳон Ал-Беруний XI-асрда «Ҳиндистон» ва «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», Захриддин Мухаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарлари ўлкашуносликка қўшилган улкан хиссаси ҳисобланади.

Фан ва техниканинг ривожланиши билан ўлкашунослик фанининг доираси чуқурлашаверди. XX-асрга келиб ўлкашунослик деганда ўз турар жойи, хўжалиги, тарихи ва маданияти тушунила бошланди. Натижада алоҳида вилоятлар, туманлар ва шаҳарларга бағишланган ўлкашунослик асарлари вужудга келди. Масалан «Ҳонобод», «Андижон вилояти», «Самарқанд вилояти», «Хоразм географияси» ва х.з.

Ўзбекистоннинг ҳар бир вилоятининг табиий ва иқтисодий хариталари нашр қилинди. Ҳозирги пайтда ҳар бир вилоятнинг географик ва ўлкашунослик атласларини яратиш лойиҳалари тузилмоқда.

Ўлкашуносликнинг объекти бўлиб табиат, аҳоли, хўжалик, тарих, санъат ва маданият ҳисобланади. Мазкур объектлар турли фанлар томонидан ўрганилади. Аммо барча фанларнинг ўрганиш предмети биттадир, яъни ўлка. «Ўлка» шартли тушунча бўлиб, унинг миқёси ким ва қандай мақсадда ўрганишига боғлиқ. Масалан мактаб, академик лицей ёки касб–хунар коллежлари учун мактаб атрофи, маҳалла, қишлоқ, туман, шаҳар бўлиши мумкин.

Ўлкашуносликнинг қуйидаги тармоқлари мавжуд: табиий ёки географик ўлкашунослик, иқтисодий ўлкашунослик, тарихий, этнографик ўлкашунослик, маданий ва санъат ўлкашунослиги. Табиий ёки географик ўлкашунослик ўлка табиатини, яъни ўлканинг геологик тузилиши, фойдали қазилмалари, Рельефи, иқлими, ички сувлари, тупроғи, ўсимлиги ва хайвонот дунёси ҳамда ландшафтларини ўрганади.

Иқтисодий география ва иқтисодий ўлкашунослик ўлка аҳолисини, шаҳар ва қишлоқларини, ишлаб чиқариш корхоналарини, транспорт тизимини ва ташқи иқтисодий алоқаларини ўрганади. Тарихий ўлкашуносликнинг мақсади ўлка тарихини, тарихий воқеаларни, археологик ёдгорликларни, тарихий ёдгорликларни ўрганишдир. Санъатшунослик ўлкашунослигининг мақсади ўлканинг халқ ижодини ўрганишдир, яъни муҳим аҳамиятга эга бўлган санъат асарларини, тарихий жойларни (машҳур кишиларни ижоди ва ҳаёти билан боғлиқ бўлган) ўрганишдир.

Мактаб ўлкашунослигининг вазифаси ўқувчилар томонидан таълим-тарбия мақсадида ҳар хил манбалар бўйича ва бевосита кузатишлар асосида ўз ўлкаси ҳудудини ҳар томонлама ўрганишдир. Ўлкашунослик ҳаёт билан боғланишнинг қудратли воситасидир. Кўпчилик ўқувчиларнинг мактабни битирганларидан кейин маҳаллий саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига ишлаш учун боришлари ҳисобга олинганда, ўлкашунослик алоҳида аҳамият касб этади.

Ўлкашунослик бевосита табиат муҳофазаси билан боғлиқ, чунки ўз ўлкасини билиш ўқувчиларга уни муҳофаза қилиш ва қўқаламзорлаштириш бўйича ишларда онгли қатнашиш имкониятини беради. Ўз ўлкасини ўрганиш ўқувчиларнинг мустақиллигини ривожлантиради, чунки бу ижтимоий-фойдали меҳнатда фаол қатнашишга имкон беради. Ўлкашунослик материални ўрганиш бўйича иш ўқув мақсадларга жавоб бериши керак, шунинг учун ҳам унинг мазмуни ва характери ўқув дастури билан белгиланади. Ўлкашунослик ишлари ташкил қилиниш шакллари бўйича синфда ва синфдан ташқарида бўлиши мумкин. Фақат улар барча ўқувчилар томонидан бажарилсин.

Ўлкашунослик тамойили назарий табиатшуносликнинг курсининг ўқувчилар ўз ўлкалари табиат билан бевосита мулоқотда бўлишида оладиган тасаввурларга узвий равишда боғланишини назарда тутди. Ўлкашунослик билимларидан фойдаланиш ўқув ўлкашунослигининг бош мақсадидир. Бунинг учун ўқитувчи етарли ўлкашунослик материалларига эга бўлиши, ўқув материални ўзлаштириш ва тушуниб олишга ёрдам берадиган маҳаллий маълумотларни дарслар учун танлаб олиши керак. Ўлкашунослик тамойили табиатшуносликни ўқитишда кўпгина дидактик тамойиллардан (ўқитишнинг

илмийлиги ва кўргазмалиги, аниқдан ноаниққа, яқиндан узоққа бориш кабилардан) фойдаланишга имкон беради. Маҳаллий ўлкашунослик материалларидан ўқитувчи табиатшуносликни ўқитишда тушуниш, таққослаш ва кўрсатиш учун, ўқувчиларнинг кўпгина табиат ҳодисаларини бевосита идрок қилишларида фойдаланади.

Ўлкашунослик тамойилидан мунтазам равишда фойдаланиш, олинган назарий билим ва уқувларни турмуш (масалан, қишлоқ хўжалик ишларининг мўтадил, яъни оптимал муддатларини аниқлаш учун олдиндан об-ҳавони айтиб бериш, дарёсидан ўтишда хавфсизликни таъминлаш мақсадида унинг оқими режимини аниқлаш, маҳаллий қишлоқ хўжалиги ташкилотлари учун ўсимликлар йиғиш ва ҳоказолар) билан боғлаш ёрдам беради.

Маҳаллий ўлкашунослик материалларидан ўқитувчи табиатшуносликни ўқитишда тушунтириш, таққослаш ва кўрсатиш учун, ўқувчиларнинг кўпгина табиат ҳодисаларини бевосита идрок қилишда фойдаланилади. Ўлкашунослик тамойилидан мунтазам равишда фойдаланиш олинган назарий билим ва уқувларни турмуш (масалан, қишлоқ хўжалик ишларининг мўтадил, яъни оптимал муддатларини аниқлаш учун олдиндан об-ҳавони айтиб бериш, дарёдан ўтишда хавфсизликни таъминлаш мақсадида унинг оқими режимини аниқлаш, маҳаллий қишлоқ хўжалиги ташкилотлари учун ўсимликлар йиғиш ва ҳоказолар) билан боғлашга ёрдам беради.

Шундай қилиб, табиатшуносликни ўқитиш “оғзаки схемада” бўлмай, балки ҳақиқатни кузатиш асосида курилади. Бундан ўлкашуносликдан табиатшуносликни ўқитишда ҳар куни ва узлуксиз фойдаланиш кераклиги маълум бўлади. Барча дарслар ўлкашунослик тамойили асосида тузилиши керак. Ўқув ўлкашунослигини ўлкани ўрганиш бўйича фақат юриш ва тўғарак ишлари ташкил қилиш билангина эмас, балки ҳар хил табиий ҳодисаларни мунтазам кузатишлар билан, ўрганилаётган ҳудудининг ажойиб табиий ва хушҳаво жойларни текшириш билан ҳамда ўз кузатишларини умумлаштириш билан ҳам боғлаш керак бўлади.

Дарслардаги умумлаштириш ўрганиладиган дастур мавзулари билан боғлиқ ҳолда бориши лозим. Ўлкашунослик тамойилининг моҳияти шундан ҳам иборатки, у ўқувчиларга таниш бўлган жойда табиат ҳодисаларни кузатиш ва ҳақиқий тасаввурлар асосида табиатшунослик асосларни ташкил қилувчи тушунчаларни ташкил қилувчи тушунчаларни шакллантириш имкониятини беради. Жонажон ўлкани ўрганиш умумий табиатшунослик курсини ўрганиш билан параллел ҳолда олиб борилмоғи лозим. 3-4-синфлардаги ўлкашунослик тадқиқотларнинг муҳим қисми тупроққа, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига характеристика тузиш, дарёлар оқимининг режими ва характерини ўрганиш, табиат муҳовазасидир.

Ўқувчилар ўзларнинг шаҳар ёки қишлоқларида қанақа дарё, анҳор каби сув хавзалари, кўчатзорлар борлигини, уларни ифлосланишдан сақлашни билиб олишлари керак. Ҳайвонларга ғамхўрлик қилиш лозим. Қимматли табиат объектларнинг таърифини тузиш ва уларни кўриқлаш, зарарли табиий жараёнларнинг (жарликлар, ўпиришлар, емирилишлардан ҳосил бўлган

жисмларнинг) одамнинг хўжалик фаолиятига таъсирини ўрганиш ва уларнинг олдини олишда иштирок этиш лозим.

Ўлкашунослик тамойилини ўқув-тарбия ишларида фақат мактаб ўлкашунослик бурчагида маҳаллий материалларни изчил равишда тўплаб борган шароитдагина амалга ошириш мумкин. Энг оддий ўлкашунослик кузатишлари, бошланғич синфда ўқувчилар чиқарган хулосалар улар онгида аста-секин тўпланиб боради ва бу хулосалар ҳаётда ҳамда табиатни кейинчалик ўрганишда керак бўладиган асосий табиатшунослик тушунчаларини шакллантириш учун база бўлиб қолади.

Ўлкашуносликка оид илк элементар билимлар даставвал 1 ва 2-синфдаги “Атрофимиздаги олам” дарсларида ҳамда 3-4 синфларда “Табиатшунослик” дарсларида берилади. “Атрофимиздаги олам” дарслигида ўқувчилар атрофимизни ўраб турувчи оламнинг тузилиши, табиатдаги жисм ва моддалар, маҳаллий об-ҳаво белгилари, ўлкамизда куз, йил фасллари, ҳар бир фасл хусусиятлари, ижтимоий фойдали меҳнат, ўлкамизда учрайдиган қушлар, ҳашаротлар, ўсимликлар, мактаб ҳовлисида гербарий тайёрлаш, мамлакатимиз ер юзасининг тузилиши, ўлкамизда қиш, уй ва ёввойи ҳайвонларнинг қишдаги ҳаёти, ўлкамизда баҳор, баҳорда ўсимликлар ҳаёти, ўсимликларнинг кўпайтирилиши, баҳорда кишиларнинг меҳнати, ҳашаротлар ҳаёти, қушларнинг қайтиб келиши, уй ва ёввойи ҳайвонлар ҳаёти, инсон ва табиат, шаҳар ва қишлоқ, ёз – ўтади соз мавзулари орқали ўлкашуносликка оид бўлган билимлар берилади. Энг сўнгги дарсда ёзги топшириқлар берилган. Ҳар бир мавзуга тегишли расмлар ўлкамизга оид бўлиб, ўлкамизнинг бой табиати, йил фасллариининг алмашилиши, ўлкамиз шаҳар ва қишлоқлари, ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси акс эттирилган.

“Табиатшунослик” курсида табиат, ундаги нарсаларнинг уч ҳолати, табиат ҳодисалари, об-ҳаво ва иқлим, табиатда сувнинг айланиши, Ўзбекистондаги сув ҳавзалари, табиат ҳодисаларини кузатиш, фойдали қазилмалар, тоғ жинслари, ватанимиз бўйлаб саёҳат каби мавзуларида ўлкашуносликка оид билимлар берилади. Ўзбекистон бўйлаб саёҳат йирик мавзусида ҳар бир вилоят ҳақида маълумотлар берилган. Шунингдек, ҳар бир вилоятнинг диққатга сазовор жойларининг расмлари берилган.

II-БОБ. Табиатшуносликни ўқитишда ўлкашунослик материалларидан фойдаланиш (Сирдарё вилояти мисолида)

2.1. Ўлкашунослик материалларини ёритишда табиий шароитни ўрганиш

Ўлканинг табиий шароитини ёритишда албатта жойнинг геологик тузилиши, фойдали қазилмалари, рельефи, иқлими ва ички сувларини ўрганишга алоҳида эътибор берилади ва уни ўрганиш тартибини Сирдарё вилояти табиий шароити мисолида кўриб чиқамиз.

Жойнинг геологик тузилиши, фойдали қазилмалари ва рельефини ўлкашунослик мақсадларида ўрганиш қуйидаги тартибда олиб борилади. Жойнинг геологик тузилиши асосан тоғ жинслари очилиб қолган жойларда

ўрганилади. Тоғ жинслари кўпинча дарё қирғоқларида, жарларда, тоғ ёнбағирларида, очик усулда қазиб олинadиган конлар (карьерлар) деворларида очилиб қолади. Бундай жойлар геологик очилмалар деб аталади.

Геологик очилмаларда тоғ жинслари қуйидаги тартибда ўрганилади:

- геологик очилма нураган жинслардан ёки ўсимликлардан тозаланади;
- геологик очилмада мавжуд бўлган тоғ жинслари номлари аниқланади;
- аниқланган тоғ жинслари қатламларининг жойланиши ва қалинлиги аниқланади;
- тоғ жинслари қатламларининг морфометрик ўлчамлари аниқланади, яъни қиялиги, йўналиши ва х.к.
- очилмадаги тоғ жинсларининг ҳолати ўрганилади: дарзсимонлиги, намлиги, қаттиқлиги, зарраларнинг ўлчамлари;
- очилмадаги тоғ жинсларининг турлари аниқланади: магматик, чўкинди, метаморфик;
- агар очилмада асосан чўкинди тоғ жинслари жойлашган бўлса уларнинг ҳам генетик турлари аниқланади (чақик, химик, органик). Агар чақик тоғ жинслари тарқалган бўлса улар шағал, қум, гил ва қумтошларга бўлинади. Химиявий тоғ жинслари қатламлари мавжуд бўлса улар турли хил тузлардан иборат бўлади, органик тоғ жинслари эса охактош, бўр ва бошқалар;
- мобода очилмада тектоник ёриқлар мавжуд бўлса уларнинг сони, ҳар бирининг узунлиги, кенглиги, йўналиши ва зичлиги аниқланади.

Ўлкадаги фойдали қазилмалар жойнинг геологик тузилиши билан ҳамбарчас боғланган. Фойдали қазилма конлари металл ва нометал гуруҳларга бўлинади. Металли фойдали қазилмалар ўз навбатида қора ва рангли металлларга бўлинади. Нометал фойдали қазилмалар эса қуйидаги гуруҳларга бўлинади: қурилиш хом-ашёси (охактош, марамар, қум, ғишт хом-ашёси, гранит ва х.к.); тоғ – кимё хом-ашёси (фосфоритлар, тузлар, флюорит ва х.к) ва бошқалар.

Қурилиш хом – ашёси фойдали қазилмалари жуда кенг тарқалган ҳамда ер юзасида ва ер юзасига яқин жойлашади. Шунинг учун уларни ўрганиш металл фойдали қазилма конларига нисбатан осонроқ.

Жойнинг Рельефининг ўрганиш ҳам ўлкашуносларнинг маъсулиятли ишларидан бири ҳисобланади. Рельефни келиб чиқиши ва ривожланиши ва тарқалишини геоморфология фани ўрганади. Рельеф шакллари икки хил синфлаштириш мавжуд: а) ташқи тузилиши ва ўлчамлари бўйича (морфологик синфлаштириш); б) келиб чиқиши ва ривожланиши хусусиятларига кўра (генетик синфлаштириш).

Рельеф ташқи тузилиши ва ўлчамларига кўра иккита йирик гуруҳга бўлинади: тоғли ўлкалар ва текисликлар. Тоғлар ясси, ўртача ва баланд тоғларга бўлинади. Бундан ташқари тоғли ўлкалар, тоғ массивлари, тоғ занжирлари, тоғ тизмалари ва тоғликларга бўлинади. Текисликлар қуруқликнинг 200 метрдан баланд бўлган энг йирик қисмларидир. Мазкур морфологик бирликлар ўз навбатида янада кичикроқ ўлчамдаги рельеф шаклларига бўлиниб кетади. Рельеф шакллариининг генетик синфлари уларни ҳосил бўлиш сабаблари ва шароитлари билан белгиланади. Ернинг ички

кучлари (зилзилалар, тектоник ҳаракатлар, вулканлар) таъсирида тоғлар кўтарилади, ботиклар ҳосил бўлади. Ернинг ташқи кучлари (шамол, сувлар, музлар) таъсирида тоғлар емирилади, ботиклар тўлдирилади. Ернинг ташқи кучлари экзоген кучлар деб аталади, улар таъсирида мавжуд рельеф шакллари ўзгаради ва янада майдароқ рельеф шакллари вужудга келади.

Рельеф шакллари келиб чиқишига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратилади: Эол, яъни шамол таъсирида ҳосил бўлган рельеф шакллари; ер ости сувлари таъсирида ҳосил бўладиган рельеф шакллари; оқар сувлар таъсирида ҳосил бўладиган рельеф шакллари; музлар таъсирида ҳосил бўладиган рельеф шакллари; нураш натижасида ҳосил бўлган рельеф шакллари; инсон фаолияти таъсирида ҳосил бўладиган рельеф шакллари. Шамол таъсирида ҳосил бўлган рельеф шакллари эол (герекча–шамол) рельеф шакллари деб аталади. Шамол олиб келаётган зарралар (қумлар) аста – секин қояларни силлиқлаб уларни емира бошлайди. Турли хил қаттиқликка эга бўлган қояларда турли хил шакллар ҳосил бўлади. Масалан, коваклар, «тош безаклари».

Қора дарё водийсини торайган қисми Кампирровот деб аталади, ҳозир бу ерда Андижон сув омборининг тўғони жойлашган. Водийнинг ушбу торайган жойида шамол тезлиги ва кучи катта бўлади. Бунинг натижасида қоя силлиқланиб ва емирилиб кампир шаклига келган. Уни Хонабодда аҳоли «Кампиртош» деб аташади, Кампирровот сўзи ҳам шундан келиб чиққан.

Чўлларда шамол олиб келаётган зарралар миқдори ва шамол тезлиги катта бўлгани учун қолдиқ тоғ рельефи ҳосил бўлади. Доимий шамоллар йўлларида барханлар, денгиз қирғоқларида эса дюналар ҳосил бўлади. Рельеф шакллариининг иккинчи гуруҳи ер ости сувларининг фаолияти билан боғлиқ. Ер ости суларининг фаолияти таъсирида сурилмалар ва карст ходисалари содир бўлади. Ер ости сувлари тоғ жинсларига шимилиб сув ўтказмайдиган қатламгача тушади ва мазкур қатлам устида тўплана бошлайди. Бунинг оқибатида тоғ жинсларининг оғирлиги ортади, мустахкамлиги камаяди, сув ўтказмайдиган қатлам устида сирпанчиқ сурилиш чизиғи вужудга келади, натижада тоғ ён бағриларида сурилмалар шаклланади. Бундай сурилмаларга мисол қилиб Охангарон водийсидаги Отчасой, Жигаристон ва бошқаларни мисол келтириш мумкин. Отчасой сурилмасининг майдони 8 км^2 , ҳажми 800-900 млн. м^3 бўлган. Сурилма оқибатида 20 минг аҳолиси бўлган тешиктош посёлкаси кўчирилди. Охангарон дарёси ўзани кўчирилди. Оқибатда жамиятга жуда катта моддий ва маънавий зарар келтирилди. Ер ости сувлари сувда эрийдиган тоғ жинслари орасидан ўтганда уларни эритиб олиб кетади, натижада ер остида турли узунликдаги ва ҳажмдаги бўшлиқлар, яъни ғорлар ҳосил бўлади.

Рельеф шакллариини учунчи генетик турини оқар сувлар таъсирида ҳосил бўлган рельеф шакллари ташкил қилади. Оқар сувлар таъсирида рельефни эрозион ва аккумулятив турлари ҳосил бўлади. Эрозион рельеф шакллари оқар сувларни емириш иши натижасида вужудга келади. Уларга тор даралар, дарё водийлари, жарлар ва ёрлар (тик жар) киради.

Даралар асосан тоғларда, қаттиқ ва мустахкам қояларни оқар сувлар таъсирида емирилиши оқибатида ҳосил бўлади. Дарёлар юқори оқимида қояли

ёнбағирлар тарқалган хуудларда тор водийлар хосил қилади, текисликда эса кенг водийларни хосил қилади. Оқар сувлар юмшоқ жинслар тарқалган жойларда уларни емириб ариқчалар хосил қилади. Ариқчалар аста секин каттайиб жарларга айланади. Жарланиш хосилдор ерларни ишдан чиқишига олиб келади.

Аккумулятив рельеф шакллари дарёлар ва сойлар олиб келган ётқиқиқларни ётқизилиши натижасида хосил бўлади. Уларга конуссимон ёйилмалар ва делталар киради. Ёйилма ва делталарда унумдор тупроқлар тарқалганлиги учун қишлоқ хўжалиги яхши ривожланган. Масалан, Амударёнинг қадимги дельтасида Хоразм воҳаси, ҳозирги дельтасида эса Қорақалпоғистон Республикасининг асосий деҳқончилик районлари жойлашган. Сўх дарёси ёйилмасида эса Қўқон воҳаси жойлашган.

Рельеф шаклларининг тўртинчи гуруҳи музларнинг фаолияти таъсирида вужудга келади. Ўрта Осиёда ва Ўзбекистонда музликлар асосан тоғларда тарқалган. Енг йирик музликлар Помир ва Тяньшан тоғларида тарқалган. Музлар доимо ҳаракатда бўлади, улар ўз оғирлик кучи таъсирида тоғлардан пастга томон ҳаракат қилишади. Бунинг оқибатида улар қояларни силлиқлайди, юмшоқ жинсларни суриб олиб кетади, водийларни кенгайтиради. Натижада муз хосил қилган водийлар, турли хил шаклга эга бўлган қоялар вужудга келади. Масалан, «қўй пешоналар», «жингалак қоялар» ва х.к.

Рельеф шакллари бешинчи гуруҳини нураш натижасида вужудга келадиган рельеф шакллари ташкил қилади. Нураш деб тоғ жинсларини ҳарорат ва намликни сутка ва фасллар давомида ўзгариши оқибатида емирилишига айтилади. Нураш уч турга бўлинади: физик ёки механик, химик ва биологик. Физик ёки механик нураш ҳарорат ва намликни суткалик ўзгариши натижасида хосил бўлади. Кечаси ҳарорат паст бўлади, кундузи эса ҳарорат юқори бўлади. Бунинг натижасида кечаси ҳарорат пайсайганда тоғ жинсларининг ҳажми тораяди, кундузи эса ҳарорат кўтарилиши билан уларнинг ҳажми кенгаяди. Мунтазам равишда тоғ жинсларининг ҳажмини торайиб ва кенгайиб туриши турли хил ёриқларни шаклланишига ва тоғ жинсларини емирилишига олиб келади. Нураган жинсларни олиб кетилиши оқибатида қолдиқ рельеф шакллари вужудга келади. Рельеф шакллари олтинчи гуруҳига инсон фаолияти таъсирида хосил бўлган рельеф шакллари киради. Фойдали қазилмаларни қазиб олиш жараёнида чуқурлиги 500 метр бўлган ботиқлар, баландлиги 100 метргача бўлган дўнғлар вужудга келади.

Рельефни ўлкашунослик мақсадларида ўрганишда фақат рельеф шакллари, уларни келиб чиқишини ҳамда регионал тавсифлаб қолмасдан, уларнинг ўзига хос ва енг қизиқарли шакллари хам тўла ва ҳар томонлама тавсифини тузиш лозим.

Ўлка иқлимини ўрганиш қуйидаги тартибда олиб борилади. Иқлим деб маълум бир жой учун хос бўлган ва асрлар давомида ўзгармайдиган об-ҳавонинг кўп йиллик меъёрига айтилади. Ҳар қандай ўлкани иқлимини тавсифини тузиш қуйидаги учта иқлим ҳосил қилувчи омилларни баҳолашга асосланади: радиацион, атмосфера ҳаракатлари ва ер юзасини тузилиши. Радиацион (Қуёш иссиқлиги) омил ўлкани экваторга нисбатан жойланишига,

яъни географик кенгликка боғлиқ. Турли географик кенгликларда Қуёш нурларини Ер юзасига тушиш бурчаги турлича бўлади. Экватордан кутбларга томон Қуёш нурларининг ер юзасига тушиш бурчаги камайиб боради. Қуёш нурларининг тушиш бурчаги қанча катта бўлса ер юзасига шунча кўп иссиқлик келади.

Иқлимнинг радиацион кўрсаткичлари ялпи радиация ва радиацион мувозанат билан белгиланади. Ялпи радиация тўғри (бевосита Қуёшдан келадиган) ва сочма (атмосферадан ва фазодан келадиган радиация) радиация йиғиндисидан иборат. Радиацион мувозанат деганда ялпи радиация ва ерга синган ердан қайтган радиациялар айирмасидан иборат. Радиацион мувозанат манфий (қиш ва кечаси), мусбат (ёз, кундузи) бўлиши мумкин. Атмосфера (ҳаво массалари) ҳаракатлари муҳим иқлим ҳосил қилувчи омил бўлиб ҳисобланади. Мазкур омил жойдаги атмосфера босимини меъёрини циклон ва антициклонларнинг вужудга келиши ва алмашилиши, асосий ҳаво массаларининг турларини, ривожланишини, шамолларнинг йўналишини ва кучини белгилаб беради.

Ер юзаси тузилиши ҳам иқлим ҳосил қилувчи асосий омиллардан ҳисобланади. Тоғ тизмалари ҳаво массаларини йўлини тўсиб қолади ва уларни ҳаракат йўналишини ўзгартиради. Масалан, Австралияни шарқий қисмида жойлашган Катта сув айирғич тизмаси Тинч океандан келаётган нам ҳаво массаларини тўсиб қолади, натижада Австралиянинг катта қисмида чўллардан иборат. Ўрта Осиёни катта қисмини чўллар ташкил қилади, ёзда қумлар қизиб ҳавони ҳароратини кўтариб юборади ва тропик ҳавони вужудга келишига олиб келади.

Иқлимни ўлкашунослик мақсадларида ўрганиш қуйидаги тартибда олиб борилиши мумкин:

1. Иқлим ҳосил қилувчи омилларни ўлка иқлимига таъсирини ўрганиш. Бу еса иқлим кўрсаткичларини илмий асослашга, уларни табиий географик жараёнлар билан алоқасини аниқлашга имкон беради. Бунинг учун жойни географик кенлиги аниқланади ва унинг асосида Қуёш нурларини ер юзасига тушиш бурчаги ҳисобланади. Ҳаво массаларини ҳаракатини ўрганиш учун ўрганилаётган қайси иқлим минтақасининг қайси қисмида жойлашганлиги аниқланади. Масалан, Тошкент шаҳри мўътадил иқлим минтақасининг жанубида жойлашган. Бу ерда доимо мўътадил ҳаво массалари ҳукмрон, қиш совуқ бўлади.
2. Жойнинг иқлимини тавсифини тузиш. Бунинг учун жойнинг иссиқлик шароитини кўрсаткичларини таҳлил қилмоқ лозим: ҳаво ҳарорати ўртача йиллик, ўртача ойлик, енг совуқ ва енг иссиқ, ойларнинг ҳароратлари; йиллик ва ойлик максимал ва минимал ҳаво ҳарорати. Иқлимни қишлоқ хўжалик мақсадларида баҳоланади эффектив ҳароратлар йиғиндиси аниқланади.
3. Жойдаги атмосфера ёғинлари миқдори аниқланади. Йиллик, ойлик атмосфера ёғинлари миқдори, уларни ҳудуд бўйича таққосланиши, қор қопламининг қалинлиги ва туриш муддати аниқланади. Қор қопламининг қалинлиги ўлчов таёғи билан аниқланади.

4. Ўлка фасллари иқлим тавсифи тузилади. Бунда мазкур жой учун хос бўлган атмосфера ва иқлим ходисалари аниқланади: сел, дўл, чакмоқ, жала, булутлар, Афғон шамоли, Бекобод шамоли, Қўқон шамоли.

5. Ўлка иқлимини ўрганиш давомида иқлимни қишлоқ хўжалиги ва рекреация мақсадларида ҳам баҳоланади. Ўлка иқлимини тури Ўзбекистон ёки Ўрта Осиё иқлим харитаси ёрдамида аниқланади. Ўз ўлкасини иқлими турини аниқлагандан сўнг тегишли илмий манбаалар, иқлимий ва агрометеорологик маълумотлар асосида жойнинг иқлимини асосий жihatлари ва кўрсаткичларини аниқлаш мумкин.

Ўлка иқлимини янада аниқлаштириш учун ўлкашунос жой об-хавоси ҳақида тўплаган маълумотларидан фойдаланиш мумкин: харорат меъёри, ёгинлар ва уларнинг турлари, шамолларнинг йўналиши ва кучи; булутлик ва булутлар шакли.

Ўлкани гидрологик шароитини ўрганиш қуйидаги тартибда олиб борилади. Гидросферадаги сувларни гидрология (гидро-сув, логос-фан) фани ўрганади. Ўлка сувларини ўрганишда табиий сув объектларини барча турлари татқиқ қилинади: денгизлар, кўллар, дарёлар, сойлар, булоқлар, ботқоқликлар, музлоқлар ва х.к. Ўлка сувлари иккита катта гуруҳга бўлинади: ер усти сувлари; ер ости сувлари. Ер усти сувлари дарёлар, кўллар, ботқоқликлар, музлар ва доимий қорлардан иборат. Ер ости сувларини туристик сайёҳатларда бевосита ўрганиб бўлмайди, чунки улар ер остида геологик ётқизиклари орасида бўлади. Агар жойда булоқ чиқиб турган бўлса, булоқни ўрганиш орқали ер ости сувлари ҳақида фикр юритиш мумкин.

Дарёларни ўрганиш. Ўлкашунослик мақсадларида олиб бориладиган туристик сайёҳатларда дарёларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлган татқиқотлардан бири ҳисобланади.

Дарёларни ўрганиш қуйидаги тартибда олиб борилади: жойлашган ҳавза номи; манбаи ва мансабининг жойлашган жойи; дарё водийси морфологияси; гидрологик кўрсаткичлари (тезлиги, қиялиги, нишаби, сув сарфи, йиллик оқим, тўйиниши, меъёри (сатҳини фасллар бўйича ўзгариши), дарёни музлаши ва музларни ериши, дарёнинг иши (чуқурлашиши ва ёнлама эрозия), ўзани хусусиятлари, остоналар, шаршаралар, ҳайвонот дунёси (балиқлар), илгариги, ҳозирги ва келажакда хўжалик мақсадларида фойдаланилиши, дарё сувларидан оқилана фойдаланиш ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш.

Ўлка дарёларини ўрганишдан олдин ўрганилаётган дарё ҳақида маълумотларни йиғиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Дарё жойлашган ҳавзанинг номи харитадан аниқланади. Харитадан асосий дарё аниқланади. Масалан, ўрганилаётган жой Оҳангарон водийсида жойлашган бўлса, у Сирдарё ҳавзасига киради. Чунки Оҳангарон дарёси Сирдарёни ўнг ирмоғи ҳисобланади. Ўрганилаётган жой Сирдарёнинг ўнг ирмоғи бўлган Чирчиқ дарёси ҳавзасида жойлашган бўлади. Дарёнинг ҳавзаси аниқлангандан сўнг дарё ҳавзасига умумий таъриф берилади: ўзлаштириш даражаси, аҳолининг ва аҳоли манзилгоҳларининг зичлиги ва жойланиши, йўллар ва уларнинг турлари аниқланади; ўсимлик қопламини баҳолашда дарахтлар, буталар, ўтлар алоҳида таърифланади, ўрмонларни турлари ва уларни

қаерларда тарқалгани тавсифланади; водийда тарқалган тупроқ турлари ўрганилади.

Дарё водийсининг морфологик тузилиши қуйидаги тартибда ўрганилади:

- водийнинг торайган ва кенгайган қисмлари аниқланади. Водийнинг юқори қисмлари кўпинча қаттиқ жинслар тарқалган жойларда жойлашганлиги учун тор ва ёнбағирлари тик бўлади. Бу ерда асосан чуқурлатиш эрозияси содир бўлади. Бу ерларда ўзан ҳам тор бўлади, унинг қиялиги катта бўлганлиги учун сув тез ва шовқинли оқади. Дарё терассалари умуман бўлмайди, бўлса ҳам жуда тор бўлади;

- дарё текисликка чиққач водийси кенгаяди, ўзан ҳам кенгаяди, дарё баъзи жойларида тўғри, баъзи жойларида эгри-бугри бўлиб оқади. Туристик сайёҳатларда дарё қаерларда тўғри ва қаерларда айланиш (меандра ҳосил қилиб) оқётгани кундаликка қайд етилади. Дарё водийсининг кесмаси маълум бир нуқталарда тузилади;

- остоналар ва шаршаралар алоҳида ўрганилади. Уларнинг жойлашган жойи, сони, морфологик ўлчамлари (кенглиги, баландлиги) алоҳида қайд етилади. Иложи бўлса уларнинг кўндаланг ва бўйлама кесмалари тузилади. Расмлари олинади;

- дарёнинг ўзани алоҳида ўрганилади. Ўзаннинг кенглиги, чуқурлиги, қандай жинслардан тузилганлиги кундаликда алоҳида қайд етилади. Ўзаннинг кенглиги кўз билан чамалаб аниқланади. Ўзаннинг чуқурлиги сантиметрларга бўлинган таёқ билан аниқланиши мумкин. Ўзани торайган, кенгайган чуқур ва саёз жойлари ўрганиб, уларни ўртача ўлчамлари чиқарилади ва кундаликка қайд етилади;

Ўлка кўллариини ўрганиш. Агар жойда кўллар бўлса ёки сайёҳат йўналишида кўл учраб қолса у қуйидаги тартибда ўрганилади:

- кўлнинг номи аниқланади. Кўлнинг номини топографик ёки туристик харитадан аниқлаш мумкин. Агар кўлнинг номи харитага туширилмаган бўлса маҳаллий аҳолидан сўраб билиш мумкин;

- кўлнинг географик ўрни аниқланади. Кўлнинг географик ўрни қишлоқнинг ёки шаҳарнинг марказига, дарё водийсининг жойланишига ва бошқа белгиларига қараб аниқланади. Масалан, кўл қишлоқ марказидан шимолда, дарё водийсининг ўрта оқимида, дарёнинг чап ёки ўнг қирғоғида бўлиши мумкин;

- кўлнинг морфологик ўлчамлари аниқланади: узунлиги, кенглиги, майдони, чуқурлиги, ҳажми. Масалан, кўлни майдони унинг узунлиги ва кенглигини кўпайтмасидан иборат, уни кўлнинг чуқурлигига кўпайтурсак кўлнинг ҳажми келиб чиқади: Кўлнинг узунлиги 500м, кенглиги 100м, чуқурлиги 10м. бўлса унинг майдони $500 \cdot 100 = 50000 \text{ м}^2$ ҳажми $50000 \text{ м}^2 \cdot 10 \text{ м} = 500000 \text{ м}^3$ бўлади;

- кўл ботиғининг келиб чиқиши аниқланади.

- қирғоқлари Рельефи ўрганилади. Тик, ётиқ ва пляжли қирғоқлар ажратилади.

- кўлнинг тўйиниши ва меъёрлари аниқланади. Тўйиниши ер ости сувларидан, дарёларидан, сойларидан бўлиши мумкин. Кўлга дарё ёки сой оқиб кириб, бошқа томондан оқиб чиқиб кеца, у оқар кўл бўлади, агар кўлга дарё ёки сой қуйилиб бирорта дарё ёки сой оқиб чиқиб кетмаса у оқмас кўл бўлади;

- кўлни суви ўрганилади: оқимлари, сатҳини тебраниши, музлаши, муздан халос бўлиши, сувнинг ҳарорати, тиниқлиги, шўрлиги, ранги в х.к.
- кўлни ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ўрганилади. Кўлни хўжалик аҳамиятига баҳо бериледи. Уни муҳофаза қилиш масалалари кўриб чиқилади.

Ботқоқларни ўрганиш қуйидаги тартибда олиб борилади: унинг номи, географик жойланиши, келиб чиқиши, ботқоқнинг тури, ҳосил бўлиш шароити ва туйиниши, узунлиги, чегаралари, майдони, ўлка сув ресурсларини ҳосил бўлишидаги аҳамияти, ўсимлиги, ҳайвонот дунёси ва хўжаликдаги аҳамияти.

Музликлар ўрганилаётганда уларнинг қуйидаги ўлчамлари аниқланади; географик жойланиши, мутлоқ баландлиги, узунлиги, чегаралари, майдони, ҳажми, вужудга келиш шароити, тури (водий, осма ва х.к), ҳаракат тезлиги ва йўналиши, фаслий меъёри, музнинг иши.

Ўлкадаги булоқлар ўрганилганда қуйидагиларга эътибор бериледи: номи, географик жойланиши, ҳосил бўлиш шароити, оқиб чиқаётган сув миқдори, ҳарорати, таркиби, даволаш хусусиятлари, хўжаликда фойдаланилиши ва х.к.

Ўлка ички сувларининг умумий хусусиятларини аниқлаш учун ўлканинг табиий географик ва гидрологик хариталарини кўриб чиқиш лозим. Улар ва бошқа манбаалар асосида ўлка гидрологик шароитининг асосий таркибий қисмлари ҳақида маълумотлар йиғиш мумкин.

Олинган маълумотларни таҳлили асосида ўлка гидрографик шароитларига атмосфера ёғинлари, жойнинг геологик ривожланиш тарихи, рельефи, ўсимлик қоплами қандай таъсир қилишини аниқлаш мумкин ва ўлка табиатини кўриқлашни ва улардан оқилона фойдаланишни долзарб муаммоларини ўрганиш мумкин.

Юқорида келтирилган объектларнинг ўрганилиш тартиби бўйича Сирдарё вилоятининг табиий шароитини изоҳлаймиз. Сирдарё вилояти Мирзачўл тоғ оралиқ ботиғида, асосан Сирдарёнинг чап соҳили аккумулятив террасаларида ва қисман Туркистон тизмаси тоғолди пролювиал-аллювиал текислигида жойлашган. Умумий майдони 4,3 минг кв. км. бўлиб, республиканинг 0,96 % майдонини ташкил этади. Нишаблик асосан жануби-шарқдан шимоли-ғарбга томон йўналган. Вилоятнинг террасалардаги геосистемалари ўзига хос ҳудуд сифатида кишилар эътиборини доимо жалб қилиб келган.

Географик ўрни. Сирдарё вилояти Мирзачўлнинг шимол ва шимоли-шарқида, асосан Сирдарёнинг чап соҳилидаги аккумулятив террасаларда жойлашган. Вилоят Мирзачўлнинг ўзлаштирилган ҳудудларини ўз ичига олади. Унинг ҳудуди шимол ва шимоли-шарққа томон пасайиб борган кенг текислик бўлиб, шимолдан Қозоғистон республикаси билан, шимоли-шарқ ва шарқдан Тошкент вилояти билан, жануби-шарқдан Тожикистон республикаси билан, жануб, жануби-ғарб ва ғарбдан Жиззах вилояти билан чегараланган.

Геологияси. Вилоят ҳудуди Турон плитаси билан ҳаракатчан Ғарбий Тянь-Шань ороген областининг туташган минтақасидаги йирик Тошкент-Мирзачўл чўкмасида жойлашган. Мезо-кайнозой жинсларидан тузилган йирик структурали элементлари мавжуд. Букилма асосида палеозойнинг оҳактош ва сланецлари жойлашган. Букилмада мезозой ва кайнозой ёшидаги чўкинди

жинсларнинг тўпланиши содир бўлган. Тошкент-Мирзачўл букилмасининг жанубий қисми Меҳнаткаш-Писталитов антиклинал зонаси билан чегараланган. Антиклиналнинг шарқий қисмида ер юзига неоген, ғарбида эса палеозой жинслари чиқади. Антиклинал минтақа рельефида Писталитов, Балиқлитов, Хонбандитов ва шарқда эса Мўғилтов билан ифодаланган. Меҳнаткаш-Писталитов антиклинал минтақа билан Туркистон тизмасининг тармоқлари орасида Ломакин букилмаси жойлашган. У ғарбда Қўйтош тоғ оралиғидаги чўкма билан, шарқда эса Фарғона депрессияси билан туташади (О.А. Рыжков ва бошқ., 1962. бўйича Қўқон синклиналининг Охунбобоев букилмаси билан бирлашади). Чўкмада палеозойнинг оҳактош ва сланецлари 1400 м чуқурликда жойлашган. Букилма камроқ бўр, палеоген ва катта қалинликда неоген-тўртламчи давр ётқизиклари билан тўлган. Тошкент-Мирзачўл чўкмасининг тектоник ривожланишида икки даврни ажратиш мумкин: платформали (юқори палеозой – ўрта олигоцен) ва платформадан кейинги (юқори олигоцен-антропоген). Триас ва юра даврларида чўкма усти текисланган ҳудуддан иборат бўлган, унда қобик нураш ҳодисаси юз берган. Тошкент-Мирзачўл чўкмасида биринчи букилиш ва трансгрессия юқори бўрда содир бўлган. Унда чўкма эпейрогеник кўтарилиб, куруқликка айланган. Бирок, палеоценда Ўрта Осиёнинг жануби-шарқини бурмаланиши туфайли пасттекислик яна сув билан қопланади. Денгиз трансгрессияси қуйи олигоценга қадар давом этади. Ўрта олигоценда альп тектоник ҳаракатлар натижасида Тошкент атрофи, Қизилкум ва Мирзачўл жадал кўтарилиш босқичига ўтади. Бу ҳодиса, айниқса неогенда кучлироқ бўй беради.

Мезозой, қуйи ва ўрта палеогенда Мирзачўлда асосан кум-гил ва карбонатли сульфат формациясига оид ётқизиклар атрофдаги тоғлардан ювилган ва ҳудудда тўпланиб борган.

Ғарбий Тянь-Шаннинг кўтарилиши туфайли неоген-тўртламчи даврда Тошкент атрофи ва Мирзачўлда катта ҳудуд чўкиш ёки букилиш ҳодисасини бошдан кечирди. Чўкиш натижасида тоғлар этагида катта қалинликда моласс қатлами таркиб топди. Мутахассисларнинг фикрича Мирзачўлнинг шимолий ва марказий қисмлари олигоцен охириларида то ҳозирги кунга қадар 1000 м гача чўкиб, тоғ этаклари шунчага кўтарилди. Палеозой жинслари 2500-3000 м чуқурликда жойлашган. Чотқол-Қурама ва Туркистон-Нурота тоғларининг неоген-тўртламчи даврларда жадал кўтарилиши ва Мирзачўл ўрнининг букилиши натижасида катта қалинликда дағал ва гил-қумоқ ётқизиклар тўпланади. О.А. Рыжков ва бошқ. (1962) маълумотича ушбу жинсларнинг қалинлиги марказий қисмида 1200 м, тоғ этакларида 1000-1200 м, ғарбда 800 м гача етади. Неоген жинслари кўпроқ зич гил ва алевролитдан ташкил топган бўлиб, кум ва кумтошли кичик қатламларни ташкил қилади. Неогеннинг бошларида Мирзачўлнинг юзаси пасттекисликдан иборат бўлиб, унинг марказий қисмида бир неча берк ботиклар мавжуд бўлган.

Шимоли-шарқдан оқиб келадиган Чирчиқ, Оҳангарон, Келес дарёлари, жануби-шарқдан Роватсой, Пшоғарсой, Ховоссой, Зоминсув ва бошқалар жанубдан Мирзачўл маркази томон ўз ёйилмаларини вужудга келтириб, бир-бирларига қарама-қарши ҳаракат қилишган ва натижада унинг марказида

хозирга қадар мавжуд бўлган Еттисой, Сардоба, Қорақарой, Шўрўзак каби пастқам ботиклар вужудга келган.

Мирзачўлда тўртламчи давр ётқизикларининг вужудга келишида Сирдарёнинг аҳамияти катта. Сирдарё Фарғона водийсидан плиоценда оқиб чиққан. Дарё Фарғона водийсидан чиққанидан сўнг Мирзачўлда ёйилиб оққан ва Қизилқумга томон йўналганлиги тахмин қилинади. Мирзачўл плейстоценнинг бошларида кенг текислик бўлиб, унда кўл-континентал ландшафтлар ҳукмрон бўлган. Қуйи плейстоценда Сирдарё, Чирчиқ, Оҳангарон, Келес дарёлари дағал жинслардан иборат пролювиал-эллювиал ётқизикларни шимоли-шарқий қисмига элтган. Сўх комплекси ётқизиклари қалинлиги 150 м гача боради. Жанубда эса сой ва дарёлар пролювиал жинсларни ётқизган. Ўрта плейстоценда неотектоник ҳаракатлар кучлироқ юз бермаганлиги сабабли ҳамма жойда қалин қумлоқ-шағал тош-силликланган тошлар ётқизиғи тўпланган. Тошкент комплекси қалинлиги 100 м дан 220 м гача боради. Бу вақтга келиб Сангзор дарёси Зарафшон ҳавзасидан ажралиб, Мирзачўл томон оқа бошлаган.

Юқори плейстоценда Сирдарё ҳозирги Чордара шаҳри яқинида шимолга томон бурилиб, Жанадарё орқали Орол денгизига қараб оқа бошлаган. Тўртламчи давр ётқизикларининг энг устки қатлами мирзачўл комплекси (юқори плейстоцен) ётқизикларидан иборат. Улар Сирдарёнинг III террасасини ташкил этади. Террасанинг юзаси қалинлиги 14-40 м лёссимон қумоқ ва қумлоқ ётқизиклар билан қопланган. Сирдарёнинг пролювиал-аллювиал ётқизиклари билан жанубдан келган сойларнинг пролювиал жинслари ўртасидаги чегарани айрим тадқиқотчилар Еттисой пастқамлигининг жанубий ёнбағрига мос келади дейишса, баъзилари, жумладан В.Г. Ғофуров (1968) эса бу чегарани ундан жануброқдан ўтади деб таъкидлайди.

Голоценда рўй берган янги тектоник ҳаракатлар натижасида Сирдарёнинг икки ёш террасаси ва қайири пайдо бўлган. Улар лёссимон қумлоқ, қумоқ, қум ва шағал тошлардан иборат (сирдарё комплекси).

Рельефи ва литологияси. Мирзачўлнинг кенг текислик, тоғ олди баландликлари ҳамда ботикликларга эга бўлган ўзига хос ўзаро генетик боғлиқ рельефи бўлиб, кўпинча бу генетик боғлиқлик олиб бориладиган геоморфологик тадқиқотларда қарама-қарши фикрларнинг юзага келишига сабаб бўлган.

Масалан, Н.А. Димо(1916) ва Н.М. Решеткиналар (1972) Мирзачўлга тоғ олди текислиги деб қараган бўлсалар, В.А. Ковда (1958) аллювиал текислик, Д.М. Кац ва М.А. Панков тоғоралиқ чўкма, М.А. Панков, Н.Н. Ҳожибоев, Н.М. Решёткина, Х.И. Якубов ва бошқалар Мирзачўлни тоғоралиқ чўкма деб қараб, бу чўкма Туркистондан келадиغان пролювиал ётқизиклар ҳамда Чирчиқ, Ангрен, Сирдарёларнинг аллювиал ётқизиклари билан қопланган деб ёзишган. Бу муаллифлар ичида М.А. Панковнинг (1974) иши ҳар томонлама мажмуали бўлиб, Мирзачўлни ягона массив тариқасида қарайди.

Мирзачўл воҳаси тектоник жиҳатдан бир хил эмас. Унинг жанубидаги тоғ тизмалари палеозой эрасининг герцин тоғ ҳосил бўлиш жараёнида кўтарилган. Бу даврда Мирзачўлнинг текислик қисми денгиз суви остида бўлган. Сўнггра

кўтарилган тоғлар емирилиб пасайган, натижада уларнинг қуйи қисмларини денгиз суви босган. Альп тоғ ҳосил бўлиш жараёнида ўша пасайган тоғлар қайта кўтарилиб, денгиз суви чекиниб, ўлканинг текислик қисми ҳам қуруқликка айланган.

Воҳанинг текислик қисми шимоли-ғарбга нишаб бўлиб, денгиз сатҳидан ўртача баландлиги 250-300 м ни ташкил этади. Унинг шимоли-ғарбий қисмининг денгиз сатҳидан баландлиги эса 230 м, жануби-шарқий қисминики 350 м, Сирдарё соҳиллари 250 м, жануби, яъни тоғ олди зоналарининг денгиз сатҳидан баландлиги 450-530 м ни ташкил этади.

Худуднинг асосий нишаблиги деярли оқимсиз, ниҳоятда улкан ботиксимон майдонга йўналган. Сирдарёнинг суви қадимдан мана шу ботикқа сизиб чиқади. Мирзачўл ана шу сизот сувлардан (табиий ёғинларни ҳам қўшганда) ҳар йили қарийиб 150-200 минг тонна тузни шимиб ютади. Табиий нишаб деярли йўқлигидан, ҳар йили фақат 5 минг тоннага яқин туз чиқариб ташланади. Демак, бу ботик Мирзачўлга суғоришдан илгари ҳам туз оқиб келганлигидан далолат беради.

Иқлими хусусиятига кўра мўтаъдил минтақанинг континентал типига тўғри келади. Атмосфера ёғинларининг йиллик миқдори 202-425 мм ни ташкил қилади. Ёғиннинг асосий қисми баҳор ва қиш ойларига тўғри келади. Қолган вақт қуруқ бўлиб, ёғингарчилик деярли бўлмайди. Мавжуд атмосфера ёғинлари ҳам бир текисда тақсимланмаган, худуднинг жанубий қисмларида 312-425 мм, шимолий қисмларларида 206-300 мм миқдорида тушади.

Нисбий намлик қишда 70-80%, ёзда 25-40%, баҳор ва куз ойларида эса юқоридагиларнинг орасида бўлади. Энг кичик нисбий намлик Ховосда кузатилади. Бунга сабаб кучли Бекобод шамолининг эсиб туришидир.

Кузатишларимиздан шу нарса маълум бўлдики, ҳавонинг қуруқлиги, шамолларнинг тез-тез эсиб туриши майдонда кучли буғланишни келтириб чиқаради, яъни буғланиш йилига 1500 мм гача етади, бу кўрсаткич ёғин миқдориغا нисбатан 4-7 баробар кўп.

Ҳаво ҳарорати ёзда ўртача 27,8° С, қишда эса, -27° С гача бўлади. Максимал иссиқ ҳарорат +47° С гача кузатилган. Л.Н. Бабушкин (1964) фикрига кўра, Мирзачўлнинг жанубий қисми ёзги ҳарорати бўйича Ўзбекистоннинг энг иссиқ районлари билан бир хилда бўлиб, Сурхондарёнинг текислик қисмидан кейинда туради холос. Худуднинг жанубий қисмида совуқсиз кунлар 210-220 кунни ташкил қилади ва самарали ҳароратлар йиғиндиси эса 4600-5000°С га етади. Шундай қилиб, Сирдарё вилоятининг жанубий қисми бошқа қисмларидан фарқ қилади. Вегетация давридаги самарали ҳароратлар йиғиндиси Гулистонда 2418°С, вилоятнинг шимолий қисмида эса 2197°С ни ташкил қилади.

Ёз ойларида ёғиннинг бутунлай тушмаслиги ҳам нисбий намликда ўз аксини топади. Бу иқлимий кўрсаткичлар тупроқ-грунт ичидаги тузларни юқорига тортиш учун асосий сабаблардан бири бўлади. Шу боис, бу майдонлардаги деҳқончилик асрий туз захирасини бузмасликка, буғланишни эса кескин камайитишга қаратилмоғи керак.

Л.Н. Бабушкин (1960), А.З. Генусов ва бошқаларнинг (1960) махсус изланишлари натижаларига кўра, суғориладиган майдонлар иқлими куруқ ерларга нисбатан кучли даражада ўзгаради. Бу ўзгариш тупроқ юза қатламларида, айниқса 1-2 м қалинликда нисбатан яхши сезилади. Сирдарё вилоятида ёз вақтида суғориладиган майдон ҳарорати куруқ ерга нисбатан 8°C га паст бўлади. Нисбий намлик суғориладиган ерларда 40% бўлса, куруқ ерда 61% ни ташкил қилади. Тупроқ устидаги ҳароратлар айирмаси 30°C ни ташкил қилади, яъни суғориладиган ерларда тупроқ ҳарорати суғорилмайдиган ерга нисбатан 30°C гача паст бўлади. Назарий жиҳатдан арид иқлимли минтақаларда ёз ойларида тупроқ ҳосил бўлиш жараёни бошқа ойларга нисбатан секинлашади. Шундай бўлсада А.З. Генусов ва бошқ. (1960) маълумотларига кўра суғориладиган майдонларда бу жараён нисбатан кучли ўтади.

Гидрографияси. Сирдарё вилоятининг асосий сув манбаи Сирдарё ҳисобланади. Вилоят ерларини асосан қуйидаги каналлар сув билан таъминлайди:

- Дўстлик канали - узунлиги вилоят ҳудудида 76 км бўлиб, 100 минг гектарга сув беради.

- Жанубий Мирзачўл канали - узунлиги 93 км бўлиб, 176 минг гектарга сув беради.

- Сирдарё ўзанидан насос станциялар орқали 17,3 минг га майдон суғорилади.

Вилоят буйича 221,2 минг га майдон ўзи оқар сув билан таъминланган, 69,4 минг га насослар билан суғорилади.

Вилоятда ирригация ва мелиорация тадбирларини амалга оширишга олдин ҳам, ҳозир ҳам катта аҳамият берилмоқда. 1918 йилда Туркистонда суғориш ишларини амалга ошириш учун 50 млн. сўм ажратилган бўлса, бу маблағнинг маълум бир қисми Мирзачўл ерларида 500 минг десятина ерларга сув чиқаришга сарфланиши кўзда тутилган эди (Л.Т. Турсунов, 1981). 1948 йилда Сирдарё сувини 20 м. баландликка кўтариб берадиган тўғоннинг (Фарҳод сув омбори) қурилиши энг аввало, Мирзачўл ерларида суғориш ишларини янада ривожлантириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Мирзачўл ерларининг қон томири ҳисобланмиш "Шимолий Мирзачўл" (ҳозирги "Дўстлик") каналининг қурилиши ва ишга туширилишининг аҳамияти беқиёсдир. Канал қурилиши 1901 йилдан 1915 йилгача давом этган. Дастлаб унинг сув ўтказиш қуввати 50 куб м/с. га тенг бўлиб, 24 минг гектар ерни сув билан таъминлаган. Каналнинг сувидан суғориладиган ер майдонлари узлуксиз кўпайиб борди, 1940-1941 йилларда ҳашар йўли билан канал кенгайтирилиб, дамбалари ва қирғоқлари мустаҳкамланди, янги қисмлар қўшилди ва узунлиги 98 км дан 113 км га етказилди. 1951 йил канал сувидан фойдаланадиган ерлар майдони 122 минг гектарга етказилиб, унинг сув ўтказиш қуввати 160 куб м/с. ни ташкил қилди. Ҳозирги кунда «Дўстлик» каналининг узунлиги 116 км, сув ўтказиш қуввати 230 куб м/с. сув билан таъминлайдиган майдони 318 минг гектарга етказилган (100 минг га. Сирдарё ва 94 минг га. Жиззах вилоятлари, 120 минг га. Қozoғистон Республикаси). Йилдан-йилга каналнинг барча гидротехник жиҳозлари ўз вақтида қайта

таъмирланиб, сувнинг шимилишини камайтиришга ҳаракат қилинмоқда. Каналнинг иш режими ҳозирги кунда автоматлаштирилган. Канал сувидан фойдаланишнинг ўзига хос муаммолари мавжуд. Чунки энг катта сув омборлари Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари ҳудудларида бўлиб, улардан сув олишга республикамиз кўп маблағ сарфлайди.

Ер ости сувлари кўпчилик гидрогеологлар томонидан ўрганилган ва адабиётларда кенг ёритилган. Жумладан, Г.А. Мавлонов ва бошқ. (1971), В.Г. Гафуров (1968), Х.Т. Туляганов (1971), Н.Н. Ходжибаев (1975) кабиларни айтиш мумкин. Қуйида ер ости сувларини тавсифлашда шу адабиётлар ва вилоят Гидрогеология ва мелиорация экспедицияси маълумотларидан кенг фойдаланилди.

Вилоят ҳудуди гидрогеологик жиҳатдан Тошкент олди артезиан ҳавзасининг жанубий ва жануби-шарқий қисмларини банд этган, ўртача мутлақ баландлиги 253-264 м дан иборат, шимоли-ғарбга томон кучсиз нишабликка эга, ясси юзали Мирзачўл ҳавзасида жойлашган.

Ер ости сувлари, айниқса грунт сувлари ер юзасига яқин бўлганлигидан геосистемаларнинг шаклланиши ва ривожланишида аҳамиятли. Ҳавзада палеозой замини 500-1000 м чуқурликда ётади. Унинг устини қоплаган олигоцен-голоцен даври ётқизиқлари анча қалин қатлам ҳосил қилади ва бир нечта сувли горизонтлар мавжуд. Ушбу қатламлардаги сувларни минераллашувига кўра сульфат, сульфат-гидрокарбонат, сульфат-хлорид, сульфат-натрий, сульфат-магний, сульфат-кальций, натрий-магний, натрий-кальций, натрий, хлорид-сульфат, хлорид-натрий, магний-кальций, гидрокарбонат-сульфат ва ҳ.к. типларига ажратилади.

Ҳавзанинг гидрогеологик шароитлари тўртламчи давр ётқизиқлари қатламларида чучук совуқ сувларнинг, фаол сув алмашилиш зонасида термал сувларнинг, мураккаб сув алмашилиш зонасида эса юқори минераллашган сувларнинг мавжудлиги билан ҳам тавсифланади. Неоген ётқизиқлари ультрачучукдан тортиб кучсиз шўрлангангача бўлган босимли ва ўзи оқиб чиқадиган босимли сувларнинг мавжудлиги билан тавсифланади. Бўр ва палеоген ётқизиқларидаги сувли комплексларнинг сизғиб чиқиши рўй беради. Бутун ҳавзада чуқур ҳаракатсиз гидродинамик зонанинг йўқлиги чуқур сувли горизонтлардаги сувларнинг минераллашувини нисбатан унчалик юқори эмаслигини белгилайди.

Мезозой ва кайнозой ёшидаги қатламлар қатламлараро сувли ва грунт сувли горизонтларга эга. Қатламлараро сувлар гил ва алевролит қатламлари орасидаги кум, кумтош, гравелит ва конгломератларга тўғри келади. Грунт сувлари эса асосан шағалтош, қумоқ ва қумлоқ қатламларда жойлашган.

Ер ости сувларининг турли литологик қатламларда ва ҳар хил ёшдаги свиталарда жойлашганлиги ҳамда чўкиндиларнинг генезиси ва сувли қатламларнинг ётиш шароитлари бўйича ҳавзада 11 та сувли горизонтлар ва комплекслар ажратилади.

1. Тўртламчи давр аллювиал ётқизиқларининг сувли комплекси (alQ).
2. Тўртламчи давр аллювиал-пролювиал ётқизиқларининг сувли комплекси (alplQ).

3. Неоген ётқизикларининг сувли комплекси (N).
4. Ўрта эоцен ётқизикларининг сувли горизонти (Pg_2^2).
5. Қуйи эоцен ётқизикларининг сувли горизонти (Pg_2^1).
6. Эоценнинг сувбардош горизонти (Pg_2).
7. Сенон ётқизикларининг сувли қатлами (Cr_2^{sn}).
8. Қуйи туроннинг сувбардош горизонти (Cr_2^b).
9. Сеноман ётқизикларининг сувли комплекси (Cr_2^s).
10. Қуйи бўр ётқизикларининг сувли комплекси (Cr_1).
11. Юра ётқизикларининг сувли комплекси (J).

Геосистемаларнинг шаклланиши ва ривожланишида ҳамда улардаги мелиоратив ҳолатнинг қандай бўлишида асосан ер юзасига яқин жойлашган, юқоридаги 1 ва 2-комплекдаги ер ости сувларининг аҳамияти катта, қолганлари эса анча чуқурда бўлиб унчалик катта таъсир этмайди.

1. Тўртламчи давр аллювиал ётқизикларининг сувли комплекси (alQ) ер юзасига энг яқин бўлиб, ер ости сувларининг сатҳи 1-3; 0-3; 0-5 м чуқурликларда жойлашган. Дарё водийсининг ҳозирги чегарасида грунт сувлари ҳаракати дарё оқими йўналишида турли тезликда бўлиб, Бекобод дарасидан чиқишдан бошланади. Бу ҳолат асосан I ва II террасалардаги суғориладиган зонада кузатилади. Умуман, грунт сувларининг ҳаракати дарё ўзанидан узоқлашган сари камайиб боради. Грунт сувларининг сатҳи қандай бўлишига геологик-гидрогеологик омиллардан ташқари ирригациянинг ҳам таъсири катта.

2. Тўртламчи давр аллювиал-пролювиал ётқизикларининг сувли комплекси (alplQ). Ер ости сувлари рельефнинг тўлқинлилигига, ёйилма конуслари ўқидан қанча масофадалигига, суғориладиган майдонларда эса суғориш шароитларига боғлиқ ҳолда ётиш чуқурлиги катта амплитудада ўзгариб туради. Ҳавзанинг шимоли-шарқида суғориладиган зонада ер ости сувларининг сатҳи ирригацияга боғлиқ бўлгани учун доимо 2-3 м дан пастга тушмайди. Рельеф ботиклашган зонада, яъни саз-шўрхок зонасида эса 3 м дан юқорида жойлашган. Жанубида ёйилма конусларининг юқори қисмларида 20 м дан пастда бўлади. Буғланишнинг кўплиги ер ости сувлари таркибида бўлган туз ва туз ионларининг аэрация қатламининг кўтарилишига ва тупроқнинг шўрланишига олиб келади. Кўп йиллик маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, вилоят ҳудудида кенг ўзлаштириш ва суғориш ишлари бошланишидан аввалги даврда асосан ер ости сувлари чуқур жойлашган ҳудудлар ва автоморф тупроқлар тарқалган. Ярим асрдан кўп давом этаётган суғорма деҳқончилик таъсирида ҳудуднинг аксарият қисмида гидрогеологик шароит ўзгарган, ер ости ва сизот сувларининг сатҳи кўтарилиб, чуқурлиги 1,5-3,0 м атрофида бўлиб қолди. Вилоят гидрогеология-мелиорация экспедицияси маълумотлари бўйича сизот сувлари критик чуқурликда (шўрланишни юзага келтириш чуқурлиги) жойлашган майдонлар ҳозир вилоятда 58 % ни ташкил қилади.

Тупроқларининг генезиси, типи, тадрижий ўзгариши Н.А. Димо (1916), М.А. Панков (1974), А.А. Рафиқов (1976), Б.Б. Ахунова (2006) ҳамда

ЎзЕргеодезкадастр қўмитаси ҳузуридаги Тупроқшунослик ва агрокимё ИТДИ нинг кўплаб олимлари томонидан етарли даражада ўрганилган. Бошқа жойлардаги каби Сирдарё вилоятида ҳам тупроқларнинг географик тарқалиши рельеф шакллари, геологик ва литологик тузилиши билан узвий боғлиқ. Бу ерда тупроқ типлари ва уларни хилларининг табақаланиши тоғ олди пролювиал-аллювиал текисликларда, берк ботикларда, дарёнинг террасаларида яхши ифодаланган.

Вилоят ҳудудининг катта қисми ўтлоқи-аллювиал, бўз-ўтлоқ, оч тусли бўз, оддий бўз ва тўқ тусли бўз тупроқлар билан қопланган. Ўтлоқи-аллювиал тупроқ вилоят суғориладиган зоналарининг турли қисмларида 102,8 минг гектарни ташкил этади. У ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, ҳосил бўлиши ётқизиқларга ва гидрогеологик шароитларга боғлиқ. Бу тупроқ ҳосилдор ҳисобланади. Кучли шўрланмаган сизот сувлари сатҳи ер юзасига якин жойлашган бўлиб, чуқурлиги 1-2 метрни, баъзи жойларда 0,5-1 метрни ташкил этади.

Вилоятда 175,3 минг гектардан ортиқ ерда бўз-ўтлоқи тупроқлар тарқалган бўлиб, асосан, қадимдан ўзлаштирилган зонададир. Бу тупроқ кам маданийлаштирилган (ўзлаштирилган) ва кучли шўрланмаган. Чиринди ва азот, фосфор, калий тузлари билан ўртача таъминланган ҳисобланади.

Оч бўз тупроқ кенг тарқалган бўлиб, механик таркиби бўйича кучли фарқланади. Оч тусли бўз тупроқ 97,3 минг гектарга эга бўлиб, йирик заррали ўртача гиллашгандир. Тупроқ таркибида йирик чанг фракция (0,2-0,02 мм) 44-51 %, майда чанг фракция 30-40 % ва лойли фракция 15-20 % ни ташкил этади. Бу тупроқ ўзлаштириш асоси бўйича шўрхок ер ҳисобланади ва таркибида карбонат (CO_3^{2-}) кўпдир (6-7% дан юқори). Чириндиси 0,7-0,9 % гача бўлиб, кучли минераллашгандир.

Оддий бўз тупроқлар тоғ олди зоналарининг қуйи қисмида кенг тарқалган бўлиб, 117,9 минг гектар майдонни эгаллайди. Агрокимёвий таркиби бўйича эрозияга чидамли. Чиринди таркибига кўра ювилмайдиган ва кам ювилувчи, фосфор ва калий тузлари билан кам таъминланган. Бу тупроқлар тарқалган ерларда асосан лалми экинлар экилади.

Тўқ тусли бўз тупроқ 9,4 минг гектарни эгаллаб, асосан Ховос туманининг тоғли ва тоғ олди қисмида тарқалган. Бу тупроқ сув эрозиясига кучли берилган бўлиб, ҳосилдор қатлами ювилганлиги учун, ғалла экинларидан юқори ҳосил олиб бўлмайди, шунинг учун бу ерлар асосан чорва моллари учун яйлов сифатида фойдаланилади.

Ҳозирги кунда автоморф режимда шаклланган тупроқлар яримгидроморф ва гидроморф типга айланди ва асосий майдонларни турли даражада шўрланган тупроқлар эгаллади. Бу эса, ўз навбатида суғориладиган ерлар маҳсулдорлигини оширишни таъминлайдиган ҳамда агроландшафтларда экологик мувозанатни сақлаш ва шўр босган, кучли деградацияга учраган майдонларни камайтириб, улардаги жараёнларни оптималлаштириш каби муаммоларни олдинга суради.

Демак, геосистемаларда сув-туз алмашинуви мувозанатининг бузилишини олдини олишнинг бирдан-бир йўли бўлган табиий географик ва табиий мелиоратив жараёнларни тадқиқ этишда системали-структуравий, яъни комплекс усулларни қўллаш мақсадга мувофиқ.

Сирдарёнинг ўрта оқимида жойлашган вилоят ҳудудида олиб борилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, геосистемаларда антропоген таъсир, яъни дарё оқимининг сунъий ва энергетик режимга ўтишига мос равишда экологик зўриқиш юзага келган. Бу ҳолат охирги 15-20 йилда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатига салбий таъсир этмоқда.

Сирдарё вилоятининг ҳудуди асосан нишаблиги кичик, оқимсиз ва улкан ботиқ эканлиги билан характерлидир. Сирдарё сувининг қадимдан ушбу ботиққа сингиши билан бирга, Мирзачўл воҳаси ўзлаштирилгандан сўнг ўтган 55-60 йил давомида нотўғри ирригацион тизимнинг қўлланилиши туфайли сизот сувлари сатҳининг кескин кўтарилиши ҳолати юзага келган. Жазирама иссиқда сизот сувларининг тупроқни юза қатлами орқали буғланиб шўрланиш даражаси ортиб бориши ва шу каби бошқа омиллар туфайли бугунги кунда катта-катта экин майдонлари фойдаланишга яроқсиз ҳолга келиб қолган. Бу ҳолат вилоят агроландшафтларида экологик мувозанатни сақлаш, шўрланиш туфайли деградацияга учраган майдонларни қайта тиклаш технологияларини яратишни тақозо этади.

2.2. Ўлканинг аҳоли демографиясини ўрганиш

Ўлка аҳолисини ўрганиш қуйидаги тартибда олиб борилади. Аҳолини география фанининг аҳоли географияси тармоғи ва демография фани ўрганади. Ҳар қандай ўлка ёки жойнинг аҳолисини ўлкашунослик мақсадларида ўрганилганда қуйидаги кўрсаткичлар аниқланади: сони, табиий ўсиши, миграция, ижтимоий-демография таркиби, жойлашиши, маъориф ва маданиятнинг ривожланиши ва ҳ.к. Аҳолини сони деганда ўлкадаги барча аҳоли манзилгоҳлари аҳолиси сонини йиғиндисига айтилади. Турли йиллардаги аҳоли сони кўрсаткичини қиёслаш асосида ўлка аҳолисини динамикасини (ўсиши ёки камайишини) аниқлаш мумкин.

Ўлка аҳолиси сонининг майдонига нисбати зичлик деб аталади ва қуйидаги ифода орқали аниқланади. Масалан, ўлка аҳолиси 10000 киши, ўлка майдони 5000 км² бўлса унинг зичлиги қуйидагича аниқланади: $Aз=10000:5000=2$. Демак, ўлка аҳолисининг зичлиги 1 км² га 2 киши экан. Яъни бир квадрат километрда 2 киши яшаши мумкин.

Аҳолининг табиий кўпайишини ўлкада маълум бир вақтда (бир йилда) туғилганлар ва ўлганлар нисбатига қараб аниқланади. Масалан, ўлкада бир йилда 10000 бола туғилди, шу йилдаги ўлганлар сони 6000 киши, унда табиий кўпайиш $10000-6000=4000$ киши. Демак, ўлка аҳолиси бир йилда 4000 кишига кўпайган.

Туғилиш деганда ўлкада бир йилда 1000 кишига тўғри келадиган туғилган сони тушинилади. Ўлим деганда ўлкада бир йилда 1000 кишига тўғри келадиган ўлганлар сони тушинилади. Агарда туманда аҳоли сони 45 минг

киши бўлса, бир йилда туғилганлар сони 675 та, ўлганлар сони 495 киши бўлса, туғилиш бир йилда 1000 кишига 15 киши ($675:45=15$), ёки 1,5%, ўлим даражаси бир йилда 1000 кишига 11 киши ($495:45=11$), ёки 1,1%. Демак, ўлка бўйича аҳолининг табиий ўсиши бир йилда 1000 кишига (туғилганлар ва ўлганлар фарқи $15-11=4$) 4 киши, ёки 4%.

Ўлка аҳолиси фақат туғилиш ҳисобига эмас, балки аҳолини кўчиб келиши ёки кўчиб кетиши натижасида ҳам ўзгариб туради. Агар бир йилда ўлкага 500,0 киши кўчиб келса, ўлка аҳолиси 500,0 кишига кўпаяди. Масалан, табиий ўсиш ўлкада бир йилда 4000 киши бўлса, аҳолининг умумий кўпайиши $4000+500,0=4500$ кишини ташкил қилади.

Аҳолининг ижтимоий – демографик таркибига жинсий, ёш, миллий, социал, касбий таркиби, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси киради. Аҳолининг жинсий таркиби деганда ўлкадаги эркак ва аёллар сонининг нисбатига айтилади. Аҳолининг ёш таркиби деганда турли ёшдаги кишилар сонинг нисбати тушунилади. Ёш таркибига қараб ёшларга (1-16 ёшгача), ишга яроқлиларга (аёллар 16-54, эркаклар 16-59 ёш) ва қарияларга бўлинади (60 ва ундан катта ёшдагилар).

Аҳолининг миллий таркиби деганда ўлка аҳолисини сонидан турли миллат вакилларининг улуши тушунилади. Аҳолининг оналик даражаси ўлкадаги оилалар сони билан белгиланади. Оилалар сонини аҳолининг умумий сонига нисбати оилаларнинг ўртача катталигини белгилаб беради.

Аҳолини ўлкашунослик мақсадларида ўрганишда шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг нисбати ҳам муҳим аҳамиятга эга. Агар ўлкада шаҳар аҳолисини салмоғи катта бўлса урбанизация даражаси юқори бўлади, қишлоқ аҳолисининг сони кўп бўлса, урбанизация даражаси паст бўлади.

Урбанизация – бу ўлкада шаҳар аҳолиси сонини ортиши даражасини кўрсатади. Агар ўлкада шаҳар аҳолиси 50% дан ортиқ бўлса урбанизация даражаси юқори, 50% дан паст бўлса урбанизация даражаси паст бўлади деб ҳисоблаш мумкин.

Бундан ташқари аҳолининг ўқимишлилик даражасини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Аҳолининг ўқимишлилик даражаси уни сифат кўрсаткичини аниқлаб беради. Аҳолининг умумий сонидан олий маълумотлиларнинг улуши уни сифат кўрсаткичини белгилаб беради.

Ўлкашунослик мақсадларида аҳоли қуйидаги тартибда ўрганилади:

1. Аҳолининг сони, ўсиши, ўлкани минтақа аҳолисининг умумий сонидан улуши. Туғилиш, ўлим, табиий ўсиш, оилавийлик.
2. Аҳолининг жинсий ва ёш таркиби. Меҳнатга яроқли аҳоли сони. Узоқ-умр кўрувчилар сони.
3. Аҳолининг миллий таркиби, турли миллатларнинг ўлка бўйлаб жойлашиши ва сони.
4. Аҳолининг ижтимоий таркибини ўзгариши, аҳолининг халқ хўжалиги тармоқлари бўйича тақсимланиши. Улканинг меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланиш.
5. Ўлкадаги шаҳарлар ва қишлоқлар, уларни жойланиши. Шаҳар аҳолисининг улуши. Шаҳарларнинг турлари. Қишлоқларнинг турлари ва тарқалиши.

6. Аҳолининг ўлка худуди бўйича тарқалиши. Ўртача зичлиги, турлича зичликнинг сабаблари.

7. Аҳолининг маълумотлилиги даражаси. Уларни умумий аҳолии сонига улуши.

8. Аҳолини кўчиб юриши, уларни сабаблари ва кўчиш йўналиши.

Минтақавий иқтисодиёт фанининг асосчиларидан бири У.Айзард фикрича, у ёки бу худуднинг хўжалиги мураккаб жумбоқ, калавани ташкил қилади ва уни ечишни айнан аҳоли бўғинидан бошламоқ керак. Дарҳақиқат, аҳоли мураккаб ижтимоий-иқтисодий категориядир, у билан ишлаб чиқариш «бошдан оёқ», чамбарчас боғлиқ. Чунки, аҳоли, тўғрироғи меҳнат ресурсларисиз ишлаб чиқариш бўлмайди, ишлаб чиқариш эса аҳоли учун керак; моддий ва маънавий бойликларни яратувчиси ҳам, уларни истеъмолчиси ҳам айнан ана шу аҳоли, яъни кишиларнинг маълум худуддаги бирлигидир.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, «...ҳал қилинаётган энг долзарб муаммолардан бири ишлашни хоҳловчиларнинг ҳаммасини иш билан таъминлаш ҳисобланмайди, балки энг мақбул, ижтимоий йўналтирилган иш билан бандликни вужудга келтиришдан иборатдир»¹. Бу эса меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлашни, ишсизликни камайтиришни тақозо этади. Уларни ижобий ҳал қилиш аҳоли турмуш даражасини оширишга олиб келади.

Ҳозир мамлакат меҳнат ресурсларининг иш билан банд бўлмаган қисми кўрсаткичи аста-секин ўсиб бориш анъанасига - тенденциясига эга. Бундай ҳолат саноат меҳнатининг тор доирада қўлланилиши, янги иш жойларини яратишга йўналтирилган инвестициялар ҳажмининг етарли эмаслиги, меҳнат ресурслари сонининг иш жойлари миқдорига нисбатан тезроқ ўсиши, ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида мутаносибликнинг мавжуд эмаслиги, маҳаллий кадрлар малакаси ва рақобат қобилиятининг пастлиги ва уларни иш ахтариш ҳаракатларининг суствлиги билан асосланади. Бундан ташқари, меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлашга янги ерлар ўзлаштирилишининг камайиши, интенсив технология ва кам меҳнат талаб қиладиган техниканинг юқори унумсиз қўлланилиши, хўжалик юритиш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг янги бозор усулларида самарасиз фойдаланилиши, кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик ривожланишининг паст даражаси, иш билан банд бўлганлар моддий манфаатдорлигининг пасайиши ва инфляция жараёнлари каби омиллар салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳолбуки, санаб ўтилган омиллар - бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг муқаррар белгиларидир.

Аҳолининг иш билан оқилона бандлигини таъминлаш ва ишсизликни камайтиришнинг самарали механизмларидан бири меҳнат бозорини мақсадга мувофиқ шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда уни тартибга солиш ҳисобланади. Бу, ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги узвий алоқалар ва зиддиятларни, улар ҳамкорлигининг самарадорлик мезонларини аниқлашга,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1997.- 126 бет.

қишлоқ меҳнаткашлари касб малакасини оширишнинг асосий йўналишларини белгилашга ҳамда жонли меҳнат ресурсларини «ортиқча» ва иш жойлари «тақчил» шароитларда ишчи кучига талаб ва таклифни макроиқтисодий тартибга солишга, пировардида иқтисодий, ижтимоий ва ташкилий тадбирларни мақсадга мувофиқ равишда ишлаб чиқиш ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир.

Аҳолининг ҳам истеъмолчи, ҳам ишлаб чиқарувчи куч сифатида иқтисодий фаолият жараёнида иштирок этиши, уни кенг доирада ўрганишни талаб этади. Тадқиқот объекти ҳисобланган Сирдарё вилоят иқтисодиётини ривожлантиришда аҳолининг сони, таркиби (миллий, жинсий, ёш ва ижтимоий таркиби), такрор барпо қилиниши, ишлаб чиқариш малакалари, механик ҳаракати ва ҳудудий жойлашиши каби кўрсаткичларни атрофлича таҳлил этиш асосий мақсадимиздан бири бўлиб, шу асосда ҳудудий иқтисодий сиёсат тамойилларини ишлаб чиқиш муҳимдир.

Ҳозирги вақтда Сирдарё вилоятининг аҳолиси 739,4 минг кишидан ортиқ бўлиб, республика аҳолисининг 2,7 % ини ташкил этади. Сирдарё вилояти ўзига хос демографик хусусиятларга эга. Масалан, 1990-2010 йилларда вилоят аҳолиси 16,2 % га, Республика аҳолиси эса 20,2 % га кўпайган. Бу муддатда Сирдарё вилоят аҳолисининг ўртача йиллик ўсиши 1,6 фоизни ташкил этган, ҳолбуки 1980 йилда бу кўрсаткич 2,4 % га тенг эди. Аҳоли ўсиш суръатларининг бундай қисқариши бир қатор омиллар билан изоҳланади:

- ўтиш иқтисодиёти шароитида иқтисодий муаммоларнинг вужудга келиши;
- мустақилликнинг дастлабки йилларида вилоят ҳудудидан русийзабон аҳолининг Россия ва бошқа яқин хориж мамлакатларига кўплаб кўчиб кетиши (бу жараён илгариги даврга нисбатан суст бўлсада, ҳали ҳам давом этмоқда);
- ҳукумат томонидан чуқур ва пухта ўйланган ижтимоий чора-тадбирлар натижасида режалаштирилмаган туғилишнинг қисқариши, оқибатда болалар ва оналар ўлимининг камайиши, соғлом авлод тарбиялашга бўлган интилишнинг фуқароларимизнинг онгида кучайиши.

Вилоят аҳолисининг ўзига хос ўсиш суръати, туманлар бўйича ҳам ўз аксини топган. Жадвалдан яққол кўриниб турибдики, вилоят аҳолиси 1980-1990 йиллар оралиғида 27,1 %га ва 1990-2010 йиллар оралиғида 16,2 %га кўпайган. Бироқ бу ҳолат туманлар ва шаҳарлар бўйича бир хил эмас. Охирги 20 йил давомида вилоят аҳолиси 46,3 %га, шу жумладан, шаҳарлар аҳолиси 45,9%га ва қишлоқ аҳолиси 46,5 %га кўпайган.

Сирдарё вилояти аҳолисининг табиий ўсиши (ҳар минг киши ҳисобида) 2010 йил.

№	Туман ва шаҳарлар	Туғилганлар				Вафот этганлар			
		2007	2008	2009	2010	2007	2008	2009	2010

	Жами	14038	15235	1377 4	14305	3488	3524	3480	3348
Шаҳарлар									
	Гулистон	1404	1442	1326	1443	437	483	471	460
	Янгиер	1002	603	553	557	465	290	278	240
	Ширин	319	341	331	360	100	79	97	101
Туманлар									
	Оқолтин	962	1097	1008	949	169	180	177	155
	Боёвут	1862	2037	1822	2055	368	398	429	432
	Гулистон	1085	1283	1177	1203	265	268	282	284
	Мирзаобо д	1030	1318	1234	1141	210	267	229	221
	Сайхуноб од	1513	1723	1477	1540	281	318	295	291
	Сардоба	1188	1298	1111	1107	254	209	207	212
	Сирдарё	2095	2253	1955	2175	684	704	716	634
	Ховос	1578	1840	1780	1775	255	328	299	318

Вилоят ва туманлар бўйича аҳолининг ўсиши энг аввало аҳолининг табиий ўсишига боғлиқдир. Табиий ўсиш Сирдарё вилоятида, бошқа вилоятларга қараганда ўзига хосликка эга. Ўрганилаётган йиллар давомида, аҳолининг табиий ўсиши бир неча промилга пасайган. Масалан, аҳолининг табиий ўсиш коэффиценти 1995 йилда 19,3 ва 2010 йил 16,6 промилни ташкил этган. Бу кўрсаткич республикада 16,0 ни ташкил этган. Аҳолининг табиий ўсиш коэффиценти Сирдарё вилоятининг шаҳар ва туманларида ҳам ўзига хос фарқ қилади.

Жадвал маълумотларидан шу нарса кўриниб турибдики, аҳолининг табиий ўсиши вилоят туман ва шаҳарларида турлича манзара касб этади. Хусусан, 2009 – 2010 йиллар оралиғида вилоят бўйича энг юқори табиий ўсиш даражаси Гулистон шаҳрида (983 киши), Боёвут туманида (1623 киши) қайд этилган бўлса, энг паст ўсиш Ширин ва Янгиер шаҳарларида қайд этилган.

Аҳоли сонининг ортиб ёки камайиб боришига маълум даражада аҳоли механик ҳаракатининг таъсири кучлидир. Вилоят бўйича 1990 йилда 15600 киши кўчиб келиб, 16500 киши кўчиб кетган (-900киши) ва бу кўрсаткичлар 2010 йилда 7870 ва 12969 кишига тенг (-5099 киши) 2012 йилда бу манзара янада салбий кўриниш касб этган, яъни вилоятга 6613 киши кўчиб келган бўлса, 13875 киши турли ҳудудларга кўчиб кетган (-7262 киши). Вилоятда аҳолининг механик ҳаракати салбий ҳисобланади ва бу аҳолининг камайишига таъсир кўрсатувчи асосий омилдир.

Янги ерларни ўзлаштириш ва ривожлантиришни яқин атрофдаги ҳудудлардан ишчи кучларини режали ёки ўз ҳоҳишлари билан кўчиб келишлари асосида амалга ошириш мумкин.

Аҳолининг табиий ва механик ўсиши жараёнида аҳолининг зичлиги ўзгариб туради. Ҳозирги вақтда вилоят аҳолисининг ўртача зичлиги 1 кв. км.да 161,8 кишига тенг. Таққослаш учун, бу кўрсаткич республикада 61 кишини ташкил этади.

Аҳолининг жинсий ва ёш таркиби муҳим демографик кўрсаткичлардан бўлиб, келажақда аҳолининг тадрижий ўзгаришини, меҳнат ресурсларининг сонини аниқлашни, турли жинс ва ёшдаги аҳоли учун зарур бўлган халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни режалаштириш имконини беради.

Агар жинслар нисбати тенг бўлса, аҳоли таркибида ёш авлод салмоғи юқори бўлса, никоҳланиш ва ўз навбатида, туғилиш ҳам юқори бўлади. Кўрсаткичларнинг бундай тавсифи вилоятда ишлаб чиқарувчи кучларни ҳудудий жиҳатдан режалаштиришга ҳам таъсир қилади. Барча янги ўзлаштирилган ҳудудлар қатори Сирдарё вилояти аҳолисининг жинсий ва ёш таркиби ҳам ўзига хос ҳисобланади.

Аҳолининг такрор яратилиши жараёнига унинг ёш ва жинсий таркиби қай аҳволда эканлиги ҳам катта таъсир кўрсатади. 1990-2010 йилларда аҳолининг ёш таркиби бўйича бир қанча ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан, вилоятда 1990 йилда 1-17 ёшлилар жами аҳолининг 48,5 %ини 18-60 ёшлилар 47,9 % ини, 60 ва ундан катта ёшлилар 3,6 % ини ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткичлар тегишлича 49,5, 45,7 ва 4,8 фоизларни ташкил этди. Кўриниб турибдики, аҳолининг такрор яратилиши ва ишлаб чиқариш жараёнида фаол иштирок этадиган меҳнатга лаёқатли ёшдаги қисми ҳисобланган 18-60 ёшлилар бу даврда сезиларли даражада камайган.

2010 йил маълумотига назар солсак, миллий таркибга кўра, аҳолининг мутлоқ кўпчилигини ўзбеклар ташкил қилади, яъни 62,0 %, (Жиззах вилоятида 75,1 %), ўзбеклардан ташқари руслар 10,0 %, тожиклар 7,8 % тўғри келади, бошқа миллат вакиллари 20,2 %.

Сирдарё вилоятидаги урбанизация жараёни ўзига хосликка эга. Мазкур ҳудудда биронта ҳам катта ва йирик шаҳарлар йўқ. Аксинча уларнинг барчаси кичик ва ўрта шаҳарлардан иборат. Республиканинг бошқа ҳудудларидаги кичик ва ўрта шаҳарларда учрайдиган камчиликлар уларга ҳам хос. Бу шаҳарларда саноат корхоналари ҳам, аҳолининг кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган ижтимоий-маданий соҳалар ҳам талабга яхши жавоб бермайди. Уларнинг кўпчилигида ичимлик суви етишмайди, канализация йўқ.

Ҳозирги вақтда меҳнатга яроқли аҳоли вилоятда 430,0 минг кишини ёки жами аҳолининг 54,2 фоизини ташкил этади. Меҳнатга яроқли аҳолининг қарийб 40,0 % и қишлоқ хўжалигида банд. Маълумотлар шундан далолат берадики, вилоятнинг мавжуд меҳнат ресурсларидан ижтимоий ишлаб чиқаришда унумли фойдаланиш талаб даражасида эмас. Меҳнат ресурслари асосан қишлоқ жойларида, кичик шаҳарларда, шаҳар посёлкаларида, туман

марказларида жойлашган, аҳоли даромадлари ва харажатлари республика кўрсаткичларидан бир мунча паст.

Маълумотларга кўра мамлакатимизда бўлгани каби келажакда Сирдарё вилоятида меҳнатга лаёқатли аҳоли сони ортиб боради. Бу эса вилоятда узоқ муддатли бандлик сиёсатини амалга ошириш дастурини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Меҳнат ресурсларининг ижтимоий ишлаб чиқаришда бандлигини оширишда, аввало, қишлоқ хўжалик хом-ашёсини қайта ишловчи кичик корхоналарни қуриш ва ривожлантириш, шу билан бирга қурилиш, транспорт, алоқа ва ижтимоий инфратузилма соҳаларини яхши йўлга қўйиш лозим.

Сирдарё вилоятининг иқтисодиёти аграр йўналишга эга эканлиги, кўпроқ малакали қишлоқ хўжалик ходимлари лозимлигини талаб этади. Қишлоқ хўжалиги ҳудуди ҳисобланувчи, бу вилоятнинг қишлоқ хўжалигини ҳудудий иқтисослашувини такомиллаштириш ҳозирги куннинг энг муҳим муаммоларидан биридир. Демак, келажакда ҳам Сирдарё вилоятининг эҳтиёжи кўшимча ишчи кучларига ошиб боради, айниқса қишлоқ хўжалиги ходимларига.

Бу масалани оқилона ҳал этиш учун этиш учун, зич аҳолили ҳудудлардан аҳолининг маълум бир қисмини кўчириб келиш мақсадга мувофиқдир. Бу ерда албатта малакали кадрларга, мутахассисларга бўлган талабни ҳисобга олган ҳолда, кўчиб келиб ўрнашувчи аҳолига яшаш жойлари, маданий-маиший хизмат корхоналари, мактаблар ва мактабгача бўлган муассасалар билан таъминлаш зарурдир.

Бу вазифаларни оқилона ҳал этиш, келажакда ишлаб чиқариш кучларининг маълум даражада ўсишига, ижтимоий ишлаб чиқариш унумдорлигини кўтарилишига ва бу асосда аҳолининг турмуш шароитини кўтарилишига эришиш мумкин.

Вилоят статистика Бошқармасининг маълумотларига кўра, аҳолининг 427,6 минг нафари меҳнатга лаёқатли деб топилиб, асосий қисми агросаноат мажмуасида фаолият юритади. Ушбу меҳнатга лаёқатли аҳолининг 343,0 минг нафари иқтисодиёт соҳаларида банд, шундан қишлоқ хўжалигида – 73000 киши (уларнинг 65200 нафари фермер хўжаликларида), саноатда – 10240, бюджет ташкилотларида – 44000, шахсий ёрдамчи хўжаликларда – 22500, бошқа соҳаларда – 13046 минг киши машғулдир.

Шу билан биргаликда, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармасининг маълумотларига кўра, вилоят меҳнат ресурслари ҳолати қуйидагича кўринишга эга. (2012 йил январ ҳолатига)

Вилоят меҳнат ресурслари ҳолати

Умуми й аҳоли сони	Меҳнат ёшидаги меҳнатг а лаёқатл и аҳоли	Иқтисоди й фаол аҳоли сони	Меҳнат да банд аҳоли	Расми й сектор да банд аҳоли	Норасм ий секторд а банд аҳоли	Иш билан таъми нлашг а мухто	Расми й ишсиз лар
--------------------------	---	-------------------------------------	----------------------------	---	--	---	----------------------------

	сони					ж аҳоли	
1	2	3	4	5	6	7	8
739400	427600	342682	327615	236869	86893	14568	3867

Жадвал таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, меҳнат ёшидаги меҳнатга лаёқатли аҳоли билан иқтисодий фаол аҳоли ўртасидаги фарқ 84928 нафарни ташкил этмоқда, бу вилоятда ишсизлик даражаси ўта юқорилигидан далолат беради (24%). Иқтисодчиларнинг ҳисоб – китобларига кўра, ишсизлик даражасининг табиий ишсизлик даражасидан (5 – 6 %) 1% ортиқча бўлиши, яратилаётган ялпи миллий маҳсулотнинг потенциал ҳажмидан қарийб 2 – 2,5% ортда қолишига олиб келади.

Ўз навбатида ушбу ҳолат кўпчилик аҳолининг мавсумий ишлаш мақсадида четга, асосан Қозоғистон Республикаси ва Россия Федерациясига чиқиб кетишига сабаб бўлмоқда. Жумладан, расмий статистик маълумотларга кўра, 2012 йилда республикаимиз бўйича жами 266100 нафар киши (103900 нафар аёл, 86800 нафар ёшлар) республикадан ташқарига ишлаш учун кетган. Вилоятимизда эса бу кўрсаткич 9942 нафарни (4211 нафар аёл, 3834 нафар ёшлар) ташкил этади.

Бундай ҳолатнинг вужудга келишини қуйидагилар билан боғлаймиз:

1. вилоятда аҳоли даромадларининг паст даражада эканлиги билан боғлаймиз. Маълумотларга кўра, бугунги кунда вилоятда 162420та оила истиқомат қилади. Вилоятимизда битта оиланинг ўртача катталиги 4,5 – 5,0 кишини ташкил этади. Оилада ишловчилар сони эса, ҳисоб – китобларга кўра 1- 1,5 нафарни ташкил этади, яъни оилда ё эр, ё хотин, баъзи оилаларда эса иккала томон ҳам меҳнатда банд. Ҳисоб – китобларимизга кўра, битта оиланинг ойлик ўртача даромади 105,0 – 163,0 минг сўмни ташкил этмоқда. Битта шахснинг ойлик кун кечириши учун зарур бўлган истеъмол саватчасининг энг минимал нархи эса, 75,0 – 77,0 минг сўмни ташкил этади. Кўриниб турибдики, битта оиланинг ўртача ойлик харажатлари 245,0 – 280,0 минг сўм бўлиши лозим.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, 2009 – 2010 ўқув йилида вилоятимизда мавжуд ўрта – махсус ўқув юртлари (КХК)ни 4000 минга яқин талаба битириб чиққан бўлсада, уларнинг ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлашишлари 10 – 15 % атрофида ҳолос. Бу эса, яна ишсизлар армиясига муносиб номзодлар тайёрланаётганлигини кўрсатади.

2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида ҳукуматимиз томонидан изчил чора – тадбирлар амалга оширилаётган бўлсада, ҳамон тадбиркорлик фаолиятини дастлабки сармоя билан таъминлашдаги муаммолар кичик бизнеснинг етарлича ривожлана олмаётганлигига сабаб бўлмоқда.

Миграция жараёнини тартибга солишдан кўзланган асосий мақсад – мавжуд ишчи кучларини оммавий тарзда четга чиқиб кетишини олдини олиш, аҳолини доимий иш билан таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирларни олиб боришдан иборатдир. Асосий вазифа – меҳнат бозорининг келгусидаги

шаклланишини аниқлаш, иш ўринларини, айниқса ёшлар учун, яратиш бўйича мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш, аҳолининг мухтож қатламларини манзилли қўллаб-қувватлаш, ишсизларни ижтимоий химоя қилиш ва х.к.

Маълумотларнинг тахлили вилоят аҳолисини, айниқса ёшларни иш билан таъминлашда юзага келадиган муаммоларга вилоятнинг асосан қишлоқ хўжалигига ихтисослашганлиги, ҳамда ишлаб чиқариш сусти даражада ривожланганлиги каби ҳолатлар омил бўлиб ҳисобланишини кўрсатмоқда.

Аҳолининг бандлигини таъминлаш, уларни ишга жойлаштириш ва яшаш шароитларини яхшилаш ҳамда, Республика ташқарисига норасмий тарзда чиқиб кетишини олдини олиш мақсадида меҳнат ва аҳолини ижтимоий химоя қилиш бошқармаси томонидан 2006-2007 йилларда вилоятда янги иш ўринларини яратиш дастурлари ишлаб чиқилган.

Вилоятда касаначиликни ривожлантириш бўйича маълум бир ижобий силжишларга эришилган. Жумладан, 2008 йилда вилоятда 3442 нафар киши касаначилик асосида меҳнатга жалб қилинган.

Миграция тизимидаги муаммоларни ҳал этиш, вилоят аҳолиси бандлигини янада ошириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича қуйидагиларни амалга ошириш таклиф қилинади:

1) Вилоят асосан қишлоқ хўжалигига ихтисослашган бўлиб, меҳнатга лаёқатли, лекин ишсиз фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг асосий қисми қишлоқ жойларда истиқомат қилади. қайд этилгандан келиб чиққан ҳолда, уларни доимий иш билан таъминлаш мақсадида, мамлакатимиздаги йирик тадбиркорларни ёки хорижий сармояларни жалб этиб, қўшма ёки кичик корхоналар ташкил этиш орқали қўшимча ишчи ўринларини яратиш.

2) Вилоят ҳудудидаги қишлоқ хўжалигига ва саноат ишлаб чиқаришига мўлжалланган мавжуд корхона ва ташкилотларнинг фаолият юритишини сақлаб қолган ҳолда, уларда меҳнат қилаётган фуқароларимизни ишлаши учун ҳар томонлама, шунингдек, ойлик маошларини ўз вақтида тўланиши учун шароит яратиш. Бунинг учун эса вилоятдаги ушбу объектларнинг ноқонуний равишда хусусийлаштирилиб, мол-мулкларини четга сотиб юборилишини олдини олиш ҳамда вилоятдаги улгуржи ва чакана савдо-сотиқ тизимини мунтазам равишда тартибга солиб, ички имкониятлар орқали, пул эмиссия даражасини камайтириб бориш лозим.

3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3706-сонли Фармони асосида, айниқса қишлоқ жойларида, касаначилик (уй) меҳнатини ривожлантириш, шу орқали янги иш ўринлари ташкил этиш ҳисобига аёллар бандлигини ҳам таъминлаш лозим. Бунинг учун тижорат банклари ва иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан бериладиган имтиёзли кредитлардан самарали фойдаланиш керак.

4) Аҳолини иш билан таъминлаш ва даромадларини оширишнинг муҳим йўналиши сифатида шахсий ёрдамчи хўжаликларда, деҳқон ва фермер хўжаликларида қорамоллар боқиш ва уларнинг бош сонини кўпайтириш учун

зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича ҳукумат томонидан кўрилатган чоратadbирларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Қолаверса, бандликнинг ушбу омили энг кам сармоя талаб қилади. Уларни иқтисодий жараёнларга тўлақонли жалб этиш учун бундай субъектлар фаолият кўрсатишини кенгайтириш зарур.

5) Ноконуний миграцияни олдини олиш учун маҳалла кенгашлари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Истиқболли авлод” нодавлат ташкилоти, хотин-қизлар кўмиталари, оммавий ахборот воситаларининг имкониятларини жалб этиш. Улар орқали жойларда кенг қамровли огохлантириш-тушунтириш таadbирларини олиб бориш. Шунингдек, ушбу таadbирларга маҳаллий аҳоли орасида алоҳида обрў-эътиборга, ижобий таъсир кўрсатишга эга бўлган фуқароларни ҳам жалб этишга қаратиш.

6) Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикасига фуқароларнинг норасмий равишда ишлаш мақсадида чиқиб кетаётганлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон фуқароларини давлат ҳимоясида ишлашларини таъминлаш учун ҳукуматлараро ишчи кучларини айирбошлаш бўйича шартнома имзолаш масаласини кўриб чиқиш.

7) Кичик бизнес билан шуғулланиш истагида бўлганлар асосий тўсиқ сифатида дастлабки сармоя топишни келтиришади. Шу сабабли, микромолиялаш ташкилотлари фаолиятини изчиллик билан ривожлантириш талаб этилади.

8) Қишлоқ хўжалигида ортиқча банд аҳолини иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига ўтказиш бўйича пухта ўйланган амалий дастур ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурдир.

2.3. Ўлканинг тарихи ва маданиятини ўрганиш

Ўлка тарихини умумий ўлкашуносликнинг тармоғи бўлган тарихий ўлкашунослик ўрганади. Тарихий ўлкашуносликни иккита муҳим хусусияти мавжуд: тарихий ва маданий ёдгорликларида моддийлашган тарихий ёдгорликларни маълум бир жойда жойлашуви ва уларни ўртача фаоллиги ҳисобланади. Демак, ўлка тарихи илмий тарихий билимларни ўрганиш соҳаси эмас, балки ўлкашуносларни ҳам ўрганиш объекти ҳисобланади. Чунки, ўлкашунослик таdqиқотларида ўқувчилар ҳам, талабалар ҳам, катта ёшдаги таdqитқотлар ҳам ўлка тарихини ва тарихий ёдгорликларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганишади. Тарихий ўлкашунослик мактабда, касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларни шахс сифатида шаклланишида муҳим рол ўйнайди. Тарихий ўлкашунослик таdqиқотларида ўқувчилар куйидаги фаолиятларни амалга оширишади.

Ўлкашуносларни билиш фаолияти давомида ўлка тўғрисидаги алоҳида тарихий воқеалар ва маълумотлар ҳақида билимларга эга бўлишади. Мазкур фаолият маънавий йўналишга эга ва турли хил мураккабликка эга бўлган даражалардан иборат. Масалан, ўлка ҳақида оддий билимлардан тортиб экспедициялардан олинган мураккаб билимларга эга бўладилар.

Ўзгартирувчи фаолияти давомида амалий-маънавий қадриятлар барпо қилинади (кўргазмалар, тарихий ўлкашунослик бурчаклари, мактаб музейлари, мемориал тахталарни ташкил қилиш).

Қадриятларга йўналтирилган фаолият ҳам асосан маънавий хусусиятга эга. Мазкур фаолият натижасида ҳар қандай шахс ўзи учун ва жамият учун у ёки бу тарихий маълумотларни, воқеаларни, кишиларни қаҳрамонлигини, аҳамиятини англайди. Қадриятларга йўналтирилган фаолият маънавий қадриятларни ишлаб чиқарувчи шаклида ва уларни истеъмолчиси сифатида ҳам намоён бўлади. Масалан, урф-одатларни авлоддан-авлодга ўтиши, бунда катта авлод маънавий қадриятларни ишлаб чиқади, ёш авлод эса уни истеъмол қилади. Мазкур фаолият ўлка тарихи ҳақида янги билимларни олиш жараёнида жуда катта аҳамиятга эга бўлади. Ўлка тарихи ҳақида топилган ҳар қандай янги маълумот ўлкага ҳақидаги янги билим ҳисобланади.

Юқорида келтирилган тарихий-ўлкашунослик фаолиятининг ҳамма турлари бир-бири билан чамбарчарс ўзаро боғланган ва яхлит фаолият тури сифатида намоён бўлади. Масалан, мактабда ёки жойда ўлкашунослик музейини ташкил қилиш давомида мемориал тахта ўрнатиш, ўзгартириш фаолиятига киради, уни ўрнатиш учун янги билимлар олиш, билиш фаолиятига киради, мазкур билимлар ичидан энг муҳимини танлаб олиш, қадрият фаолиятига, шахслар билан бўладиган мулоқотлар эса коммуникатив фаолиятга киради.

Ўлка тарихи ўлкашуносликнинг мураккаб фаолиятига киради. Бунда тарихий материалларнинг ҳажми катта, катта тарихий даврни ўз ичига олади. Тарихий ўлкашуносликнинг асосий объектлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- ўлканинг қадимги даврлардаги тарихий воқеалари;
- ўлкада ўрта асрларда содир бўлган тарихий воқеалари;
- ўлкани мустамлака йилларидаги тарихий воқеалари;
- ўлка археологик шароити;
- ўлкани этнографик шароитини ўрганиш.

Ўлкашуносликдаги археологик йўналиш жойдаги ёки ўлкадаги археологик ёдгорликлар ўрганилади. Археологик ёдгорликларни жойланиши, сақланиш шароити, тури аниқланади. Топилган моддий ашёлар асосида ўлкани қадимги тарихи тикланади. Этнографик ўлкашуносликни объекти бўлиб, ўлканинг маданий ва турмуший хусусиятлари ҳисобланади.

Тарихий ва маданий ёдгорликларни ўрганиш қуйидаги тартибда олиб борилади.

Ўлкадаги тарихий ва маданий ёдгорликлар ўлка тарихини ўрганишда муҳим моддий далиллар бўлиб хизмат қилади. Маданий ёдгорликлар - бу ижтимоий воқеалар қаторига киради ва ижтимоий ривожланиш жараёнини акс эттиради. Маданий ёдгорликларда тарихий воқеаларнинг излари сақланиб қолган бўлади, улар қадимги авлодлар ҳақида маълумотлар беради.

Маданий ва тарихий ёдгорликлар давлат томонидан қуриқланади ва муҳофаза қилинади ва улар қуйидаги турлардан иборат.

Тарихий ёдгорликларга иншоатлар, бинолар, тарихий жойлар ва предметлар киради. Улар ўлкадаги муҳим тарихий воқеалар билан боғланган бўлади.

Археология ёдгорликларига шаҳар ва шаҳарчалар, қадимги аҳолии манзилгоҳлари, қалъалар, ишлаб чиқариш, каналлар, йўллар қолдиқлари, қадимги қабрлар, тошдан ясалган буюмлар, қоядаги расмлар, қадимги предметлар, қадимги аҳоли яшаган жойларни тарихий ва маданий қатламлари киради.

Архитектура ва шаҳарсозлик ёдгорликлари архитектура ансамбллари ва комплекслари, тарихий марказлар, кварталлар, майдонлар, кўчалар, шаҳарларни қадимги қисмлари, фуқаро, саноат, ҳарбий, диний архитектура, халқ санъати қолдиқлари киради. Албатта улар билан боғлиқ бўлган манументал тасвирий, амалий-декоратив, табиий ландшафт асарлари ҳам киради.

Санъат ёдгорликларига манументал, тасвирий, амалий-декоратив ва бошқа санъат асарлари киради.

Хужжатли ёдгорликларга давлат хужжатлари, ёзма ва чизма хужжатлар, кино, фото хужжатлар, овоз ёзилган тасмалар, қадимги қўл ёзмалар, архивлар, мусиқа ва фольклор, нодир китоблар киради.

Келиб чиқишига кўра тарихий ёдгорликлар икки гуруҳга бўлинади: замонавий тарихий ёдгорликлар; тарихий воқеаларни абадийлаштириш мақсадида яратилган ёдгорликлар.

Замонавий ёдгорликларга қуйидагилар киради:

-ёзма ва нашрий хужжатлар - йилномалар, қонуний хужжатлар, ёрлиқлар, актлар, протоколлар, жиноий-қидирув материаллари, ҳисоботлар, билдиргилар, статистик маълумотлар, ёзишмалар, матбуот, варақалар, шахсий хужжатлар ва х.к.

- ҳақиқий фоторасмлар, хужжатли кинокадрлар, ёзиб олинган овозлар;

-моддий ёдгорликлар (предметлар-меҳнат қуроллари, ҳунармандчилик ва саноат буюмлари, турмуш буюмлари, қуроллар, кийимлар, тақинчоқлар, тангалар, муҳрлар, амалий санъат асарлари, тарихий воқеа иштирокчиларининг шахсий нарсалари (орденлар, медаллар, шахсий қуроли, байроқ ва х.к.)

-тарихий жойлар (халқ оммасининг чиқиши, намойишлар бўлган, уруш бўлган ва машҳур кишилар қўмилган жойлар);

-турли хил иншоатлар: гидротехник (тўғонлар, шлюзлар, каналлар); ҳарбий инженерлик (кремлар, қалъалар, хандаклар, ақоплар, деворлар, ертўлалар, мудофаа чизиғи, миноралар ва х.к.).

Тарихий ёдгорликларнинг иккинчи турига қуйидагилар киради - мемориал комплекслар, алоҳида ёдгорликлар, манументлар, бюстлар, мемориал тахталар, архитектура иншоатлари, никрополлар, шон-шухрат баландликлари.

Этнографик ёдгорликлар халқнинг этник ва маданий ҳаёти жараёнларини акс эттиради. Этнография бу тарих фанининг тармоғидир. Мазкур фан этнографик ёдгорликларни тадқиқ қилиш асосида қабилалар, халқлар ва миллатларнинг келиб чиқиши, тарқалиши, улар маданияти ва турмушини ўйга хос хусусиятларини, тарихий ва маданий-ҳаётий алоқаларини ўрганади.

Этнографик ёдгорликлар қуйидаги гуруҳлар бўлинади:

- манзилгоҳлар, уларни ташқи кўриниши, уйлари, турли хил иншоотлар, кундалик ҳаёт предметлари;
- меҳнат қуроллари ва маҳсулотлари;
- кийимлар ва тақинчоқлар;
- хунармандчилик ва халқ амалий санъати предметлари;
- диний маросимлар, урф-одатларда ишлатиладиган предметлар.

Ўлка тарихини ўрганиш тадқиқот мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб турлича бўлиши мумкин, ҳар бир тадқиқот тури маълум бир тартибда олиб борилади. Ўлкашунослик мақсадларида кўпинча маълум бир кўчани, мавзени ёки қишлоқни тарихи ўрганилади. Алоҳида кўча тарихини ўрганиш қуйидаги тартибда олиб борилади:

- кўчанинг ёки мавзенинг номи, келиб чиқиш тарихи;
- мазкур кўчада содир бўлган тарихий воқеалар;
- кўчанинг қурилиш тарихи ва ривожланиш истиқболи;
- кўчада, қишлоқда ёки мавзеда жойлашган саноат корхоналари ва турли хил ташкилотларни вужудга келиш ва ривожланиш тарихи;
- айрим бинолар ва иншоотлар тарихи;
- мазкур кўчада яшаган ёки яшаётган машҳур ва донгдор кишилар биографияси;
- кўчада жойлашган тарихий ва маданий ёдгорликлар.

Юқорида келтирилган тарихни ўрганиш тартиби бўйича Сирдарё вилояти тарихининг манбаларда акс этиши ва ҳудуддаги қадимги шаҳарсозликнинг археологик жиҳатдан ўрганилиши тарихи билан танишиб чиқамиз.

Сирдарё вилояти ҳудуди ўрта асрларда шимолий Уструшона таркибига кирган. Ҳудуднинг катта қисми чўл бўлса-да, у ерда работлар, карвонсаройлар, тоғ олди ҳудудларида эса ўрта асрларда бир қатор қалъа-қўрғонлар, шаҳарлар қад ростлаган. Илк ўрта асрлар Уструшонаси ҳақида ёзма манбаларда маълумотлар кам учрайди. Хитой солномаларидаги маълумотлар кўпинча географик жиҳатдан тавсиф бериш билан чегараланади. Марказий Осиёни VII аср бошларида кезиб юрган Сюань Цзаннинг ёзишича, Уструшона подшоҳлари туркларга қарам бўлганлар. Нумизматик ашёвий далилларда бу подшоҳларнинг номлари Чирдмиш, Сатачари, Раханч деб келтирилган.

Уструшонанинг ўрта асрлар тарихи ва тарихий географиясига оид маълумотлар араб тилидаги ёзма манбаларида мавжуддир. Уларда айтилишича, ўлка ҳудуди Хўжанддан Самарқандгача, Сирдарё дарёсидан ва Мирзачўлдан то Ҳисор тизма тоғларигача бўлган.

Истахрий (X аср) маълумотида кўра, Уструшона ҳудудида «кемалар сузиши мумкин бўлган дарё ҳам, кўл ҳам йўқ... Уструшона чегаралари: ғарбдан – Самарқанд чегаралари; шимолдан – Шош ва Фарғонанинг ғарбий қисми; жанубдан – Кешнинг шарқий қисми, Чағониён, Шуман, Вашжирд ва Рашт; шарқдан – Фарғонанинг ғарбий қисми» билан чегараланган. Ибн Ҳавқал (X аср) Уструшонада Арсианикет, Куркет, Газак, Вагкет, Сабат, Зомин, Дизак, Мужикат, Харакана ва Бунжикат шаҳарлари бўлганлигини келтиради. Ҳавқалнинг ёзишича, Уструшона аҳолиси асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланган. Хунармандчилик ҳам ривож

топган бўлиб, жумладан, Минк ва Марсмандада ишлаб чиқарилган темир буюмлари Хуросонда ҳам ишлатилган.

Истахрий ва ибн Ҳавқалларнинг маълумот беришларича, Уструшона пойтахти Бунжикат бир фарсах доирасида (6-8 км) бўлган. Уйлар ва бошқа иморатлар пахса ва ёғочдан қурилган. Шаҳар икки қатор девор билан ўралган. Шаҳарда саройлар, уй-жойлар, боғлар, узумзорлар, масжид ва қамокхона бўлган. Шаҳар деворида тўртта дарвоза бўлиб, Зомин, Марсманда, Нужакет ва Кахлобод йўналишида бўлган.

Иккинчи йирик шаҳар Зомин бўлиб, Фарғонадан Сўғдга олиб борадиган катта йўл бўйида жойлашган. Араб сайёҳи ибн Ҳавқал унинг номи Сарсанда бўлганини, у бориб кўрган пайтда, эски шаҳар харобага айланиганини, бозор ва масжид эса янги шаҳарга ўтказилганлигини ёзади. Ўрта аср манбаларида Зоминдан кейин Дизак тилга олинади. Ўрта асрларда Дизак Фекнан рустоқининг маркази бўлиб, аҳолиси кўп эди. Унинг работлари ва жундан тайёрланган кийимлари машҳур бўлган.

Ўрта аср Уструшонасидаги бошқарув тизим ҳақида араб муаррихи Хилол ас-Сабий халифа ал-Муътасим биллоҳ «Ҳайдар бин Қовусни ал-афшин лақаби билан нишонлади, чунки у уструшоналик бўлган, ал-афшин эса уларнинг тилида «подшоҳ» демакдир», деган маълумот келтиради.

Уструшонанинг Буюк Ипак йўлида муҳим ўрин тутганини ҳам манбалардаги маълумотлардан кўриш мумкин. Араб географлари томонидан Сирдарё вилоятидаги иккита манзилгоҳ тилга олинади. Булар Сабат ва Ховосдир. Сабат ўша номдаги рустоқнинг маркази бўлган. Ибн Ҳурдодбех маълумотига кўра, у Зоминдан икки фарсах нарироқда, Истахрий ёзишича эса – уч фарсах нарида жойлашган. Истахрий, Ҳавқал, Ёқут Сабатни Уструшона шаҳарларидан бири дейишса, Муқаддасий ва Қудамий уни катта қишлоқ бўлган деб ҳисоблашади. «Уструшонанинг бош шаҳри (Бунжикат) ва Сабат оралиғи...уч фарсах» булганини Истахрий келтиради. Араб манбаларида ёзилишича, Сабатдан катта ариқ оқиб ўтган, уни боғлар ўраб турган. Усти ёпиқ бозорлари бўлган.

Ўрта аср манбаларида тилга олинган яна бир манзилгоҳ Ховосдир. Ховос ҳам ўша номдаги рустоқнинг маркази бўлган бўлса-да, манбаларда фақат карвон йўллари чорраҳасидаги манзилгоҳ сифатида тилга олинади. Хусусан Ибн Ҳавқал Ховос йўли ҳақида: «Агарда ким Зоминдан Хўжандга Ховос йўлидан бормоқчи бўлса, унинг йўлида Қуркат учрайди», “Ховосдан аш-Шош дарёси қирғоғигача 9 фарсах, сўнгра кўприкдан Банокатга ўтилади”, деб тилга олган. Бу йўл Қудамия томонидан ҳам тавсифлаб, “Ховосдан Шош дарёсигача 5 фарсах, кейин кўприк бўлади. Бу тўхташ жойидан...Банокатгача 14 фарсах”, деб келтиради. Ховоснинг шаҳар бўлмаганлиги учун манбаларда кўп тилга олинмайди. XIII аср муаррихи Ёқут «Ховос – Уструшонадаги қишлоқ», дейди.

Шу тариқа ўрта аср ёзма манбаларида маълумотларнинг камлиги шуни кўрсатадики, муаллифлар Хитойнинг Фарғона орқали Ўрта Осиёдаги Самарқанд, Бухоро, Тошкент сингари йирик шаҳарлар билан боғлаб турувчи Буюк Ипак йўлидаги катта шаҳарларни батафсил тавсифлаб беришга катта

эътибор бериб, карвон йўлларида учраган бошқа шаҳар ва қишлоқлар ҳақида кам тўхталиб ўтганлар.

Археология мустақил фан бўлса-да, доимо тарих фани хизматида бўлади. Қадимги, антик ва ўрта асрлар тарихини мукаммал билиш учун археологик изланишлар натижалари билан танишиш керак бўлади. Қадимги ва ўрта асрлар тарихига оид маълумотларнинг анча қисми археолог олимларнинг мураккаб фаолиятининг натижасидир, десак муболаға бўлмайди.

1984 йилдан бошлаб вилоят ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институтининг Сирдарё отряди ишлаган. Унга археолог А.А.Грицина раҳбарлик қилган бўлиб, бир қатор йиллар мобайнида чўл ҳудудлари, тоғ олди водийларини ўрганди, Ховос, Сабат, Зоминда археологик қазилмалар олиб борди. 1992 йилда А.А.Грицинанинг «Сирдарё вилоятидаги археологик ёдгорликлар» номли монографияси чоп этилди.¹ Унда минтақанинг антик, ўрта асрлар даври тарихига оид манбалар, афсоналар, археологик изланишлар натижасида аниқланган ёдгорликлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Шунини таъкидлаш лозимки, Гулистон давлат университети Сирдарё вилоятидаги ягона олий ўқув юрти бўлиб, тарих йўналиши дастурига махсус курс сифатида воҳа тарихини чуқурроқ ўрганиш мақсадида Умумқасбий фанлар блокадаги Талаба танлови бўйича ўқитиладиган фанлар таркибига Ўлка моддий маданияти тарихи курси киритилган. Бу борада, фикримизча, айнан археолог олим А.А. Грицинанинг монографияси қўлланма бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам бу китобни ўзбек тилига таржима қилиш керак, деб ўйлаймиз. Китобда Шимолий Уструшонанинг тарихий-археологик очерки баён қилинган бўлиб, Сирдарё вилоятининг археологик харитаси, Шимолий Уструшона тарихининг манбаларда ёритилиши акс эттирилган.

«Сирдарё вилоятидаги археологик ёдгорликлар» монографиясида А.А.Грицина ёдгорликларни топографик жиҳатдан иккита – шимоли-шарқий (Сирдарёбўйи) ва жануби-ғарбий (чўл ва тоғ олди) зоналарига бўлиб ўрганadi. Биринчи зонада Мирзачўлдаги ёдгорликлар киритилган бўлиб, у иқтисодий жиҳатдан Тошкент минтақасига боғланган эди, маълум тарихий босқичларда эса Чоч таркибига кирган. Иккинчи зона – Уструшонага оид бўлиб, улар минтақадаги йирик сув манбаларига боғланган Шўрбулоқсой, Хўжамушкентсой, Мўғолсой, Тағобсой ва Сармичсой гуруҳларига бўлиб ўрганилган. Ҳар бир гуруҳда шаҳристон ёки йирик манзилгоҳ бўлиб, у маълум бир рустокнинг маркази бўлган ва унинг атрофида майда манзилгоҳлар жойлашган эди.

А.А.Грицина Сирдарё гуруҳига оид 11 та, Шўрбулоқсой гуруҳига оид 16 та, Хўжамушкентсой гуруҳига оид 48 та, Мўғолсой гуруҳига оид 9 та, Тағобсой гуруҳига оид 30 та, Сармичсой гуруҳига оид 8 та ёдгорликлар ва бир қатор қўрғонларни археологик ва топографик жиҳатдан қисқача тавсифлаб берган. Умуман олганда, А.А.Грицинанинг китобида келтирилган маълумотлар Сирдарё вилояти ҳудудидаги ёдгорликлар ҳақида маълумотларнинг дастлабки

¹ Грицина А.А. Археологические памятники Сырдарьинской области. – Т.:Фан, 1992. 68 б.

мажмуи деса бўлади. А.А.Грицина томонидан тилга олинган ёдгорликларни ўрганиш, археология ишини ўрганиб, бўлғуси археологик тадқиқот ишларида иштирок этишни, вилоят ҳудудида мавжуд ёдгорликларни асраб-авайлашни йўлга қўйишни ташкил этиш лозим, деб ўйлаймиз

Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олингач, бу ерлардаги бойлик манбаларига қизиқиш кучайиб кетди. Ерларни ўзлаштириш муаммоси ҳам биринчи даражада ҳал қилинадиган ишлардан бири эди. Айниқса, Мирзачўлга қизиқиш кучли бўлиб, рус тўқимачилик саноатини ривожлантириш учун бу ерларга пахта экиш, Мирзачўлни пахта хом ашёси манбаига айлантириш йўлида ҳаракат қилинди.

XIX асрнинг сўнгги йилларида ирригация ва мелиорация бўйича Россия мутахассислари Ўрта Осиёга, хусусан Мирзачўлга кела бошладилар. Уларнинг орасида буюк княз Н.К.Романов ва рус ирригатори Г.К.Ризекамплар ҳам бор эди.

1903 йили Ўрта Осиёда америкаликлар экспедицияси пайдо бўлиб, унинг таркибида археологлар бўлмаса ҳам, археологик деб аталган эди. Экспедиция бошлиғи Р.У.Помпелли тоғ муҳандиси эди. Экспедициянинг илмий раҳбари У.М.Дэвис эса табиий география ва геоморфология билимдони сифатида танилган эди. Унинг ёрдамчиси ролида кейинчалик америкалик «геосиёсатдонлар»нинг етакчиси бўлиб қолган Элсворт Хантингтон бўлган. Экспедиция амалда рекогносцировка олиб бориб, унинг мақсади Туркистонда суғориш ишларини кенгайтириш истиқболи нақадар реал эканлигини аниқлаш эди. Экспедиция Мирзачўлда олиб борилаётган ишлар билан танишиб, қадимги суғориш тизимлари изларини, жумладан, Эски Туя-тортар каналини ҳам ўрганиб чиқди, нивелировка ва топографик съёмкаларни бажарди. Зарафшон юқори оқимида Самарқанд ва Бухоро воҳаларининг асосий сув томири бўлган музликларнинг ҳолатини тадқиқ этди. Сўнгра Помир ва Тянь-Шанда бўлиб, у ерлардаги музликларни ўрганди ҳамда Амударё ва Сирдарёнинг потенциал сув ресурслари ҳақида маълумот тўплади.

Туркистонда суғориш истиқболларини тадқиқ этиш билан чегараланмасдан, экспедиция қатнашчилари психологик ҳужумни бошлаб юбордилар. Осиёни, айниқса Туркистоннинг қуриб кетиши назариясини илгари сурди. Икки йилдан сўнг Хантингтон Вашингтонда босилиб чиққан ишидаги «Иқлим ва тарих» бобида халқларнинг жадал ривожланиши ва «ўзига хос тарихий роли» атлантик мамлакатлар иқлими таъсири остида бўлаётганлиги тушунтирилиб, унинг фикрича, бу маданиятнинг ривожига ҳам таъсир этарди. У Осиё халқлари циклоник иқлим зонасида яшаётган англосакслар ёрдамсиз ўлиб қолади ва йўқ бўлиб кетади, деган ғояни илгари сурган эди. Чоризм маъмуриятининг юқори мансабдорларидан айримлари Хантингтон сўзларини жиддий қабул қилиб, Мирзачўлда қурилиши бошланган янги магистрал канални муваффақиятсизликларга учрайди, деб тахмин қила бошладилар. Бунинг натижасида Россиянинг ишбилармон ва ҳукумат доиралари Туркистонда ирригацияни ривожлантириш ишларига катта эҳтиёткорлик билан ёндоша бошладилар. Қурилиш учун кредитлар очиш қийинлашди, канал лойиҳалари тасдиқланмасдан ўзгараверарди, чунки Ўрта Осиёнинг қуриб

кетиши ҳақидаги «назария»лар таъсирига тушиб қолган амалиётчи-ирригаторлар ҳам ўз ишларига ишончсизлик билан қарай бошлаган эдилар.

Бу даврда атоқли рус олими А.И.Войеков ва унинг шогирди Л.С.Берглар Хантингтон ва уни қувватловчиларга кескин қарши чиқишди. Хантингтон ғояларининг Россияда қувватланиши натижасида Мирзачўлни ўзлаштириш ишлари тўхтатилиб қўйилганлигини инобатга олган ҳолда Л.С.Берг: «Мирзачўлда йил давомида 200-300 мм ёғингарчилик тушиб, бунинг ҳаммаси буғланиб, йўқ бўлади, агар нам кўп бўлган йилда кўпроқ ёғингарчилик бўлса, буғланиш ҳам кўпроқ; курғоқчилик йилларида эса аксинчаси бўлади. Бир сўз билан айтганда, прогрессив қуриб қолиш аниқланмади», деб тушунтиради.

А.И.Войеков Мирзачўлни суғориш тарафдори бўлиб, 1908 йилдаёқ Туркистоннинг пахтачилик истиқболлари ҳақида : «Ҳозирнинг ўзида Рус Туркистони катта миқдорда пахта етиштириб бермоқда, унинг сифати эса ўртача Америка навларидан ҳеч ҳам ёмон бўлмасдан, аксинча яхшироқдир» , деб ёзган эди. А.И.Войеков ҳақли эканлигини Туркистон пахтасини ўз қўлларига киритиш учун ҳаракат қилган америкалик ишбилармонларнинг ўзлари кўрсатди. 1910 йил ноябрида Петербургда америкалик миллионер Жон Гейс Гаммонд пайдо бўлди. Биринчи интервьюдаёқ Гаммонд: «Биз, амалиёт одамлари учун Россия ташаббускорлик ва Америка капиталини жойлаштириш учун кенг майдондир», деди. Уч ҳафтадан кейин эса журналистларга: «Туркистондан Россия шунча пахта олиши мумкинки, у нафақат Россия саноати эҳтиёжларини қондиришга, балки жуда бой ташқи савдо моддасини ҳам келтириб чиқаради», деб таъкидлайди.

1911 йил мартда муҳандис-ирригатор ва тупроқшунослардан таркиб топган Гаммонд экспедицияси Ўрта Осиёга йўл олди ва энг аввало Мирзачўлга ташриф буюриб, сўнгра Келиф Узбойи ҳудудига йўл олди.

1912 йил январига келиб, Мирзачўлга қизиқиш янада кучайди. Катта Ярославль мануфактураси директори А.И.Кузнецов йирик тўқимачилик фирмалари номидан ҳаракат қилгани ҳолда, москвалик саноатчилар ўртасида Мирзачўлда 250 минг десятина майдонни суғориш учун концепсия бериш тўғрисидаги масалани кўтариб чиқди. 1912 йил март ойида Туркистонга ер ажратиш ва ер ишлари бош бошқарувчиси А.И.Кривошеин жўнаб кетди. Сафар мақсадини у: «шахсан жойда Туркистон пахтачилигини кенгайтириш имконияти шароитларини кўриб чиқиш» деб тушунтирди.

Сафардан қайтиб, пахтачиликни кенгайтириш ҳақида: « бу ўлка учун чинакам марказий масала бўлиб, унда битта эмас, балки учта асосий томон бор. Агар бир томонда «пахта» деб ёзилган бўлса, иккинчи томонда – «суғориш» деб ёзиб қўйилган, учинчи томонда эса... энг муҳим бўлиб қолиши мумкин бўлган «русларни жойлаштириш» деб ёзилган», деган эди.

Чоризм маъмурлари Мирзачўлни ўзлаштиришга, пахта етиштириш майдонига айлантиришга катта эътибор бера бошлади. Шу билан бир вақтда бу ерларни руслаштиришга ҳам киришди. Маҳаллий аҳоли учун Мирзачўлга йўл ёпиқ эди, деҳқонлар у ерга фақат батрак сифатида ўта олар эди. Илгари Бекободдан Боёвутгача бўлган ҳудудда бир қанча ўз ерларини катта бўлмаган ариқлар ёрдамида суғораётган қишлоқ жамоалари бўлган бўлса, буюк княз

томонидан канал ўтказиш бўйича ишлар олиб борилган пайтда, бу ариқлар йўқ қилинди ва ерлар янги канал сувлари билан суғорила бошланди.

Суғориш ишлари туфайли кўчманчиларнинг ерларда ўтроқлашув жараёни тўхтатилди. Доимий равишда Мирзачўлда истиқомат қилиб келаётган кўчманчилар 9 овулни (216 хўжалик, аҳолининг умумий сони 2207 киши) ташкил этарди. Бу эса ушбу улкан ҳудуд бутун аҳолисининг катта қисмини ташкил этарди. XIX аср охирида кўчманчилар аста-секин ўтроқчиликка ўта бошлаган, бироқ 1903 йилда агроном Понятовский ва Хўжанд уезди давлат мол-мулклари бошлиғи Вальневлардан иборат комиссия суғорилаётган ҳудуднинг иқтисодий истиқболларини ўрганиб чиқиб, кўчманчиларни ҳисоб-китобдан умуман чиқариб ташлашди ва «Мирзачўлни аҳоли билан таъминлашда бу кўчманчилар ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, қисқа вақтга келиб кетадиган ҳамда ҳеч қандай иқтисодий ва бошқа алоқада бўлмайдиган элемент сифатида чўлда аҳолини жойлаштиришда ҳисоб-китобга киритилмайди. Шунинг учун комиссия ўз ишини мураккаблаштирмаслик учун бу элементни умуман ҳисобга олмади ва улар ҳақида ҳеч қандай маълумотлар тўпламади», деб тушунтирдилар.

Чоризм маъмурияти Мирзачўлда бепоён ерларни ўзлаштирилишини қўллаб-қувватлаши керак эди, лекин ўлка ер ишлари бошқармасида катта рол ўйнаган ўша Понятовский суғорилган ерлар фақатгина кўчиб келувчи русларга мулк сифатида берилиши керак, маҳаллий деҳқонлар эса ижарачи-чорикор ёки батрак ролини ўйнаши керак, деган нуқтаи назарни қаттиқ туриб ҳимоя қилди. У: «янги суғорилган ерларда рус посёлкалари билан бир қаторда ҳеч бўлмаса икки баробар кўп одамлардан иборат ва кўпсонли туземец-ижарачиларнинг посёлкаларини бунёд этиш керак», деб ёзган эди. 1907 йилда Мирзачўлдаги ишларни тафтишдан ўтказган Гидрогеология қўмитасининг комиссияси таркибида Туркистоннинг ўлка ер ишлари бошқармаси бошлиғи С.Раунер каби билимдонлар: «Комиссия экинларни суғоришда фойдаланиш мақсадида маҳаллий ери йўқ аҳолига бериш учун суғорилган ерлар захирасига эга бўлиши кераклигига эътиборни қаратади. Қўшни Фарғона вилоятида сўнгги вақтларда ер тақчилиги билиниб турмоқда, шунинг учун ҳам ушбу вилоят аҳолисининг бир қисми Мирзачўлдаги суғорилган ерлардан фойдаланиши мумкин», деган расмий хулоса чиқарди.

Кўчириш сиёсатини ишлаб чиққанда чор Россияси ҳокимият доиралари Гидрогеология қўмитаси таклифини инобатга олмадилар. Ер ажратиш ва ер ишлари Бош бошқарувчиси А.В.Кривошеин каби мансабдорларнинг: «Туркистонда рус элатининг сиёсий жиҳатдан ҳам кўпайиши унинг хўжалик кучи билан ҳам мустаҳкамланиши керак. кўчиб келган русларнинг қўлларига низосиз ер бойликларини, яъни Туркистондаги суғорилган ерларни бериш керак» каби фикрлари эса катта эътибор билан эшитиларди.

Кривошеиннинг ушбу таклифи Мирзачўлдаги канал сувлари билан суғорилаётган давлат ерларини ажратиш ҳақидаги давлат қонунига муқаддима бўлди. 1914 йил 21 июнда чиқарилган ушбу қонун давлат ерларида истиқомат қилиш учун фақат христиан эътиқодида бўлганлар қўйилади, деб тасдиқлаб нуқта қўйди. Суғорма деҳқончилик қилишда мингйиллик тажрибага эга бўлган

маҳаллий деҳқонлар эса Мирзачўлда ижарачилар сифатида ҳам яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилинди.

1911 йилда Мирзачўлда 11931 десятина суғориладиган ерлар бўлиб, уларнинг қарийб бешдан бир қисми (19%) буюк княз мулки бўлган. 1962 десятинали (16%) – давлат ерлари бўлиб, улар ҳам ижарага берилган эди. Мирзачўлга келган ишбилармон ва келгинди авантюристлар катта фойда кўрар эдилар. Мирзачўлдаги давлат ерларининг энг йирик ижарачиларидан бири бўлган италян фуқароси Фара 430 десятина ерни ижарага олган эди. Чорикорларга ерлардан ташқари, омов ва хўкизларни ҳам ижарага бериб, кейинчалик унинг тўрига тушиб қолган камбағалларнинг деярли ҳамма нарсасини тортиб оларди.

Вилоятимизда ерни комплекс ўзлаштириш илк бор XX асрнинг 50-чи йилларда амалга оширилган. Асрлар давомида кимсасиз, тўқай ва бутазорлардан иборат Мирзачўл ҳудудида ўзлаштириш ишлари натижасида обод шаҳар ва қишлоқлар, суғориш иншоотлари, ишлаб чиқариш корхоналари ва ҳоказорлар бунёд этилди.

Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг Сирдарё вилоятида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда муҳим ўзгаришлар рўй берди. Вилоят иқтисодининг асосий қисмини аграр сектор ташкил этади. Қишлоқ хўжалиги – пахтачилик, ғаллачилик, пиллачилик, мевачилик, сабзавот-полизчилик ва чорвачиликка ихтисослашган.

Вилоят ҳудудидан “Тошкент-Термиз” Катта Ўзбек Тракти ўтган. Мустақиллик йилларида вилоятда қурилиш, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш борасида муҳим ишлар амалга оширилди. Мустақиллик бош майдонининг реконструкцияси, Хотира майдони, Марказий ва тижорат банклари бинолари, Биржа ва Бизнес марказлари, “Маънавият ва маърифат” маркази, “Кемпинг” типдаги мажмуа, замонавий вокзал, кўп қаватли турар-жой бинолари, “Алпомиш” спорт саройи, бокс саройи, марказий ўйингоҳ, сузиш ҳавзаси ва бошқа спорт комплекслари бунёд этилди. Албатта бундай бунёдкорлик ишларининг амалга ошиши, иқтисодий фаолиятнинг ривожланиши ҳудуднинг транзит хусусиятга эга эканлигидан далолат беради. Маълумки, Сирдарё вилояти қадимдан муҳим географик ҳудуд бўлиб, бу ердан Сўғд, Чоч, Фарғонани боғловчи йўллар кесишмаси ўтган. Вилоят ҳудудидаги энг қадимги аҳоли манзилгоҳлари суғориш учун қулай бўлган дарё ва сой бўйларида пайдо бўлган. Дастлабки аҳоли вилоят ҳудудидаги Хўжамушкентсой, Шўрбулоқсой, Мўғолсой, Тоғобсой, Сармишсой, Сирдарё бўйларида истиқомат қилган. Шўрбулоқсой бўйида жойлашган ёдгорликлар ичида энг қадимгилари Эски Ховос ва Нуртепа ёдгорликлари ҳисобланади. Сирдарё вилояти ҳудудида араб географлари томонидан эслатиб ўтилган иккита манзилгоҳ бор. Бу Сабат ва Ховосдир. Ховос шу номдаги рустакнинг маркази бўлган. Араб географлари эса уни фақат йўллари чоррахасидаги манзилгоҳ сифатида тилга олишади.

Вилоят тарихи ҳақида гувоҳлик берувчи ёдгорликлардан бири Сардоба тумани ҳудудида жойлашган Сардоба ёдгорлигидир. Сардоба форсча (сард – совуқ, зах, ҳамда об-сув) “муздек сув” деган маънони англатади. Сардоба

карвон йўлларида қурилган ва улар карвондагиларнинг сувга бўлган эҳтиёжини қондирган. Ўтган аср тарихчиларнинг ёзишича, ёғочли сардобаси яқинида карвонсарой ҳамда боғ-роғлар бўлган. Сардоба гумбазсимон кўринишига эга. У ниҳоятда сифатли ғиштдан қурилган. Ғиштлар квадрат шаклида бўлиб, уларнинг ҳажмлари 25х25х5 сантиметрдир. Гумбазнинг ички диаметри 15 м, баландлиги 2 метрни ташкил этади. Ички қисмида 2 метр баландликда ёпик, уясимон туйнуклар жойлашган. Ўтган асрда сардоба ичида европаликлар томонидан қудуқ қазилган. Ушбу қудуқнинг деворлари ёғоч билан ўралган. Сардоба деворининг қалинлиги пастки қисмида 1,5 метрни ташкил этса, юқорига кўтарилган сари юпкалашиб боради. Энг юқори қисмида унинг қалинлиги бир ғишт кўринишида бўлади. Сувнинг айниб қолмаслиги учун сардобада учта махсус вентилиацион туйнуклар ўрнатилган. Гумбазнинг юқори қисми ҳам шу мақсадда очиқ қолдирилган. Шу сабабли ҳам сардоба суви муздек, тоза ва тиниқ бўлган. Транзит хусусиятга эга бўлган бу ҳудуд, Буюк ипак йўлининг иқтисодий фаолиятида катта географик аҳамиятга эга бўлиб келган.

Сирдарё вилояти Мирзачўл марказида жойлашган бўлиб, у 1963 йилда ташкил этилган. Вилоят маркази Гулистон шаҳри. Сирдарё вилояти шимолда Қозоғистон, жанубда Тожикистон Республикалари билан чегарадош. Сирдарё вилоятининг ер майдони 4,3 минг квадрат километр бўлиб, 736 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади.

Сирдарё тарихи - халқимиз тарихининг узвий бир қисми сифатида шонли ва қадимийдир. Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»да Сирдарё «Дану» деб, қадимги юнон тарихчилари асарларида эса Яхартес-Яксарт деб аталган. Юртимизга араблар кириб келгандан сўнг бу дарё солномаларда «Сайхун» деб юритила бошланди. Ўзининг эгаллаган ўрнига кўра вилоятимиз Сўғдни Чоч, Фарғона орқали Хитой билан боғлайдиган муҳим жойда жойлашганлиги сабабли ҳам бу ерда қадимдан аҳоли яшаб келган. Бу йўлларда жойлашган аҳоли манзилгоҳлари савдо-сотик ва ўтиб кетаётган карвонларни таъмирлаш каби ишлар шарофатидан гуллаб-яшнаган эди. Вилоят ҳудудида 2,5-3 минг йиллик тарихга эга бўлган Эски Ховос, Сағанактепа, Хонттепа, Савот сингари аҳоли манзилгоҳлари бўлган. Сирдарё вилояти ҳудуди илк бор алоҳида ўлка - Уструшона сифатида Хитой йилномаларида илк ўрта асрларда тилга олинади. Қадимда вилоят аҳолиси Хўжамушкентсой, Шўрбулоқсой, Мўғулсой, Тағобсой, Сармичсой сингари сой ва чашмалар бўйларида ҳаёт кечиришган. Сув балансининг бузилиши манзилгоҳларнинг йўқ бўлиб кетишига ва аҳолининг бошқа жойга кўчиб кетишига сабаб бўлган.

Қадим манбаларда келтирилган «олчоқ чўл», «аждаҳо чўл», «мирзачўл» каби тавсифлар бу ўлгага назар солганларда кўрқув уйғотган. Чўлнинг узок ўтмиши афсоналарга, айтимларга бой. Қолаверса, Мирзачўлнинг Буюк ипак йўлининг қоқ марказида жойлашганлиги билан боғлиқ ривоятлар ҳам кам эмас. Айтишларича, бир замонлар Чиноздан Жиззахгача бўлган ораликда аҳоли зич яшаган.

Шуни таъкидлаш жоизки, дунё тарихида илк бор ерни комплекс ўзлаштириш айни бизнинг вилоятимизда амалга оширилган.

Мустақиллик йилларида республикамызда эришилган ютуқларга бизнинг Сирдарё вилоятимиз ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Республикамыз истиқлолга эришганидан сўнг Сирдарё вилоятида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ҳам муҳим ўзгаришлар рўй берди.

Вилоят саноат соҳасининг асосий турларини мамлакат электр энергиясининг тўртдан бир қисмини ишлаб чиқарадиган Сирдарё ГРЭСи фаолият кўрсатмоқда. Ундан ташқари пахта тозалаш заводлари, “Тулистонэкстрактёғ” ҳиссадорлик жамияти, “Ховосдон” ва “Оқолтиндон” комбинатлари, “Сарбонтекс” қўшма корхонаси, “Бобур” паррандачилик қўшма корхонаси ва бошқа корхоналар нафақат вилоятимиз, балки республикамыз ички ва ташқи бозорини халқ истеъмоли моллари билан тўлдиришга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

Агар 2005 йилнинг 1-ярим йилига нисбатан ялпи ички маҳсулот ҳажми 110,8 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 45,6 фоизга, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми 35,1 фоизга, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2,7 фоизга, капитал қўйилмалар ҳажми 39,1 фоизга, пудрат ишлари ҳажми 27,2 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми 8,1 фоизга, пуллик хизмат 24,1 фоизга, шу жумладан, маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 33,7 фоизга кўпайган бўлса, 2010 йилнинг биринчи ярим йиллик якуни бўйича вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланишида маълум бир ижобий натижаларга эришилди. Хусусан, вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот 11,2 фоизга ўсди.

Саноат корхоналарини ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, модернизация ва реконструкция қилиниши натижасида саноат маҳсулотлари ҳажмининг 10 фоизга, жумладан халқ истеъмоли товарлари ҳажмининг 2,2 фоизга ўсишига эришилди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширалаётган ислохотлар йилдан йилга ўз самарасини бермоқда.

Жумладан, жорий йилнинг 6 ойи мобайнида 237,4 млрд. сўмлик ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 113,0 фоизни ташкил этди ёки белгиланган прогнозга нисбатан 8,2 фоизга кўп бўлди. (прогноз 104,8%)

Жорий йилнинг 6 ойи мобайнида 148,0 млрд. сўм **капитал қўйилмалар** ўзлаштирилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 138,0 фоизни ташкил этди. Қурилиш ишлари ҳажми 53,6 млрд. сўмни ёки 128,6 фоизни ташкил этди.

Вилоят аҳолисини, айниқса, қишлоқ аҳоли турмуш даражасини ошириш мақсадида бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, жорий йилда дастур асосида 19 та аҳоли пунктларига (33,5 минг киши) ичимлик суви таъминоти яхшилаш белгиланиб, амалда 6 ой давомида 14 та аҳоли пунктларида (12,6 минг киши) ичимлик суви таъминоти яхшиланди.

Вилоят бўйича 168,8 млрд. сўмлик **чакана товар айланмаси** амалга оширилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 115,0 фоизни ташкил этди. Бу ўз навбатида аҳоли турмуш даражасини ўсишидан далолат бермоқда. Аҳолига 45,7 млрд. сўмлик пуллик хизматлар кўрсатилиб ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 115,2 фоизни ташкил этди.

Вилоятда жами 173,7 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 114,6 фоизни ташкил этди.

Жорий йилнинг 6 ойи давомида жами 59,2 млн. АҚШ доллари миқдорида экспорт амалга оширилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 193,4 фоизни, шу жумладан ҳудудий экспорт ҳажми 2,0 баробарга ўсди. Вилоятдаги рўйхатга олинган 15345 та корхонадан 14857 таси кичик корхона ва микрофирмалардир. Хорижий инвестиция иштирокида 48 та қўшма корхона ташкил этилган. Уларнинг вилоят ялпи ишлаб чиқаришидаги салмоғи йилдан йилга ортиб бормоқда.

Вилоят иқтисодиётининг асосий қисмини аграр сектор ташкил этади. Сирдарё вилояти қишлоқ хўжалиги пахтачилик, ғаллачилик, пиллачилик, мевачилик, сабзавот-полизчилик, паррандачилик ва чорвачиликка ихтисослашган.

Мустақиллик даврида асосий эътибор фермер хўжаликларини ташкил этишга қаратилганлиги муносабати билан вилоятдаги мавжуд 100 дан ортиқ хўжалик тўлиқ фермер хўжаликларга айлантирилиб, бугунги кунда 8365 та фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида ислохотларнинг янада чуқурлаштирилиши натижасида пилла, ғалла, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсишига эришилмоқда. 2010 йилнинг 6 ойи мобайнида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан сабзавот 32926 тонна (121,3%), картошка 14177 тонна (109,6%), полиз 12700 тонна (112,8%), мева 2800 тонна (144,4%), гўшт 20908 тонна (107,0%), сут 91841 тонна (106,8%), тухум 25083 минг дона етиштирилиб (109,9%), аҳолига ва қайта ишлаш корхоналарига етказиб берилди. Бу давр ичида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтириш борасида вилоятда 1408 та касаначилик асосида иш ўринлари яратилди. Бу белгиланган прогнозга нисбатан 14,8 фоизга кўп бўлиб улар томонидан 111,6 млн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шунингдек, шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтириш бўйича 2010 йил биринчи ярмида йирик шоҳли қора-моллар учун 74 та кам таъминланган оилаларга 115,9 млн сўмлик имтиёзли кредитлар берилди. Шунингдек кам таъминланган кўп болали оилаларга 264 бош бепул қора-мол берилиб, уларнинг қўшимча даромад олишига ва турмуш даражасини яхшиланишига шароит яратилди.

Мустақиллик йилларида вилоятда қурилиш, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш борасида муҳим ишлар амалга оширилди. Вилоят ҳудудидан ўтган «Тошкент-Термиз» Катта Ўзбек Тракти жаҳон андозалари талабларига мос равишда қайта таъмирланди. Мустақиллик бош майдонининг реконструкцияси, Хотира майдони, Марказий ва тижорат банк биноси, Биржа ва Бизнес маркази, Шарқ меъморчилик андозаларига мос равишда қурилган «Маънавият ва маърифат» маркази, академик лицейлар, «Кемпинг» типидagi мажмуалар, супермаркетлар, кўп қаватли турар-жой бинолари, «Соғломлаштириш маркази», «Алпомиш» спорт саройи, Бокс саройи, Сузиш ҳавзаси, «Делфин» синхрон сузиш ҳавзаси ва бир қанча спорт комплекслари, касб-хунар коллежлари истироҳат боғлари, мустақиллик муносабати билан

кўплаб маҳалла гузарлари ҳамда барча шаҳар ва туман марказларидаги деҳқон бозорларининг қайтадан қурилиши шаҳар ва туман марказларининг кўркем бўлишига замин яратди.

2006 йилда Гулистон шаҳрида янги замонавий темир йўл вокзали ишга туширилди. 2009 йилда Гулистон шаҳрида мактаб ўқувчиларининг “Умид ниҳоллари” спорт мусобақаларининг ўтказилиши муносабати билан вилоятдаги барча катта йўллар, спорт майдончалари ва ўйингоҳлар таъмирланди, катта ободончилик ишлари бажарилди. “Алпомиш” спорт комплекси тўлиқ таъмирланди, 4-ТИП спорт иншооти қуриб фойдаланишга топширилди. Марказий ўйингоҳ замон талаби асосида кенгайтирилди.

Ҳозирги кунда Сирдарё вилоятида 305 та мактаб, 4 та академик лицей, 34 та касб-хунар коллежлари ва Гулистон давлат университети фаолият кўрсатмоқда, уларда 173996 нафар ўқувчи ва талабалар таҳсил олмоқда, беш мингдан ортиқ ўқитувчилар меҳнат қилишмоқда.

Қишлоқ жойларни ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш дастури бўйича 283 та аҳоли пунктлари ичимлик суви билан 90,8 % га, табиий газ билан 84,1 % га таъминланди.

Вилоятда ташқи иқтисодий фаолият йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилишга катта эътибор қаратилди. Экспорт маҳсулотларининг асосий қисмини пахта толаси ташкил этади. Бугунги кунга келиб вилоятда 48 та чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар рўйхатдан ўтган бўлиб, улардан 28 таси фаолият кўрсатмоқда. Вилоят жами саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг салмоғи 8,2 фоизга, маҳсулот экспортида 5,8 фоиз ва маҳсулот импортида 38, 6 фоизга тўғри келмоқда.

Ижтимоий соҳада асосий эътибор аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиб, уларга бюджетдан ажратилган маблағ йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

Вилоятда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурининг ижроси бўйича катта ишлар амалга оширилди. Мустақиллик даврида 145 та қишлоқ врачлик пунктлари ишга туширилди. Улар Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банки кредити ҳисобига қарийб 4,5 млн. АҚШ долларига тенг бўлган қийматдаги энг замонавий тиббий жиҳозлар билан тўлиқ жиҳозланди. Вилоят шифохонасининг негизида 200 ўринли аҳолига шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш маркази ташкил этилди. Гулистон шаҳрида 100 ўринли ташхис бўлими, шунингдек, 250 ўринли поликлиникага эга бўлган «Соғломлаштириш маркази» фойдаланишга топширилиб, Финляндиянинг «Медико-Медикал» фирмасининг қарийб 3 млн. АҚШ долларига тенг бўлган замонавий тиббий жиҳозлари билан таъминланди. 120 ўринли вилоят болалар шифохонаси, “Она ва бола скрининг маркази” фойдаланишга топширилди.

Спорт соҳасида вилоят спортчилари катта ютуқларга эришмоқдалар. Бугунги кунда вилоятимизда спортчиларга ва аҳолига 11 та сузиш ҳавзаси, 12 та ўйингоҳлар, жами 1476 спорт иншоотлари ва майдонлари хизмат кўрсатмоқда. Мустақилликнинг ўтган 19 йили давомида вилоят спортчилари Олимпиада ўйинлари, жаҳон, қитъа, халқаро ва республика мусобақаларида

юқори савияда қатнашиб, муносиб ўринларни эгаллашган. Ҳар 4 йилда ўтказиладиган ёзги Олимпиада ўйинларида, шу жумладан 1996 йилда 2 нафар, 2000 йилда 2 нафар ва 2004 йилда Афина шаҳрида бўлиб ўтган мусобақаларда 4 нафар спортчимиз иштирок етди. 2009 йил август ойигача 42 нафари жаҳон чемпионатида, 6 нафари Осиё ўйинларида, 60 нафардан ортиғи, Осиё чемпионатида, 130 нафари халқаро турнирларда ҳамда 1300 нафардан ортиғи республика мусобақаларида ғолиб бўлишган ва совриндорлар сафидан жой олишган.

2010 йилда Андижон шаҳрида олий ўқув юртлари талабалари ўртасида бўлиб ўтган “Универсиада – 2010” спорт мусобақаларида Сирдарё вилояти жамоаси фахрий саккизинчи ўринни олди ва 1 та олтин, 4 та кумуш, 7 та бронза медалларини қўлга киритди.

Сирдарё вилоятида вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан рўйхатга олинган 31 та газета, 1 та журнал, 2 та телевидение фаолият кўрсатмоқда. Вилоятда Олим Хўжаев номли мусиқали драма театри, «Ўзбекнаво» гастрол концерт бирлашмаси, «Ўзбекракс» вилоят бўлимлари, «Сирдарё наволари» дастаси, вилоят халқ ижодиёти ва маънавият-тарғибот маркази, «Мирзачўлни ўзлаштириш тарихи» музейи, Бадий Академиянинг вилоят бўлими, 105 та клуб муассасалари, 14 та болалар мусиқа ва санъат мактаблари, маданият ва истироҳат боғлари халқимизга хизмат кўрсатмоқда.

Бугунги кунда вилоятда 2 та музей, 163 та кутубхона – АРМ, 1152 та спорт майдони, 16 та видеосалонлар, 18 та компьютер марказлари, 43 та маданият саройлари фаолият кўрсатмоқдалар.

Сирдарё вилояти Мустақиллик шарофати туфайли ижтимоий-иқтисодий ривожланиб, халқ фаровонлиги юксалиб, йилдан-йилга гуллаб-яшнаб бормоқда.

2.4. Табиатшуносликни ўрганишда архив ва оғзаки манбаларнинг аҳамияти

Давлат архивлари халқ мулкининг хужжатли меросини сақлайдиган ташкилот ҳисобланади. Турли аҳамиятга эга бўлган хужжатлар архив фондларида сақланади. Архивлар марказий, вилоят, шаҳар, туман бўлимларига бўлинади. Давлат марказий архивларида давлат аҳамиятига эга бўлган хужжатлар сақланади. Унда давлат қарорлари, қонунлари, фармонлари ва бошқа хужжатлар сақланади. Бундан ташқари ҳар бир вазирлик, қўмита, бошқарма, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ўзини архиви мавжуд. Масалан, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Геология қўмитаси ва х.к. Уларда мазкур тармоққа тегишли хужжатлар сақланади.

Ҳар корхона, муассаса, ташкилот ҳам ўз архивига эга. Унда корхона фаолиятига тегишли хужжатлар сақланади. Мазкур хужжатларга буйруқлар, шартномалар, ҳисоботлар, ёзишмалар ва бошқа хужжатлар киради. Илмий тадқиқот институтлари ва лойиҳа ташкилотларида лойиҳалар, ҳисоботлар ва бошқа хужжатларнинг асл нусхалари сақланади.

Ўлкашунослар ўлкада жойлашган ташкилотлар архивларидан фойдаланиб ўлка табиатини, хўжалигини, тарихи, маданияти ва санъатини ўзига хос хусусиятларини сақлашлари мумкин. Маъмурий бирликлар, яъни вилоят, туман, шаҳар, қишлоқ (фуқаролар йиғини) архивларидан ҳам фойдаланиши мумкин. Уларда аҳоли хўжалик ва бошқалар ҳақида маълумотлар сақланади.

Музейлар (давлат, жамоатчилик, ўлка, бадий, мемориал, тарих, санъат ва ҳ.к.), кутубхона, маҳаллий тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамиятлари ва шахсий архивлар ҳам мавжуд. Улар тарихий воқеа иштирокчиларининг эсдаликлари, йирик санъат намоёндалари билан учрашувлар баённомалари, хатлар, санъат асарлари коллекцияларининг ёзма каталоги, сотиб оладиган ва ўтказадиган комиссияларнинг актлари, қадимги харита ва планлар, расмлар, фотолар, ҳайкаллар бўлиши мумкин.

Қадимги манбаалар. Қадимги даврлар ҳақидаги маълумотларни қадимги кўлёзма манбааларидан олиш мумкин. Қадимги ёзма манбаларга китоблар, юридик актлар, буйруқ ва ёрлиқлар, йилномалар, диний китоблар, бадий ва илмий асарлар киради. Уларни кўпчилиги ҳозир ўзбек тилига таржима қилинган. Масалан, «Қуръони Карим», «Авесто», «Ҳадислар», «Ҳидоятнома», Ал-Фарғоний, Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, Махмуд Қошғарий ва бошқа алломаларнинг асарлари ҳозирги пайтда ўзбек тилига таржима қилиниб нашр қилинди.

Араб алифбосида ёзилган жуда кўп асарлар ҳам ҳозирги ўзбек кирилли ва латин алфавитлари асосида нашр қилинди ва қилинмоқда. Қадимги ёзма манбаалардан ўлка тарихи, табиати, хўжалиги, маданияти ҳақида муҳим маълумотларни олишимиз мумкин. Аммо ҳозиргача ҳам жуда кўп кўлёмалар хали тадқиқ қилинмаган, уларни ўрганиш ва кенг халқ оммасига етказиш ўлкашуносликнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Архив ва қадимги ёзма манбааларни ўлкашунослик мақсадларида ўрганиш қуйидаги тартибда олиб борилиши мумкин:

1. Ўлка ёки архивларда сақланаётган ҳужжатлар рўйхатини тузиш.
2. Топилган архив манбааларини тармоқлар бўйича гуруҳларга бўлиш: табиат, тарих, хўжалик, санъат, маданият.
3. Маълум мавзу бўйича архив манбааларини ўрганиш, масалан, ўлка тарихига бағишланган манбааларни.
4. Ўлкани ҳозирги архив манбаалари асосида ўрганиш.
5. Ўлка табиати, тарихи ва маданияти ҳамда хўжалиги ҳақидаги қадимги манбааларни ўрганиш. Бунда уларнинг қайсилари араб, рус ва ўзбек тилларида ёзилгани аниқланади ва шунга қараб ўрганилади.

Оғзаки манбааларни қуйидаги тартибда олиб борилади. Одамларни бир-бири билан алоқаси ва муносабати қадимдан тил орқали амалга оширилади. Маълумотларни тил орқали ўтиши халқ оғзаки ижоди орқали содир бўлади. Халқ оғзаки ижодига эртаклар, достонлар, қўшиқлар, мақоллар, латифалар ва маталлар киради.

Ҳозирги яшаётган қариялар халқ оғзаки манбаи сифатида қаралиши мумкин. Уларни тарихий вақеалар ҳақидаги эсдаликлари (урушлар, тарихий

мажлислари, йиғинларда қатнашиши ҳақида, буюк кишилар билан учрашуви ҳақидаги) муҳим оғзаки манбаа бўлиб ҳисобланади.

XX-асрнинг 80 йилларида содир бўлган Афғонистондаги воқеалар, ватанимизни мустақилликка эришган йилларидаги воқеалар, ўша йиллари содир бўлган минтақавий можаролар иштирокчиларининг эсдаликлари ҳам ўлка тарихи учун муҳим оғзаки манбаа бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун уларни эсдаликларини ёзиб олиш, уларни фонотекасини ташкил қилиш, яъни ўз ўлкасини овоз ёки матндаги йилномасини яратиш ўлкашуносларни келажак авлод олдидаги муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ҳар бир ўлкани ўзига хос эртаклари, дostonлари, қўшиқлари ва афсоналари мавжуд. Ҳозир ҳам улар оғиздан-оғизга ўтиб келмоқда. Уларни ёзиб олиш, тўплаш ва нашр қилиш ҳам ўлкашунослар олдида турган вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Оғзаки манбааларнинг муҳим бўғинларидан бири атоқли отлардир. Атоқли отлар билан жуда кенг тушунчалар, воқеалар ва предметлар аталади. Атоқли отлар илгаритдан ўзига катта эътиборни қаратиб келган. Ҳар бир давлатнинг, ўлканинг тарихи атоқли отларда ўз аксини топган. Номларнинг шаклланиши ва кейинчалик атоқли отларнинг тарихи жамиятнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти билан боғлиқ. Атоқли отларнинг функционал ва тил хусусиятларини ономастика фани ўрганади. Ўлкашунослар учун унинг иккита тармоғи муҳим аҳамиятга эга. Улар топонимика ва антропономика ҳисобланади.

Топонимика (грекча топос-жой, «анима»-от, ном) фаннинг предмети жой номларини келиб чиқиши, мазмуни ва ривожланиш қонуниятларини ўрганади. Антропономика эса кишиларни номларини (отларини) ўрганади.

Топонимика фани тарих ва география ўртасида оралик фан ҳисобланади. Академик С.Б.Веселовский бу ҳақда шундай деган «Тарихий давр нуқтаи назаридан топонимика географик терминларни келиб чиқишини, ҳозир мавжуд бўлмаган қадимги манзилгоҳлар жойини аниқлайди, бир терминни бошқаси билан алмаштириш ва ўзгартиришни ўрганади. Демак, тарихий топонимика географик топонимиканинг муҳим ажралмас қисми ҳисобланади.» Географик номлар келиб чиқишига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади: оронимлар, гидронимлар, антропонимлар, фитонимлар, зоонимлар ва ҳ.к.

Оронимлар тоғлар билан ёки рельеф билан боғлиқ бўлган жой номлари ҳисобланади. Белтоғ, Пском, Нурота ва ҳ.к.

Гидронимлар сув билан боғлиқ бўлган жой номларидир. Уларга Қорадарё, Сирдарё, Амударё ва бошқалар киради.

Ўсимликлар номи билан боғлиқ бўлган номларга Яккатут, Қорабоғ, Кўкёнгоқ ва бошқалар киради.

Ҳайвонлар номи билан боғланган географик жойларга Ғазалкент (Ғазалкийик), Қўнғирот, Олабуқа ва ҳ.к лар киради.

Ранглар билан аталган жойлар ҳам мавжуд. Масалан, Қизилқум, Қорақум, Қоратоғ ва ҳ.к.

Антропономика одамларнинг номларини ва авлодини келиб чиқишини аниқлаб беради. Масалан, ўзбекларда хўжа, хожи, саид, амир, хон, шох, қори

авлодларига хос исмлар мавжуд. Масалан, Қодирхўжа хўжа авлодига, Қодирхожи хажга борган кишига, Саидқодир саидлар авлодига, Шоқодир-шоҳлар авлодига, Мирқодир-амирлар авлодига тегишли эканлигини билдиради.

Топоном жойларнинг номи бўйича Сирдарё вилоятидаги айрим жой номлари билан танишиб чиқамиз. Сирдарё вилояти Мирзачўл минтақасида жойлашган бўлиб, маркази Гулистон шаҳри. Ундан олдин мавжуд бўлган шаҳар типдаги (қишлоқ Мирзачўл ўрнида юзага келди. «Гулистон» ўзбек тилида — гуллар ўлкаси, атиргул жойи деган маънони билдиради.¹ Бугунги кунда Бахт, Ширин, Янгиер, Сирдарё, Гулистон каби гўзал шаҳарларни ҳамда Боёвут, Гулистон, Сардоба, Мирзаобод, Оқолтин, Ховос, Сайхунобод, Сирдарё каби туманларни ўз ичига олган Сирдарё вилояти мустақил Ўзбекистоннинг энг нуфузли вилоятларидан бири десак, муболаға бўлмайди. Президентимиз И.А.Каримов сирдарёлик сайловчилар билан 1999 йил 10 декабрда бўлган учрашувда: «Нима эмиш, Сирдарёнинг тарихи 1963 йилдан бошланар эмиш. Гўёки бу ерда вилоят ташкил топгунга қадар ҳаёт бўлмагандек. «Хой, барака топгур, бунақа бемаъни гапни қаердан олдинг?», дейдиган одам йўқ. Сирдарё тарихи-халқимизнинг тарихини узвий бир қисми сифатида жуда узоқ ва қадимийдир», - деган ҳақ гапни айтдилар.

Сирдарё вилояти Сирдарёнинг ўрта оқими чап қирғоғини эгаллаган. Вилоят ҳудуди географик жаҳатдан жанубдан шимоли-ғарбга томон пасайиб борадиган текисликдир. Унинг катта қисмини Мирзачўл эгаллаб, шарқда Сирдарё дарёси билан чегараланади. Тоғ, тоғолди, пасттекислик ва чўл зоналарининг қўшилиб кетиши вилоят ҳудудининг ўзига хослигини ташкил этади. Айнан бу ҳолат бу ерда деҳқончилик, чорвачилик ва тоғ-кон хунармандчилигини ўз ичига олган иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланишини таъминлаган. Шунингдек, вилоятнинг эгаллаган қулай географик ўрни сабабли, бу ерда қадимдан савдо-сотик тараққий этган.

Мустамлака тузуми даврида ҳаётимизнинг кўпчилик соҳаларида бўлганидек, Сирдарё вилояти тарихини ёритишда ҳам маълум сиёсий мақсадларини кўзлаб, сохталаштиришлар амалга оширилди. “Мустабид тузум» мафкурачилари ўтмишимизни камситишга, миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимизни менсимасликка, донишманд аждодларимизнинг теран тафаккури, ҳаёт фалсафаси билан йўғрилган анъаналаримизни топташга, бир сўз билан айтганда, тарихимизни сохталаштиришга уринганлиги сизларга маълум”, деб таъкидлаган эди. Президентимиз И. Каримов. Ўша даврда Сирдарё тарихининг бошланиши пролетар дохийси номи билан, ҳаттоки вилоят тарихи 1963 йилдан бошланган, деган асоссиз фикрлар билдирилди. Ваҳоланки, юқорида таъкидлаганимиздек, Сирдарё тарихи халқимиз тарихининг узвий бир қисми сифатида шонли ва қадимийдир. Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»да Сирдарё «Дану» деб, қадимги юнон тарихчилари асарларида эса Яхартес-Яксарт деб аталган. Юртимизга араблар кириб келганидан сўнг бу дарё солномаларда «Сайхун» деб юритилади. Ўзининг эгаллаган ўрнига кўра вилоятимиз Сўғдни Чоч билан, Сўғдни Фарғона орқали Хитой билан

¹ Халимов Р. Топонимика. Самарқанд? 2001. 51- бет

боғлайдики, муҳим жойда жойлашганлиги сабабли ҳам бу ерда қадимдан аҳоли яшаб келган. Бу йўлларда жойлашган аҳоли манзилгоҳлари савдо-сотиқ ва ўтиб келаётган карвонларни таъминлаш каби ишлар шарофатидан гуллаб-яшнаган эди.

Қадимги Сирдарё тарихи ҳақида маълумот берувчи муҳим ёзма манба қадимги грек тарихчиси Аррианнинг «Искандарнинг ҳарбий юришлари» асаридир. Милодий II асрда яшаган Арриан ушбу асарида Македониялик Искандарнинг Ўрта Осиёга юришлари ҳақида батафсил маълумот беради. Шубҳасиз, муаллиф воқеаларни ёритишда ўша давр манбаларидан фойдаланган. Унда ёзилишича, милoddан аввалги 329 йили Сўғд пойтахти Мароқандни олган Искандар шимоли-шарққа Танаис (Яксарт-Сирдарё) томон юриш қилади. Мароқанднинг ён атрофидаги қишлоқ аҳолисининг қаттиқ жазолаганлигидан хабардор бўлган маҳаллий қабилалар бу юришга қаттиқ қаршилик кўрсатадилар. Жумладан, Аррианнинг ёзишича, Уструшонанинг тоғли аҳолиси юнон-македон кўшинининг озиқ-овқат йиғувчи отрядларини тор-мор этадилар. Мана шу ерда Уструшона қаердалиги тўғрисида аниқлик киритиб ўтсак.

Вилоятимиз илк бор алоҳида ўлка Уструшона сифатида Бейши, Суйши ва Таншу каби Хитой йилномаларида тилга олинган. Ундан олдинги манбаларда ўлкамиз Шарқий Цао деб юритилади. Отрядни тор-мор этгандан сўнг, бундан ғазабланган Искандарнинг катта қўшин билан келаётганини эшитган маҳаллий аҳоли барча томонлари тик қоя бўлган тоққа чиқиб, яширинганлар. Улар сони ўттиз минг киши атрофида бўлган. Искандар уларни катта қийинчилик билан енга олган. Шундан сўнг Александр Танаис томон йўл олган. У ерда Александрия-Эсхата шаҳрини барпо этади.

Александрия-Эсхатадан ташқари Арианда Сирдарёнинг чап қирғоғида жойлашган яна 7 та шаҳарнинг номи тилга олинади.

Юқоридаги фикрларимизда Уструшона Хитойнинг Таншу йилномасида ҳам зикр этилган, дсб айтган эдик. Айнан ўлкамизнинг тўлароқ номланиши Тан йилномасида берилган. Унда ўлкамиз Шуайдушана, Суйдушана номлари билан берилади. Тан императорлари саройида ўлкамиз, шунингдек, Лайвий-мағрурлигини сезган ҳолда бўйсунмоқ маъносини билдирувчи ном билан ҳам аталади.

Вилоятимиз қадимги аҳолисининг тили сўғд тилига яқин Сирдарё ва Амударё оралиғида яшаган аҳоли тилига яқин бўлган. Ўлкамизда зарб этилган 6-8 асрларга оид тангалар Уструшонанинг илк ҳукмдорлари Чирдмиш, Сатагари, Раханг ҳақида бизга маълумот беради. Ҳокимият отадан болага ўтган.

VIII аср бошида Уструшонага араблар бостириб киради, 893 йили афшинлар ағдарилиб ташланиб, Уструшона сомонийлар давлати таркибига кирган.

Ўрта асрдаги Уструшона ҳақида бирмунча тўлиқ маълумотлар араб ёзма манбаларида мавжуддир. Уларда айтилишича, ўлка худуди Хўжанддан Самарқандгача, Сирдарё дарёсидан ва Мирзачўлдан то Ҳисор тизма тоғларигача бўлган. Истахрийнинг малумотида кўра. Уструшонани кўпгина

қисмни тоғлар эгаллаган бўлиб, унда «кемалар сузиши мумкин бўлган дарё ҳам, кўл ҳам йўқ».

Н. Негматов фикрича, Уструшонанинг текис қисмида Бунжикат, Сабат, Зомин, Шавкат, Фагкат рустаклари, тоғли қисмида эса-Минк, Асбаникат, Бискар, Бангам, Вакр, Шагар, Масча, Бургар ва Буттам рустаклари жойлашган.

Уструшонанинг пойтахти Бунжикат шаҳри бўлган. Уйлар ва бошқа иморатлар лой ва ёғочдан қурилган. Шаҳарда саройлар, ҳовлилар, боғлар, узумзорлар, масжид ва қамоқхона бўлган. Бунжикат серсув бўлиб кўпгина тегирмонлари бўлган. Ташқаридаги деворда тўртта дарвоза бўлиб, улар Зомин, Марсманда, Нужакет ва Кахлобод йўналишида бўлган. Бунжикат Тожикистондаги Шахристон қишлоғи жойида жойлашган.

Иккинчи йирик шаҳар Зомин бўлган. У Фарғонадан Сўғдга олиб борадиган катта йўл бўйида жойлашган. Унинг бошқа номи Сарсанда (Сусанда) бўлган. Уни араб сайёҳи Ҳавкал бориб кўрганида, эски шаҳар харобаларига айланган, бозор ва масжид “янги” шаҳарга ўтказилган бўлган.

Зоминдан сўнг кўпинча Дизак (Жиззах) тилга олинади. Бу шаҳар текисликда, Сўғддан Шошга олиб борадиган қарвон йўлида жойлашган бўлиб, Фекнан рустикаи маркази бўлган. Дизак кўп сонли работлари ва узоқ элларга танилган жундан ишланган кийимлари билан машҳур бўлган.

Мамлакатни афшинлар деб номланган подшоҳлар бошқарган. Шу муносабат билан араб тарихчиси Хилол ас-Саби халифа ал-Муътазим биллоҳ «Ҳайдар бин Қовусни ал-Афшин лақаби билан нишонлади, чунки у уструшоналик бўлган, алқафшин эса уларнинг тилида «подшоҳ» демакдир деб ёзади.

Ривожланган ўрта асрлар Уструшонаси ҳақида бирмунча кўпроқ маълумотлар бор. Уструшона бошқа ўлкаларга қараганда араблар томонидан кечроқ босиб олинган, чунки Унинг аҳолиси қаттиқ қаршилик кўрсатган. 752 йил ўлка ҳокими хитойлилардан ёрдам сўраган, лекин рад жавобини олган. Фақат 893 йилдагина Афшинлар сулоласи ағдарилиб, Уструшона сомонийлар давлати таркибига кирган.

Сирдарё вилояти ҳудудида араб географлари томонидан эслатиб ўтилган иккита манзилгоҳ бор. Бу Сабат ва Ховосдир. Сабат ўша номдаги рустакнинг маркази бўлган. Географларнинг бир қисми Сабатни Уструшона шаҳарларидан бири дейишса, (Истахрий, Хавкал, Ёқут), айримлари (Муқаддасий, Қудамий) уни катта қишлоқ бўлган, деб ҳисоблашади.

Ўрта асрлардаги Ховос ўша номдаги рустакнинг маркази бўлган. Ёзма манбаларда у ҳақдаги маълумотлар деярли учрамайди. Араб географлари аса уни фақат қарвон йўллари чорраҳасидаги манзилгоҳ сифатида тилга олишади.

Ривожланган ўрта аср даврида Ховос шаҳар бўлмаган. Республикамиз мустақилликка эришганлиги шарофати туфайли тарихимизни кўпгина масалалари сингари юртимиз ҳудудида шаҳар ва давлатларнинг пайдо бўлиш масаласида ҳам ҳаққоний ва холис фикрлар билдириш имконига эга бўлдик. Юртимиз мустақиллигини кўролмаётган айрим сиёсий кучлар кимсалар Ўзбекистон ўзининг мустақиллик давлатчилиқ тарихига эга эмас, шу сабабли

улар ўзларини ўзлари мустақил бошқара олмайди, деган тухмат ва бўҳтонлар билдиришмоқда.

Шу сабабли ҳам бугунги кунда юртимиз ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиш масаласини ўрганиш тарихчиларимиз олдида тургаи муҳим вазифалардандир. 1998 йил ёзида Республикамиз Президентининг юртимизнинг бир гуруҳ тарихчи олимлари билан бўлган учрашувида билдирган фикрлардан сўнг Ўзбекистон давлатчилигини ўрганиш борасида бир ўатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Сурхондарё, Фарғона воҳаларлда давлатчиликнинг пайдо бўлиш масаласида Академик Яҳё Ғуломов номидаги Республика «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи» семинари ва бир қатор бошқа анжуманлар уюштирилнб, уларда юртимиз тарихий — географик ўлкаларида давлатчиликнинг пайдо бўлиш масаласида янги илмий мосланган фикрлар билдиришди. Бироқ, Сирдарё воҳасида давлатчилик тизимини пайдо бўлиш масаласи тарихчилар эътиборидан четда қолдирилган эди. Бунга маълум маънода Сирдарё қадимда ва ўрта асрларда, кимсасиз чўл бўлган ва бу ерлар Шўролар ҳукмронлиги давридагина ўзлаштирилган, деган нотўғри тушунча ҳам сабаб бўлмоқда. Буларнинг ҳаммаси ёлғон эканлигини юқоридаги аниқ маълумотлар орқали исбот қилиш мумкин.

Зеро, Сирдарё тарихи ҳам ўзбек давлатчилиги тарихининг ажралмас қисми сифатида узоқ тарихга эга эканлиги мустақиллик шарофати туфайли ҳақиқат юзага чиқди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда, асосан пахтачиликни янада юксалтириш кўзда тутилган эди. Мирзачўлни ўзлаштириш ишлари бошланиб кетди. 1963 йил Сирдарё вилояти ташкил топди.¹

Энди Сирдарё вилоятидаги айрим жой номлари, яъни топонимлар ҳақида тўхталиб ўтсак. “Топонимика” атамаси латин тилидан олинган бўлиб, «топос» — жой, «оном» ёки «онима» — ном, умуман жойнинг номини ўрганадиган фан, деган маънони билдиради. Тил халқниқи, жой номларини ҳам халқ яратади.

Сирдарё — вилоят ва туман номи. Бу ном худди шу ҳудуддан оқиб утаётган дарё номидан олинган. Қадимги юнон тарихчиларининг асарларида Яхартес (Яксарт), баъзан Танаис, зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авесто»да Дану, Яоша. X асрда ёзилган «Худуд ал-олам» қўлёзмасида Ҳашарт, руник туркий ёзувларда Енчўғуз, Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида ва Ҳамдаллоҳ Казвинийнинг «Нузҳат ал-кулуб» (Қалблар ҳузури, 1339 йилда ёзилган) асарида Гулзарриюн, араблар келганидан сўнг кўпгина солномаларда Сайхун, араб географи Ибн Ҳордабех асарларида (IX) аср Хишарт ва Қанқар, Беруний асарларида Хасарт шаклида тилга олинган.

Шуни айтиш керакки, Яхартес ва Яксарт ҳам, Хаҳарт ва Енчўғўз ҳам «Марварид» (инжу) дарёси деган маънони англатган. Хўш, дарёнинг ҳозирги номи — «Сирдарё» қачон пайдо бўлган? Рим тарихчиси Плиний (1 аср) дарёни скифлар Силс дейдилар, деб ёзган. Баъзи олимлар (В.В.Бартольд,

¹ Набиев А. Тарихий ўлкашунослик. Т. Ўқитувчи, 1996. 124 бет

С.Г.Кляшторный, Х.Хасанов) Силис — «Сир» сўзининг ўзгинаси деб биладилар ва уни дарё атрофида яшаган сар (силис — сир) деган қабила номи билан боғлаш тўғрироқдир, деб ҳисоблайдилар. Демак, Сирдарё қадим замондаёқ ўрта ва юқори оқимларида Яксарт, қуйи оқимида Силис (Сир) деб аталган.

XIII-XIV асрларда Сирдарё этагидаги Жанд шаҳри яқинида Жўжихоннинг ўғиллари ва набираларининг ўрдаси Сир-ўрда деб аталган. Бу фактлар дарёнинг қадимий номларидан бири, икки минг йил давомида халқ оғзида сақланибгина қолмасдан, кўчманчи ўзбек қабилалари Мовароуннаҳрни босиб олгач, аста-секин дарёнинг асосий номи Сирдарё бўлиб қолганини кўрсатади.

«Сирдарё» сўзининг маъноси нима? Дарё номи "Сир", яъни "ранг, бўёқ", "сарик дарё" (лойқа сувли дарё), "сероб" (серсув), "сирли дарё" деган маънони билдиради, деювчиларнинг фикрлари нотўғри эканлигини Х.Хасанов айтиб ўтган эди. Бу азим дарё шу атрофларда яшаган сак (силис, сир) деган қабила номи билан аталган дейиш тўғридир.² Бу ном 1963 йилда Сирдарё вилоятига берилди.

Боёвут — Сирдарё вилоятидаги туман ва қишлоқнинг номи. Боёвут қадимги мўғул қабилаларидан бири. Шунингдек, Боёвут 92 бовли ўзбек қабилаларидан бири сифатида, чунончи, XVI асрдаёқ фарғоналик Мулла Сайфиддин Ахсикандийнинг "Мажму ат-таворих" асарида қайд қилинган. Боёвут мўғул тилида "бойлар" демакдир (алповут — алплар, баҳодирлар). Р.Г.Кузеев Боёвут қабиласининг бир қанча туркий халқлари таркибидаги бой, бойдор, бойлар, боёт каби этнонимлар билан генетик жиҳатдан бир эканлигини исбот қилди.

Боёвут тумани тарихи яқин ўтмиш ҳужжатларида ёзилганидек, 1961 йил 5 апрелдан, Боёвут шаҳарчасининг ташкил топиши 1964 йил 25 июлдан бошланади. Аслида эса "Боёвут" атамаси ҳақида атоқли давлат арбоби ва адиб Шароф Рашидов қуйидагича маълумот беради: "Боёвутликлар кўриқда кулф урган ҳаётларидан мамнун, фахрланишади. Ўтмишни ҳам унутишмайди. Ёшу қари — барча қишлоқнинг тарихини билади. Тарихи эса шундай: бу томонларга Чингизхон ўрдалари бостириб келганида (1219 й), қишлоқ аҳли душманга тиз чўкмади. Жанглардан бирида ёвқир бир йигит мардлик кўрсатиб, душман қароргоҳига ўт қўйиб юборди. Қишлоқ оқсоқоли унинг жасоратини кўриб, жангдан кейин суриштиради: "Менга бояги ўт юрак йигитни " кўрсатинглар. Бояги ўт йигит қани?" Афсуски, ҳамқишлоқлар бу илтимосни бажо келтира олишмайди: бояги ўтюррак йигит жангда ҳалок бўлганди. Шу тариқа қишлоқни ҳам "Бояги ўт", "Боёвут" деб атай бошлайдилар.¹

Хуллас, «Боёвут» сўзининг келиб чиқиши ўзбек уруғлари номидан олингани аниқ ва бу маълумотлар турли адабиётларда турлича талқини кўзга ташланади.

Ховос — Сирдарё вилоятидаги туман ва қишлоқ номи. Бу қадимий қишлоқ номи дастлаб Истахрий, Ибн Ҳавкал, Мукаддасий асарларида тилга олинади. Илмий этимологияси аниқ эмас, лекин халқ тилида ҳозирги Ховос шаҳарчасига нисбатан қуйидагича изоҳланади. Европа усулида, темир йўллариининг кесилиш

² Қораев С. Географик номлар маъноси. Т. Ўзбекистон, 1978. 112 бет

бўғинида жойлашган, дастлабки шаҳарча кўринишида бўлгани учун ҳам атроф кишлоқдагилар бу ерни томоша қилишни ҳавас қилганлар. Шунинг учун ҳам Ҳавас, кейинчалик эса Ховос бўлиб айтилган, дейилади.

Яна бошқа маълумотларда қадимда бу ерда мавжуд бўлган карвонсаройда бир бой киши бўлиб, унинг Ҳавас исмли гўзал қизи бўлган. Шу қизнинг номига жой номи Ҳавас деб аталиб, кейинчалик талаффузда Ховос бўлиб кетган, дейилган.

Бутунги Ховос тарихи айримлар ёзганидек, 1966 йил 23 августдан бошланмайди. Ховос жуда қадимий диёр. Бироқ бағрида доимо яшариш, янгиланиш жўш уриб туради. Афсуски, Ховос бино бўлибдики, бунёдкор халқи юрт озодлиги, эл омонлиги учун доимо курашиб келадилар. Форс-Эрон босқини Искандар Зулқарнайн бошлиқ юнон-македонлар тажовузи, араблар истилоси, мўғуллар ваҳшийлиги ва ниҳоят, чор Россияси қўшинларига қарши кураш... Ховос ҳаммасини бошидан кечирди.

Туман номига келсак, яна бошқа маълумотларда Форс лашкарбошиси Қаҳқаҳ қизининг исми Хавасдир. У ерлик жасур йигитни севиб қолади, уруш тўхтади. Хавас ободончилик ишларига раҳнамо, маҳаллий халққа меҳрибон бўлганлиги туфайли ушбу туман Хавас — Ховос номини олади.

Ушбу афсоналар қанчалик ҳақиқатга яқинлиги юқоридаги келтирилган маълумотларга ўхшашлигидан аниқлаш қийин бўлмаса керак.

Мирзачўл — номининг келиб чиқиши 1900 йилга бориб тақалади. Тошкентлик бир бой 1900 йилда чўлга сув чиқариб экин эккан. Унинг исми Мирза бўлиб, у мардикорларни олиб келиб, ишлатган. Экинлар яхши бўлгани учун бой мардикорларга яхши ҳақ тўлабди. Буни эшитган одамлар ҳар томондан кўчиб кела бошлабдилар. Одамлар кўчиб келаётган кишиларга «қаерга кетаяпсизлар?» дейишса, «Мирзанинг чўлига кетяпмиз», деб жавоб беришар экан. Унинг эккан қовун-тарвузлари шаҳар бозорларида яхши сотилар экан. «Бу маҳсулотлар қаердан келтирилган?» десалар, сотувчилар «Мирзанинг чўлидан», яъни Мирзачўлдан деб айтишар экан. Шундан сўнг бу ерга Мирзачўл номи берилган экан. Яна бошқа маълумотларга кўра чўлда биринчи ўзлаштириш бошланганида ерлар ҳайдалиб, ўзлаштириладиган ерларга марза тортилган экан (марза — тупроқ уюмидан тортилган чегара). Халқ шу ерларни марза тортилган ер деб аталган. Кейинчалик бу ерлар «Марзачўл», талаффузда бузилиб «Мирзачўл» бўлган, дейилади.

Яна айримлари Мирзачўл дегани куп-курук, «оч чўл» дегани дейишади. Уни бу ерга келган руслар "Голодная степь" деб атаганлар.

Мирзачўл 1917 йилга қадар Самарқанд вилоятининг Хўжанд уездига қарашли бўлиб, кейинчалик, Туркистон Автоном Республикаси — Голодностепская уездига ўгди. Мирзачўл 1923 йили кўрғон, 1925 йили туман деб эълон қилинди. Мирзачўл 1948-50 йилларда шаҳар типидagi кўрғон номини олиб, 1952 йилга келгач, шаҳар номига эга бўлди.

Хозирги кунда Мирзачўл номи билан Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги биргина посёлкага Мирзачўл номи

берилган. Юқорида келтирилган Мирзачўл шаҳарча-кўрғон дейилгани бу ҳозирги Гулистон шаҳрига айланган.

Сабот (Савот) — Ховос туманидаги қишлоқ. Ҳозир Янгиобод туманига қарайди. Бу қишлоқ тарихий жой бўлиб, катта савдо йўли устида жойлашган. Бу ном араб географи Ибн Ҳавкал, Истахрийн ва Мақдисий асарларида тилга олинади. Сабот — арабча ном бўлиб, «ём», «бекат», «карвонсарой» демакдир.

Тўпак — Мирзаобод туманидаги қишлоқ. Ўзбек уруғларидан бўлган парчаюз уруғининг бир бўлаги тўпак деб аталиб, ном шундан олинган.

Сўфи қишлоқ - Мирзаобод туманидаги қишлоқ бўлиб, қишлоқда динга берилган сўфилар кўп бўлгани учун қишлоқ кейинчалик халқ орасида шу ном билан аталган дейилади.

Қорасийроқ - Мирзаобод туманидаги қишлоқ номи бўлиб, парчаюз уруғининг бир бўлаги. Қишлоқ аҳолисининг кўпчилигини шу уруғ вакиллари ташкил этади. «Сийроқ» — «юз», «бет» деган маъноларни билдиради. Уруғ бошлиғи юзи қора бўлгани учун «сийроғи қора», «Қорасийроқ йигит» деб қақирилган. Шундан сўнг ушбу ном кенг оммалашиб қишлоққа ҳам айнан шу ном берилади.

Бешқўш — Мирзаобод туманидаги қишлоқ бўлиб, ўзбек уруғларидан бирининг номи. Асосий аҳолиси “беш қўш” уруғидан бўлгани учун ушбу қишлоқ номини олган. Бу ерда яшовчи аҳоли асосан Зомин тоғларидан қўчиб келган.

Сирдарё вилояти маркази бўлган бугунги кундаги ўз чиройини кўрсатиб ривожланиши сари илдам бораётган Гулистон шаҳри, яъни Гулистон номининг келиб чиқиши ҳақида тўхталиб ўтамиз. Гулистон шаҳри XVI асрдан эътиборан Аччиққўл номи билан маълум.¹

Гулистон — Сирдарё вилояти маркази ва туман номи. Мирзачўл ерлари гулистонга айлантирилади, деган мақсадда халқимиз ҳалол ва тинимсиз меҳнатлари эвазига чўлда каналлар қазиб, сув чиқариб, тақир ерларни боғу-бўстонга айлантиришди, ўнлаб қишлоқ ва шаҳарчалар бунёд этишди. Мирзачўлнинг маркази саналган ва аввал Мирзачўл станцияси деб юритилган жойга, яъни 1959 йили собиқ Мирзачўл шаҳрига Гулистон номи берилди.

Гулистон шаҳри 1923 йил Мирзачўл аҳоли кўрғони эди. 1952 йилда шаҳар мақомини олиб, 1901 йил 8 майда Гулистон шаҳри деб аталган. «Дўстлик» маҳалласи, собиқ «Октябрь» колхозини ўрнида 1992 йил 27 январь кунини ташкил топди.

«Гулистон шаҳрининг бугунги кунда ўз номига муносиб тарзда чирой очиб, тобора кўркамлашиб бораётганини алоҳида эътироф этмоқчиман», - деган эди Президентимиз И. Каримов 1990 йил 5 мартда Гулистон шаҳрини Сирдарё вилояти маркази сифатида тиклашганида.

Паромовул — Гулистон туманидаги қишлоқ номи. Бу қишлоқ дарё бўйида жойлашган бўлиб, дарёдан кечиб ўтиш учун паром шу қишлоққа ном тариқасида қўйилган. Қишлоқ шунинг учун ҳам Паромовул деб юритилган.

¹ Грицина А.А. Археологические памятники Сырдарьинской облсти. Т. Фан, 1992., С.5.

Жувонсийроқ - Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги қишлоқ номи. Жувонсийроқ - этноним: айнан «почаси йўғон» деган маънони билдиради.

Обитавон — Сайхунобод туманидаги қишлоқ номи. XIX аср охирларида Россиядан кўчиб келган руслар томонидан бунёд этилган бўлиб, «Обетованный» (обетованная земля) — «орзу қилинган ер» деб аталган. Кейинчалик маҳаллий халқ уни Обитавон деб ўзлаштириб олган.

Шўрўзак — Сайхунобод туманидаги қишлоқ ва ариқ номи. Ўзак сўзидан таркиб топган. Хусусан сув жой номлари ўрнида ўзак, ўқўзак (дарёча) сўзининг ўзгаришидан пайдо бўлган.

Сардоба — Сирдарё вилояти Оқ Олтин тумани маркази бўлиб, Самарқанд вилояти Пахтачи туманида ҳам Сардоба қишлоғи бор. «Сардоба» - тожикча сард-совуқ, об-сув сўзларидан ҳамда от ясовчи -а қўшимчасидан таркиб топган бўлиб, «муздек сув сақланадиган жой» деган маънони билдиради. «Сардоба» асли сув иншооти номи. Оқар суви бўлмаган жойларда усти гумбазсимон қилиб ёпилган, таги ва деворлари тош, ғишдан терилган, сув кирадиган тешиги, устида мўриси ва сувидан фойдаланиш учун одам кириб чиқадиган махсус жойи бўлган қадимий сув ҳавзаси Сардоба деб юритилган.

Қамаристон – Сирдарё шаҳридаги яшаш шаҳарчаси. Тарихдан беҳабар бўлганлар уни комар, яъни чивинлар макони дейди. Аслида эса бу ерда бўлган кўл суви сатҳидан ой қамар акс этиб тургани учун бу шаҳарча Қамаристон деб аталади.

Бахт шаҳри 1913 йилда Ўрта Осиё темир йўли устида дастлаб бекат, сўнгра Велико-Алексеевск номи аҳоли кўрғони сифатида шаклланди. 1961 йил 11 октябрдан бошлаб Бахт номи билан маълумдир. 1995 йилда 22 декабрда шаҳар мақомига лойиқ деб топилди.

Янгиер шаҳри тарихи 1957 йил 15 мартдан бошланган. Янгиер чўлқуварлар шаҳри сифатида ном таратган.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, шўро тузумидан қолган эскн номлар ўрнига янги мазмунли жой номларига алмаштирилди. Бу ҳам мустақилликнинг меваси, ўзимизга хос, ўзимизга мос, яшаб турган жойимизнинг номини танлаш имконини яратганлигининг яққол мисолидир.

Жойга ном бериш жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларининг тараққиёт даражасига боғлиқ. Шу ердаги кишиларнинг асосий машғулоти чорвачилик бўлса, жой бир хил, деҳқончилик бўлса, иккинчи хил, саноат бўлса, учинчи хил ном олиши мумкин. Шундай қилиб, ном жойининг хусусиятларинигина эмас, балки шу номни қўйган жамиятнинг хусусиятларини ҳам акс эттиради. Жой номларини таҳлил қилаётганда ана шу муҳим қоидаларни назарда тутиш зарур, бу қоида топонимиканинг асосий қонуни деб ҳам аталади.

2.5. Ўлкашунослик музейлари билан танишиш

Республикаимиз ҳудудида уч турдаги музейлар мавжуд бўлиб, **биринчи** турдаги музейларга илмий-татқиқот ва маданий-маърифий ишларини олиб борадиган музейлар киради. Улар бир вақтнинг ўзида илмий-татқиқот ва маданий-маърифий ҳамда таълим-тарбиявий ишларини олиб боради. **Иккинчи** турдаги музейларга фақат бир соҳа бўйича илмий-татқиқот ишлари олиб борадиган, музей лабораторияларига эга бўлган махсус музейлар (масалан, Ўзбекистон Фанлар Академияси қошидаги бактериология ва минералогия музейи) киради ва ниҳоят, **учинчи** турдаги музейларга фақат ўқув туридаги музейлар киради. Бу музейларнинг асосий мақсади ўқув жараёнини яхшилашдан иборат.

Музей турлари кўп жиҳатдан унда сақланаётган коллекция фондларининг тавсифларига ва улар фаолиятининг йўналишига боғлиқдир.

Шунингдек, турли фан соҳаларига бўлинган музейлар ҳам бор. Бу музейлар орасида кўпроқ маълум бўлганлари ёки фақат ўша соҳа мутахассислигига равшан бўлган маълум тармоқни акс эттирувчи музейлар ҳам мавжуд. Масалан, Тошкентдаги Ўзбекистон тарихи Давлат музейини, Тасвирий санъат музейини, Алишер Навоий номли Адабиёт музейини, Туркистон Ҳарбий Оқруги музейини, Табиатшунослик музейларини кўпчилик омма яхши билади, аммо археология, этнография, ҳарбий-тарихий, мемориал, регионал, санъатшунослик, техник йўналишдаги музейларни кўпроқ ўша соҳа мутахассисларига биладилар. Булардан ташқари яна Тошкентда мураккаб ва комплекс соҳали музейлар ҳам мавжуд.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, музей материаллари ўлкамиздаги қадимги замонлардан буён яратилган энг ноёб ёдгорликлар ва кейинги даврларда қўлга киритилган турли соҳалардаги ютуқлар, муваффақият натижаларини намоиш қилиш билан кенг меҳнаткаш оммани, шу жумладан ўқувчи ва талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига хизмат қилади.

Ривож топган музейлар тарих ва маданият ёдгорликларини тарғиб қиладиган муҳим масканларга, оқил ва фозил кишилар асарларининг, энг нодир қўлёзмаларининг, халқ усталари ясаган буюмларнинг хазиналарига айланади. Ҳозир Республикада 30 дан ортиқ давлат ва 150 дан ортиқ халқ музейлари бор. Уларнинг фондида Ўзбекистон халқ усталарининг нодир асарлари алоҳида ўрин эгаллаб турибди.

Самарқанд, Бухоро, Хивадаги улуғвор меъморчилик ёдгорликлари, Ўзбекистоннинг ҳозирги замон меъморчилиги, музейларимизнинг бой фонди фуқароларимиз учунгина эмас, кўплаб сайёҳлик ёхуд бошқа сабаблар билан ўлкамизга ташриф буюраётган чет эллардаги кишилар учун ҳам катта жозибадор куч бўлиб қолди. Кейинги йилларнинг ўзида Ўзбекистонни 500 мингдан зиёд ажнабий ва 800 мингдан ортиқ туристлар келиб кўрдилар. Шу вақт ичида давлат музейларининг ўзини 19 миллионга яқин киши келиб томоша қилди.

Ёдгорликлар мафкура ишининг таъсирчан воситасидир. Бу ёдгорликлар ҳамиша сафда, кўз ўнгимизда, уларни истаган вақтда бориб кўриш мумкин. Бинобарин, ҳар бир ёдгорлик тўғрисида ғамхўрлик қилиш, унга эътибор берилиши яхши ҳолатда сақланиши ва ўрганилиши лозим. Бу ишга кўпроқ

мактабларда ўлкашунослик иши олиб борувчи рахбар тарих, география ва инсон ва жамият фанлари ўқитувчилари зарур.

Ўлкашунослик музейини ташкил қилиш қуйидаги тартибда олиб борилади. Ўлкада олиб борилган тадқиқот ишлари давомида тўпланган материаллар асосида ўлкашунослик музейи ташкил қилинади. Ўлкашунослик музейи мактабларда, лицейларда, касб-ҳунар коллежларида ҳамда ҳокимият доирасида ташкил қилиниши мумкин.

Ўлкашунослик музейларининг асосий мақсади ўлка табиати, ҳўжалиги, тарихи, маданияти ва санъати ҳақидаги материалааларни тўплаш, ўрганиш, сақлаш ва намойиш қилишдан иборатдир.

Ўлкашунослик музейини ташкил қилиш бир неча қуйидаги босқичлардан иборат:

1. Музейни ташкил қилиш бўйича ташкилий гуруҳ тузиш. Ташкилий гуруҳга ҳокимият, мактаб, лицей, касб-ҳунар коллежлари вакиллари киради. Агар музей ўқув муассасасида тузилаётган бўлса, асосан ўқитувчилар ва ўқувчилардан ташкилий гуруҳ тузилади.

2. Музейнинг тематик (мавзули) режаси тузилади, яъни бўлажак музей экспозицияларининг бўлимлари сони аниқланади. Бундай ҳужжатни тузиш музейини ташкил қилиш ишларини аниқ бир йўналишда олиб боришга имкон беради.

3. Қидирув ва илмий тадқиқот ишларини олиб бориш. Мазкур босқичда ўлка табиати, тарихи, ҳўжалиги, маданияти ва санъати тўғрисидаги материаллар йиғилади, ўрганилади, тартибга солинади ва рўйхати тузилади.

4. Музейнинг тематик-экспозицион плани тузилади. Экспозицияга киритилаётган барча материалларни кетма-кетлик рўйхати тузилади. Мазкур план музей заллари, бўлимлари ва стендлари бўйича тузилади. Мазкур план қуйидаги жадвал шаклида тузилиши мумкин.

Жадвалнинг иккинчи қаторида экспонатнинг ташқи кўриниши кўрсатилади (матн, кўчирма, газета, байроқ, тўппонча, кийим, фоторасм, китоб, рисола, харита, тупроқ, ўсимлик, ишлаб чиқариш маҳсулотлари, фойдали қазилма намуналари, макетлар ва ҳ.к.) учинчи қаторда экспонатнинг мазмуни берилади (кўчирманинг тўла матни, номи ва нашр ҳақида маълумотлар, байроқни, кийимни, намунани ва ҳ.к.ни тўла тавсифи). Бешинчи қаторда экспонат олинган манбаалар берилади (кўчирма қаердан олинган, фойдали қазилмалар намуналари қаерлардан олинган). Экспонатнинг ўлчамлари 6-нчи қаторда берилади, улар асосида экспонатга ажратиладиган жойларнинг ўлчамлари аниқланади. 7-нчи қаторда тематик-экспозицион режани тузувчилар маълум бир экспонатларни жойлаштириш ҳақида тавсияларни ишлаб чиқишади (марказдами, йирриклаштирилган халқадами, витринадами ва ҳ.к.)

5. Тематик-экспозицион режа асосида рассом (ёки шу иш учун тайинланган шахс) жиҳозлаш эскизларини тайёрлайди. Бунда у бинони тузилишини ҳисобга олиши лозим. Шундан сўнг ҳар бир девор, стенд ва витрина учун монтаж жиҳозлари варақаларини тайёрлайди. Монтаж варақаси-бу маълум бир экспонатни жойлаштиришни чизма тасвирдир, У 1:10 масштабда тайёрланади.

Квадратларда экспонатнинг тематик-экспозицион режадаги тартиб рақами ёзиб қўйилади. Мазкур босқичдаги ишларни бажариш билан бирга қўйидаги ишлар ҳам олиб борилади: экспозиция учун жиҳозлар (витриналар, стендлар), ёритиш усулари, асл нусхаларини сақлаш; ёрдамчи экспонатларини тайёрлаш (расмлар нусхалари, чизмалар, муляжлар, матнлар ва х.к.)

Шундан сўнг экспозиция монтаж қилинади ва у маъсулиятли комиссия томонидан кўриб чиқилади. Ўлкашунослик музейининг асосий ва ёрдамчи фондлари бўлади.

Асосий фондда ёдгорликларнинг асл нусхалари сақланади ва улар қўйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Моддий ёдгорликлар (меҳнат қуроллари, саноат жиҳозлари, фойдали қазилма намуналари, ҳарбий техника, кийимлар ва х.к.)

2. Ёзма материаллар (нашрий ва кўлёзма ҳужжатлар, варақалар, китоблар, газета, журналлар ва х.к.)

3. Фоторасм ва кинофото ҳужжатларининг асл нусхалари.

4. Санъат асарлари ва график ҳамда тасвирий материалларнинг асл нусхалари: картиналар; расмлар; скульптуралар; плакатлар; гулхатлар; маркалар; планлар; хариталар; чизмалар; графиклар; фотоматериаллар.

Музейнинг ёрдамчи фондлари қўйидагилардан иборат: диорамалар; панорамалар; хариталар; чизмалар; жадваллар; диаграммалар ва х.к. Улар асосий экспонатларни тушунтириш учун муҳим тайёрланади. Музейнинг фонди доимо тўлдирилиб борилади.

Тарихий ва маданий меросни асраб-авайлаш мустақил Ўзбекистон давлати сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтарилди. Бу музей ишини такомиллаштириш ва музейларда сақланаётган бойликларни тарғиб қилиш соҳасига ҳам тўлиқ таълуқлидир.

Музей – тарихий, моддий ва маъданий ёдгорликларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш ташвиқ ва тадбиқ қилиш ишларини амалга оширувчи илмий-маърифий маскан бўлиб, ўзининг экспозиция ва кўргазмалари воситасида маънавий-маърифий ишларни бажаради. Президент Ислам Каримовнинг «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони (1998 йил 12 январь) музейларимиз мазмун ва мундарижасини такомиллаштириш ва ривожлантиришда бугун бурулиш ясади.

Олий ўқув юртларида музейларнинг ташкил этилиши мустақиллик йилларининг маънавий ва таълим соҳасидаги ижобий омиллардан бири саналади. Малакали профессор-ўқитувчилар касбий ва шахсий фаолиятларининг натижаси ҳамда талабаларнинг ўзлари яшаётган ўлка ва маҳаллаларга бўлган муҳаббати боис музейлар, тарих фани хоналари, ёш ўлкашунослар бурчаклари республикаимизнинг деярли барча таълим масканларида ташкил этилган. Музейлар ёшларга, хусусан, талабаларга ўлка тарихи ва маданиятини ўрганишда, муайян водий ва вилоят, республика иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳаётида тутган ўрнини англашда, тарихий шахслар, замондош машҳур кишилар ҳаёти ва фаолиятини ўрганиб, улардан ибрат олишда яқиндан ёрдам берадилар. Музейлар ташкил этиш ва уларни бойитиш борасида талабалар, ўқитувчилар катта муҳаббат ва садоқат билан

олиб бораётган ишлари маълум миқёсдаги амалий ва илмий вазифаларни бажара олади. Музей фондини бойитиш эксперт ва кўргазмалар ташкил қилиш илмий-тадқиқот ишларини йўлга қўйиш, ватан тарихига доир тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга оширишда катта имконият туғдиради.

Гулистон давлат университетининг «Илмий-амалий» музейида сақланаётган тарихий ашёлар Ўзбекистон халқлари тарихи ва маданиятининг кадимги, ўрта асрлар, янги ва энг янги даврларини камраб олган. Бу улкан мероснинг топилиб, қайдга олиниши музей ишидаги дастлабки қадам бўлиб, кейинги босқичлар асосан, шу бойликни бойитиш, ўрганиш, сақлаш ва оммавийлаштириш, кўргазмалар ташкил қилишдан янги имкониятлар очади.

Ҳозирги кунда университет «Илмий-амалий» музейида 424 дан археологик ашёвий далиллар, 176 тадан китоб ва рисоалар, 27 та фотоальбомлар, 56 тадан миллий ва амалий санъат буюмлари каби экспонатлар мавжуд. Улардан археология, заргаршунослик ва этнографияга оид жамламалар ўрин олган.

Музейнинг мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборатдир:

- «Илмий амалий» музей Ўзбекистон тарихи, жамият ҳаёти ва халқи ҳаёти ва турмушидаги энг муҳим тарихий воқеалар, ўзбек давлатчилигининг энг муҳим босқичлари, Сирдарё вилояти тарихини, университет тарихини, университетда фаолият кўрсатган ва кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларнинг эътиборли фаолияти ва улар билан боғлиқ хотиралар, эсдаликларни ёшларнинг мақсад ва илмий йўналишларига боғлаб ўрганиш манбаи, аудиторияси бўлиб хизмат қилади;

- Ўзбекистондаги, хусусан Сирдарё вилоятидаги кўҳна ёдгорликлар, қадимий турмуш шароити, тарихий буюмлар ҳақида маълумот беради;

- монументал, тасвирий, амалий-декоратив ва бошқа турдаги буюмлар, санъат асарлари, ёдгорлик ҳужжатлари, бошқа ёзма ва график манбалар, фотоҳужжатлар, видеофильмлар, архив ҳужжатларини ўрганиш манбаи бўла олади;

- музей жонажон ўлка тарихини ўрганишда, ўқув-тарбия жараёнида ҳар томонлама маънавий озуқа бўла олади. Шу боис, музей фаолияти ўқув-тарбиявий режадаги амалий малакаларни шакллантиришга қаратилган маъруза, семинар машғулотларини ўтказиш аудиторияси бўла олади;

- музей керакли манбаларни ва маълумотларни йиғиш, жамоат топшириқларини бажариш учун илмий ходимлар, фан арбоблари, уруш ва меҳнат фахрийлари билан алоқани тиклайди;

- илмий семинар, илмий мунозара, учрашув, суҳбатларни, тўгарак йиғилишларини ўтказишда музей манбаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир;

- музейда умумтаълим мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, шунингдек, университетнинг 1 курс талабалари учун ўлкашунослик дарслари, касбга йўналтириш ишларини ўтказиш мумкин;

Музей ўз таркибини, фондини бойитиб, янгилаб бориши режалаштирилган ҳамда илмий, ижтимоий, назарий аҳамиятга молик материаллар ва манбаларни тўплаб, янгилаб бориш мақсад қилиб олинган.

«Илмий-амалий» музейда ўзбек давлатчилиги тарихининг муҳим босқичлари, Буюк Ипак йўли тарихи, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби буюк алломаю мутафаккирлар бўлган саркарда ва давлат арбоби Амир Темурнинг жаҳон тарихда тутган ўрнига бағишланган экспозициялар ўрин олган. Экспозицияларда ранг-тасвирдаги портрет ва суратлар воситасида тегишли давр тарихи акс эттирилган.

Экспозицияда археологик қазилмалар жараёнида топилган ашёвий далиллар намойиш этилган. Буларни қўлга киритилиши ва тайёрлашда ЎзР ФА Археология институти, Самарқанд давлат университети тарихчи олимлари, хусусан, Сирдарё вилоятини археологик жиҳатдан кўп йиллар мобайнида ўрганиб келаётган археолог А.А.Грицинанинг улуши катта бўлди. Чунончи ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихида ўз ўрнига эга бўлган Уструшона ва Сирдарёнинг қадимги, ўрта асрлар ва янги давр тарихини ашёвий далиллар асосида акс эттирилган. Энг янги тарихни ёритишда Мирзачўлнинг суғориш тизими тарихи ва бугунги ҳолатига алоҳида эътибор берилган.

Экспозициядан Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидаги асосий саналари, Ўзбекистон Давлат рамзлари ҳам ўрин олган. Улар асосан ёшларни миллий истиқлол ғояси, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилгандир.

1966 йил апрелида Сирдарё шаҳрида олий таълимда биринчи қадам, гулистон давлат университетининг вужудга келиши кўриқ вилоятда муаллимлар маскани бўлганлигидаги фаолияти ҳужжатлар, фотосуратлар, фотоальбомларда ўз аксини топган. 1992 йилда СДПИга университет мақоми берилиб, Гулистон давлат университети деб аталди. ГулДУнинг ўтган давр оралиғида фаолияти кенг кўламда акс эттирилган. Университетнинг таркибий қисмлари, факультетлар, кафедралар фаолияти ҳамда университет олимларининг назарий ва илмий ишларининг мазмуни очиб берилган. Университет фаолияти давомида унинг ривожланиш жараёни, техник жиҳозланиши ҳам ўз аксини топган. Университет олимларининг илм-фаннинг тараққиётига бойитишга қўшган ҳиссалари, халқаро алоқалар, таянч базаларда олиб борилган ишлар, кадрлар тайёрлаб бериш соҳасидаги фаолияти, профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг маънавий-маърифий фаолияти алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Университетининг Ўзбекистон Республикаси Мустақил деб эълон этилгандан кейинги фаолияти, кадрлар тайёрлашнинг янги босқичлари, халқаро ташкилотлар билан алоқалари, илмий анжуманларнинг ўтказилиши, мукофатга берилган дипломлари, яратилган янги авлод адабиётлари ҳам ўрин олади.

Мавзуларни ёритишда ҳужжатлар, фотосуратлар, ашёлар билан бир қаторда рассомларнинг бадиий безаклари ҳам ўрин олди. Уларнинг барчаси комплекс ҳолда университет олиб бораётган кўпқиррали фаолиятни тасаввур қилишга имкон туғдиради.

Университети «Илмий-амалий» музейнинг экспозицияси 9та бўлимда жойлашган бўлиб, унда тарихимизнинг мозийси ва ҳозирги даври акс эттирилган. Гулистон давлат университети босиб ўтган шонли йўл, ажойиб заҳматкаш кишиларимиз, орамиздан кетган азиз биродарларимиз, мазкур

олийгоҳга умрини бахшида этган зотларнинг хизмати ўз аксини топган. Музейнинг бўлимлари.

Биринчи бўлим. УСТРУШОНА ТАРИХИ. Бўлимда Уструшонанинг кадимги, тош, бронза, антик, илк ўрта асрлар ва ривожланган ўрта асрлар тарихи ҳақида маълумот берилади. Музейда жами 424 та археологик топилмалар намоиш этилган.

Археологик ашёлар жамламасидаги экспонатлар Ўзбекистон ҳудуди, хусусан Уструшона Шарқ цивилизациясининг энг қадимги ўчоқларидан бири бўлганлигидан гувоҳлик беради.

Иккинчи бўлим. ЎЗБЕКИСТОН – МЕНИНГ ВАТАНИМ. Мазкур бўлимдан Ўзбекистон харитаси, мустақиллик йилларида содир бўлган муҳим воқеалар, улуғ аллома ва мутафакирлар бериш мақсадида, бу экспозицияда улуғ сиймоларимиз расмлари ва улар ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар берилган.

Учинчи бўлим. БУЮК ЎТМИШДАН – НУРЛИ КЕЛАЖАК САРИ. Экспозиция Ўзбекистон ҳудудида тарихий-маданий жараёнларнинг энг қадимги даврлардан бошлаб ҳозирга қадар бўлган тараққиётини тасвирий воситалар орқали намоиш этади. Унда ўзбек давлатчилиги тарихининг 9 босқичи, ҳар бир босқичнинг ўзига хос маданияти ҳужжат ва расмлар воситасида ифода этилган.

Тўртинчи бўлим. БУЮК ИПАК ЙЎЛИ – ҲАЁТ ВА ТАҚДИРЛАР ДАРЁСИ. Бўлимда биринчи навбатда Буюк Ипак йўли харитасининг рангли тасвири эътиборингизни тортади. Бу ерда Буюк Ипак йўли тақдирида Уструшонанинг ўрни ва аҳамияти, Буюк Ипак йўлидаги шаҳар – Самарқанд, Бухоро ва Хива ҳақида маълумотлар келтирилган. Экспозициядаги рангли тасвирлар ва намоиш этилган буюм ва китоблар Буюк Ипак йўлининг Марказий Осиё халқлари тақдиридаги ўрни ва аҳамиятини очиқ беради.

Бешинчи бўлим. АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ. Мазкур экспозицияда буюк соҳибқирон Амир Темур Ҳикматлари, унинг ҳаёти ва фаолиятидаги муҳим саналар билан танишиш мумкин. Амир темур ва Темурийлар шажараси схематик тарзда ифода этилган.

Олтинчи бўлим. ЎЗБЕКИСТОН – КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ. Экспозициядан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов портретлари, Ўзбекистоннинг давлат рамзлари – Герби, Байроғи, Мадҳияси ўрин олган.

Музейнинг Ўзбекистон Республикасининг қисқа давр ичида мустақилликда эришган қисқа давр ичида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳалардаги эришган улкан ютуқларига бағишланади. Бу борадаги адабиётлар ҳам намоиш этилган.

Еттинчи бўлим. СИРДАРЁ – ОНА ДИЁРИМ. Бўлимдан Сирдарё вилояти харитаси ўрин олган. Вилоятимизнинг мустақиллик йилларидаги ривожланиш кўрсаткичлари жадваллар асосида ифодаланган. Шунингдек, Сирдарё вилояти табиати ҳақида тасаввур берувчи экспонатлар, университет биология факультети олимлари томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалик ўсимликларининг янги навлари намоиш этилган.

Саккизинчи бўлим. ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ – 40 ЁШДА. Бўлимда олийгоҳимизнинг 40-йиллик тарихига бағишланган бўлиб, унда университетнинг ташкил топган кунидан то бугунги кунгача раҳбарлик қилган ректорлар, университет фахрийлари, эришилган ютуқларни акс эттирувчи китоблар, дипломлар, патентлар, сертификатлар намойиш этилган.

Тўққизинчи бўлим. УНИВЕРСИТЕТИМИЗ – МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАСКАНИ. Мазкур экспозиция 8-бўлимнинг узвий давоми бўлиб, унда университет факультетлари ва кафедралари тарихи, профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг илмий-бадий ишларидан намуналар, университет қошидаги академик лицейлар ҳақида маълумотлар ўз ифодасини топган. Экспозицияда университетнинг 25 йиллик юбилейига бағишланган 14 та фотоальбом, 40-йиллик юбилейи муносабати билан тузилган 13 та альбом намойиш этилган.

Музей миллий безак ва буюмлар, халқ амалий санъати намуналари билан безатилган.







ГЛОССАРИЙ

Азимут (арабча *ас-сумут* — йўл)—жой ёки харитада шимол йўналиши билан танланган нарса йўналиши орасидаги бурчак. Азимут бурчаклари шимол йўналишидан соат миля ҳаракати йўналиши бўйлаб 0° дан 360° гача ҳисобланади.

Барометр (юнонча *барос* — оғирлик, *метр* — ўлчайман) — атмосфера босимини ўлчайдиган асбоб.

Булутлилиқ—осмоннинг булут билан қопланганлик даражаси. Осмонни булут текис қоплаган бўлса булутлилиқ 10 баллга, агар осмонни ярим қоплаган бўлса 5 баллга, ҳаво очиқ бўлса 0 баллга тенг деб қабул қилинади.

Гералдистлар - тамға (герб)ларни ўрганувчилар.

Горизонт (уфқ текислиги) — (юнонча *горизон* — чеклайман) — Ер юзасининг очиқ, текис ерда атрофимизда кўринадиган қисми.

Дарё- ўзи ҳосил қилган табиий ўзандан оқадиган сув. Дарёлар бир-бирларидан узунлиги, кенлиги хавзасининг майдони, чуқурлиги, нишаби, тезлиги, оқизиклари, тўйиниш тури, сувнинг кимёвий таркиби билан фарқ қилади. Ўз ирмоқлари ва тармоқлари билан дарёлар системасини ҳосил қилади.

Дарё водийси - ер юзасида узунасига чўзилган қиёсан камбар сойлик. Дарё водийлари оқар сувларнинг иши натижасида вужудга келган бўлиб, дарё оқадиган томонга қия ва кўпинча эгри-бугри бўлади.

Дарё мансаби (куяр жойи) -дарёнинг денгиз, океан, кўлга ёки бошқа дарёга қўшиладиган жойи. Дарёлар мансабида кўрфаз ёки дельта ҳосил қилади.

Дарё нишаби- дарё бирор қисмнинг ёки бутун дарёнинг юқори нуқтаси билан қуйи нуқтаси орасидаги тик баландликнинг унинг узунлигига нисбати.

Дарё оқими- сувнинг табиатда айланиб юриш жараёнида дарё ўзанида оқадиған сув.

Дарё системаси - бирор дарё ҳавзасига кирувчи барча дарё ирмоқ, тармоқ, жилғалар. Улар бир-бирлари билан қўшилиб, суви тўпланиб, бош дарё, денгиз ёки кўлга қуйилади. Масалан Волга системаси, Сирдарё системаси, Амур системаси.

Дарё ҳавзаси - бирон-бир дарё системасига сув келадиған майдон, худуд. Дарё ҳавзасини кўпинча дарёнинг, сув йиғадиған ҳавзаси дейилади.

Жамоат ўлкашунослиги - ўлкашуносликнинг кишлоқ, овул, кўрғон, туман, шаҳар ва вилоят худудидаги тарихий обидаларни сақлаш ва асраш ишларига бошчилик қиладиган, шу жойларда истиқомат қилиб турған халқларнинг келиб чиқишлари (этногенези), урф-одатларининг ўрганадиған турларидан бири.

Жарлик — тоғли ўлкалардаги тик ёнбағирлар, дарёлар баланд террасаларининг тик кесилған чеккалари, денгизларнинг урилма тўлқинлари ҳосил қилған баланд қирғоқлари. Дарёлар қалин лёсс жинсларнинг остини ювиши натижасида ҳам жарлик ҳосил бўлади. Тектоник ёриқлар бўйлаб узилмалар рўй беришидан ҳам жарлик вужудга келади. Жарликларни одатда ён жарлар кесиб тушған бўлади.

Иқлим — Ер юзаси бирор жойи об-ҳавосининг кўп йиллик режими. Иқлим Кўёш радиацияси, ер юзасининг ҳолати ва атмосферадаги ҳаво ҳаракатлари ҳосиласидир.

Илмий (давлат) ўлкашунослик - ўлкашуносликнинг Республикамиздаги тарихий ва маданий ёдгорликлар, музейлар ҳамда уларни сақлаш билан шуғулланадиған турларидан бири.

Мутлақ намлик — 1 м^3 ҳаводаги сув буғи миқдори. Ўлчов бирлиги г/м^3 , яъни 1 м^3 ҳавода неча грамм сув буғи борлиги билан белгиланади.

Нисбий баландлик — ер юзасидаги икки нуқта орасидаги тик баландлик. Масалан, тоғ чўққиси билан водий таги орасидаги тик баландлик, ёки дарё икки қирғоғининг бир-биридан баландлиги ва ҳ. к.

Нумизматлар - танга пулларни ўрганувчи мутахассислар.

Об-ҳаво — атмосфера қуйи қисмининг (ҳавонинг) муайян бир қисқа вақтдаги табиий ҳолати. Вақт ва масофада тез ўзгариб туради. Об-ҳаво маълум бир вақтнинг ўзида бир-бири билан уйғун метеорологик элементлар мажмуи билан ифодаланади (ҳаво ҳарорати, намлиги, шамол, булутлилик ёғин, ҳаво босими, тиниқлиги ва ҳ. к.). Об-ҳаво ўзгариши деганда мана шу элементларнинг ўзгариши тушунилади. Об-ҳаво даврий (кеча билан кундуз), фаслий ҳамда нодаврий (циклон ўтиши, турли ҳаво массаларининг келиши, антициклон туриши) ўзгаришларга эга.

Промилле — бирон-бир соннинг мингдан бир улуши, ‰ аломати билан белгиланади. Сувнинг шўрлигини аниқлашда сувнинг 1000 оғирлик улушига неча улуш туз тўғри келишини билдиради. Шўрлиги 1‰ гача бўлған сув ичишга яроқли ҳисобланади. Дунё океани сувининг ўртача шўрлиги 35‰ . Айрим жойларда 42‰ гача, кутбий ўлкаларда $33\text{—}34\text{‰}$ бўлади.

Психрометр (юнонча *психрос*— совук, *метрео*—ўлчайман) — ҳаво намлиги ўлчанадиган асбоб. Иккита термометрдан иборат: бири қуруқ, иккинчисининг симобли учига мато ўраб сувли идишга тиқиб қўйилади. Ҳўл термометр ҳароратни пастроқ кўрсатади. Ана шу термометрлар кўрсаткичидаги фарқ асосида ҳаво намлиги махсус жадвалдан аниқланади.

Рельеф — (франдузча *«рельеф»* — кўтараман) — ер юзаси шакллари: тоғлар, текисликлар, пасттекиеликлар, адирлар, ясси тоғликлар, тепаликлар, қирлар, водийлар, ботиклар, сойликлар, жарлар ва бошқалар мажмуи. Рельеф икки хил куч — ички (эндоген) ва ташқи (экзоген) кучларнинг биргаликда ҳамда мунтазам ўзаро таъсири натижасида вужудга келади.

Сфрагистлар - муҳрларни ўрганувчилар.

Фенология (юнонча *«феномена»*— ходиса, *«логос»*— фан) — йил фасллариининг алмашишини ва об-ҳавонинг ўзгариши муносабати билан органик ва анорганик табиатнинг мавсумий ўзгариб боришини ўрганадиган фан; Масалан, сувларнинг музлаш ва муздан тушиш, ўсимликларнинг куртак чиқариш, гуллаш муддатлари, қушларнинг учиб келиш ва учиб кетиш муддатларини фенология ўрганади.

Фён — тоғли ўлкаларда тоғлардан водийларга юқоридан пастга қараб эсувчи илиқ ва қуруқ кучли шамол. Шамол тор тизмасини ошиб, пастга тушаётганда исиб қурийди, баъзан қор қўчкиларининг тушишига сабаб бўлади. Ўзбекистонда Чирчиқ водийсида кўп кузатилади. Узоқ вақт давом этмайди.

Флюгер — (голландча *флюгел* — қанот)— шамолнинг йўналиши ва тезлиги аниқлайдиган асбоб. Шамол таъсирида вертикал ўқда айланадиган кўрсаткич (флюгарка) шамолнинг йўналишини Кўрсатади. Шамолнинг тезлиги металл тахтачанинг вертикал ҳолатдан қанча даража бурилганига қараб аниқланади, ёйга ўрнатилган кўрсаткичлар (бўлинмалар) шамолнинг секундига неча метр эсанлигини билдиради.

Шарқ—1) уфқнинг тўртта асосий томонларидан бири. Туш пайтида Қуёшга қараб турган кузатувчининг чап томонида бўлади; 2) математик уфқ текислиги билан осмон экватори кесишган нукта; 3) Қуёш чиқадиغان томон.

Шимол — уфқнинг тўртта асосий томонларидан бири. Туш чизиғи билан ҳақиқий уфқ доира чизиғи кесишган нукта. Чиқаётган қуёшга қараб турганингизда чап томонингизда бўлади.

Эпиграфистлар - тош, металл, сопол ва ёғочдаги ёзувларни ўрганувчи олимлар.

Этнография - дунё халқларининг маданияти, маиший ҳаёти, келиб чиқиши (этногенези)ни, жойлашиши (этник географияси)ни ва маданият тарихини, ўзаро алоқа ва муносабатларини ўрганувчи фан.

Экскурсия - лотинча — эхсигто (экскурсия) сўзидан олинган бўлиб, югуриб чиқаман деган маънони билдиради. Экскурсия — таълим-тарбия ишларининг бир тури бўлиб, ўрганилаётган объектни унинг турган жойида бевосита кўриб, идрок этиш асосида ўрганилади.

Ўлкашунослик - Ватанимизнинг маълум бир қисми (вилоят, туман ёки аҳоли пунктлари) маҳаллий аҳоли иштирокида ҳар томонлама комплекс ҳолда ўрганиш.

Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалари рўйхати

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т. “Шарқ”, 1991
2. Даринский А.В. Краеведение. - М.: Просвещение, 1987.
3. Мешечко Е.Н. Географическое краеведение. - Минск, Университетское, 1986.
4. Мактаб ўлкашунослиги (маърузалар матни). Тузувчи З.С. Саидкаримова - Т.: 1999.
5. Баратов П. Ер билими ва ўлкашунослик. –Т.: Ўқитувчи, 1980.
6. Қўчқоров Б. ва б. Саёхатни ташкил қилиш. –Т.: Илм зиё, 2008.
7. Нехлюбова А.С. и др. Полевая практика по природоведению. -М.: Просвещение, 1986.
8. Хайдаров К., Нишонов С. Табиатшунослик асослари ва болаларни атроф-муҳит билан таништириш. -Т.: Ўқитувчи, 1982.
9. Карпов В. Энциклопедический словарь юного географа – краеведа. - М.: Просвещение, 1981.
10. Строев К.Ф. Географическое краеведение. -М.: 1974.
11. Абдумаликов Г. Туризм. -Т.: Ўқитувчи. 1978.
12. Музей ўлкашунослик практикаси -Т.: Ўқитувчи, 1978.
13. Қориев М., Хисомов А. География экскурсиялари. -Т.: Ўқитувчи, 1960.
14. Юнъев И.С. Краеведение и туризм. -М.: Знание, 1974.
15. Сафиуллин Х.З. Географическое краеведение в общеобразовательной школе. -М.: 1979.
16. Сайёхлик ўлкашунослик тўғараклари. Дастурлар тўплами. –Т.: Илм зиё, 2008. -160 б.
17. Эгамов Б. Таълимда тоғ туризми. Ўқув-методик қўлланма. –Т.: Илм зиё, 2009. -160 б.
18. Ҳасанов И.А., Ғуломов П.Н., Ўзбекистон табиий географияси (1- қисм). - Т.: Ўқитувчи, 2007.

19. Ҳасанов И.А., Ғуломов П.Н., Қажумов А.А. Ўзбекистон табиий географияси (2-қисм). Тошкент. “Университет”, 2010.
20. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. -Т.: Ўқитувчи, 1988.
21. Қораев С. Тошкент топонимлари. -Т.: Фан, 1991.
22. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. -Т.: О'zbekiston Milliy Ensiklopediyasi”, 2005.-240 б.
23. Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. –Т.: Мухаррир, 2009.-431 б.
24. Аҳмадалиев Ю.И. Фарғона вилояти топонимлари. Фарғона, 2009.-140 б.
25. Эрбўтаева Ў.С., Баратов И., Алибеков У., Бектурдиев Ш. Сирдарё вилояти тарихи. Гулистон, 2010. – 23 б.
26. “Ўлкашунослик” фани бўйича тайёрланган ўқув услубий мажмуа. ЎЗМУ ички тармоғи.
27. www.undp.uz (Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури Веб-сайти).
28. www.Ziyo.net

МУНДАРИЖА

Кириш.....			
I-БОБ.	Табиатшуносликни	ўқитишнинг	дидактик
тамойиллари.....			
1.1.	Табиатшуносликни	ўқитиш	тамойилларининг
мазмуни.....			
1.2.	Табиатшуносликни	ўқитишда	ўлкашунослик
тамойилининг			
моҳияти.....			

II-БОБ. Табиатшуносликни ўқитишда ўлкашунослик материалларидан
фойдаланиш (Сирдарё вилояти
мисолида).....

2.1. Ўлкашунослик материалларини ўритишда табиий шароитни
ўрганиш.....

2.2. Ўлканинг аҳоли демографиясини
ўрганиш.....

2.3. Ўлканинг тарихи ва маданиятини
ўрганиш.....

2.4. Табиатшуносликни ўрганишда архив ва оғзаки манбаларнинг
аҳамияти.....

2.5. Ўлкашунослик музейлари билан
танишиш.....

Глоссарий.....
.....

Фойдаланилган адабиётлар
рўйхати.....

***Теришга 10.04.13 йил
берилди. Босишга 15.04.13 йилда***

рухсат қилинди. Бичими 60 х 84,
1/16. Буюртма рақами ____.

Ҳажми 4 б.т. Нусхаси 50 дона.

Баҳоси келишилган
нархда. ГулДУ босмахонасида
чоп этилди.

7007012. Гулистон, 4-мавзе.

